

Зилола Шукурова

РАБҒУЗНИЙ ВА ФОДЪКЛОР




Зилола Шукурова

РАБҒУЗИЙ ВА ФОЛЬКЛОР

«TAMADDUN»
Тошкент – 2015

25/6/2



КБК: 83.3(0)9
УЎК: 821-512-133-1

Шукурова, Зилола
Рабғузий ва фольклор: монография / З. Шукурова. –Тошкент,
«TAMADDUN», 2015. -200 б.

Масъул муҳаррир:

Ҳамиджон Ҳомидий
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Боқижон Тўхлиев
филология фанлари доктори, профессор
Жалолиддин Жураев,
филология фанлари номзоди

КБК: 83.3(0)9
УЎК: 821-512-133-1

ISBN 978-9943-4480-7-0

© З. Шукурова, 2015.
© «TAMADDUN», 2015.

КИРИШ

XIII аср охири-XIV аср бошларида яшаган Носириддин Рабғузийнинг пайғамбарлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Қисас ар-Рабғузий» асари диний манбалар ҳамда фольклордан файз топиб яратилган ёдгорликлар сирасига киради. Қиссада диний ҳикоят ва ривоятлар замирида ахлоқий-таълимий қарашлар ифодаси етакчилик қилиб, шахс камолотида ақлий-маънавий фазилатлар устун бўлиши лозимлиги таъкидланади.

Бугунги ушбу кунда қисса илм аҳли учун ғоятда аҳамиятли бўлиб, унда XIII-XIV асрда туркий халқларнинг ижтимоий, иқтисодий аҳволи, урф-одат ва анъаналарнинг жамиятдаги ўрни ва роли хусусида қимматли маълумотлар келтирилган. Шунингдек, «Қисас ар-Рабғузий» асари XIII аср охири-XIV асрнинг биринчи ярмида бадий адабиёт ривожини, наср ва назмнинг мавқеи ҳақида дарак берувчи муҳим манба ҳамдир. Ўзбек халқ поэтик ижодини ўрганишда ҳам «Қисас ар-Рабғузий» энг муҳим илмий-адабий сарчашма бўлиб хизмат қилади.

«Қисас ар-Рабғузий» асари ўз даври ва ундан кейинги асрларда котиблар томонидан бир неча нусхада кўчирилиб, тарқатилган. Бироқ юртимиздаги давлатлараро келишмовчиликлар, Шайбонийхон уруши, XVII-XVIII асрларда уч хонлик ўртасидаги

ички низолар, чор Россияси босқинлари каби урушлар натижасида бундай асарларни ўрганиш, уни тадқиқ этиш бирмунча сусайди. XIX асарга келиб адибнинг мероси шарқшунослар эътиборини ўзига жалб этди-ю, аммо ўзбек адабиётшунослигида XX асрнинг 40-йилларига қадар бу борада ҳеч қандай илмий-амалий натижа бажарилмади. Ниҳоят, ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб мактаб дарсликлари, илмий тўплам ва адабиётларда Рабғузий фаолияти ҳамда ягона асари “Қисас ар-Рабғузий” ҳақида қисқача фикр юритилиб, ҳикоятлардан парча киритилди. Адиб ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги қисқача маълумот илмий жамоатчилик эътиборини ва қизиқишини орттира бошлади. Олимларимиз ҳозирга қадар бу борада бир қанча ютуқларни қўлга киритишган. «Асарнинг каттагина қисми В.В.Радлов, В.Томсен, П.М.Мелиоранский, С.Е.Малов, В.Л.Котвич, Н.Фон, Габэн, Г.Рамстедт, А.Н.Кононов, П.Циме, Босим Аталай, Э.Н.Нажиб сингари атоқли рус ва хорижий туркийшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган»¹. Шунингдек, «А.Кримский, С.Броккельман, М.Ф.Кўпрулизода, А.Сомайлович, Ҳоди Зариф, Х.Расул, А.Ҳайитметов каби шарқшунос, тилшунос ва адабиётшунос олимлар ҳам ёдгорлик ҳақида муҳим фикрлар билдиришган. XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида “Қисас ар-Рабғузий”нинг айрим парчалари рус тилига таржима қилиниб, лингвистик шарҳлар билан П.М.Мелиоранский, Н.Ф.Катанов, Н.Ф.Остроумов

¹ Н.Рабғузий. Қисаси Рабғузий. –Тошкент: Ёзувчи, 1990. 1-к. 5-б. (Бундан кейинги ўринларда асардан олинган парчаларнинг саҳифаси кўрсатилади).

ва бошқалар томонидан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган»¹.

Адабиётшунос И.Ҳаққулов Навоий ижодини тадқиқ этиш жараёнида Рабғузий яратган ривоят ва ҳикоятларга ҳам мурожаат қилади. Унинг таҳлиллари гарчи ихчам бўлса-да, «Қисас ар-Рабғузий» типигаги асарларни ўрганишга янгича кўз билан қараш бошланганини кўрсатади². Шунингдек, «Ўзбек адабиёт тарихи»³ (5 томлик), «Ўзбек насри тарихидан»⁴ каби илмий адабиётларда «Қисас ар-Рабғузий» асари ҳақида умумлаштирувчи мақолалар ва таҳлилий мулоҳазалар берилган. Айниқса, филология фанлари номзоди Ғ.Ғофуржонованинг асар юзасидан билдирган илмий таҳлиллари ўтган асрнинг 80-йилларида олиб борилган кузатишларнинг энг салмоқлиси ҳисобланади. У ёдгорликнинг ўзбек насри ривожига тутган ўрнини тўғри кўрсатиб берган.

Кейинги йилларда адиб ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилишда кўплаб олим ва олималар илмий ва илмий-оммабоп асарлар яратишган. Жумладан, Х.Расулев қиссанинг эпик жанр ривожига таъсири ҳамда фантастик ҳикоятларнинг ўзига хос талқини ҳақида «Халқ фантазияси изларининг кўриниши»⁵, М.Абдувоҳидова «Қисас ар-Рабғузий» асари-

1 Ўша асар. 1-т. 8-б.

2 Қаранг: Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. —Тошкент: Юлдузча, 1989. 11-123-бетлар.

3 Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том. —Тошкент: Фан, 1977. 179-186-б.

4 Қаранг: Султонов И., Ҳайитметов А. Ўзбек насри тарихидан. —Тошкент: Фан, 1982. 17-27-бетлар.

5 Расулев Х. Халқ фантазияси изларининг кўриниши //Адабий мерос. —Тошкент, 1986- 2-сон (36). —Б. 30-3

нинг ўзбек мумтоз насрида тутган ўрнига бағишланган «Рабғузий ва ўзбек классик прозаси»¹, Н.Ҳасан «Қисас ар-Рабғузий»да берилган Юсуф (а.с) хақидаги қисса билан Қуръони Каримда битилган Юсуф сурасини қиёсий ўрганиб, «Қисаси Рабғузий»да Юсуф пайғамбар образи талқини» каби илмий мақолалар², И.Остонақулов «Қисас ар-Рабғузий» – адабий асар»³, Ҳ.Сафарова «Рабғузийнинг Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳис-салом»⁴ номли номзодлик диссертацияларини ёзишган. З.Машарипова “Ўзбек адабиётида фольклор анъаналари” номли кўлланмасида “Қисас ар-Рабғузий”нинг оғзаки ижод билан ўзаро боғлиқ жиҳатларини таҳлил қилиб, асарда кўлланилган фольклор элементлари ва бадий санъатлар хусусида қимматли фикрлар билдирган⁵. Биз эса юқорида номи зикр этилган адабиётшуносларнинг асар хусусидаги илмий қарашларида қиссанинг оғзаки ижод анъаналари билан боғлиқ жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаганини инобатга олиб, асарда кўлланган фольклор намуналарини махсус монографик планда тадқиқ этишга қарор қилдик.

1 Абдувоҳидова М. Рабғузий ва ўзбек классик прозаси // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1988- 4-сон (46). –Б. 36-38.

2 Ҳасан Н. «Қисаси Рабғузий»да Юсуф пайғамбар образи талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1996- 4-сон. -26-30-б.

3 Остонақулов И. “Қисас ар-Рабғузий” – адабий асар: Филология фанлари номзоди... дис. –Тошкент, 1993. -129 б.

4 Сафарова Ҳ.А. Рабғузийнинг Қиссаи Юсуф сиддиқ алайҳис салом: Филология фанлари номзоди.. дис. автореф. –Тошкент, 2001. - 33 б.

5 Қаранг: Машарипова З. Ўзбек ёзма адабиётида фольклор анъаналари. –Тошкент: ТДПУ, 2008. 40-б.

І БОБ

РАБҒУЗИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ЙЎЛИ

Маълумки, даврлар силсиласида турли шакл ва кўринишда ривожланиб келаётган фольклор ва ёзма адабиёт муносабати масаласи чуқур илмий таҳлилни талаб қилувчи омиллардан биридир. “Адабиётимиз тарихида юзага келган фольклор анъаналари асосан икки усулда: биринчидан, адабий асарда халқ ғояларининг, илғор фикрларининг акс этиши билан; иккинчидан, фольклор сюжетлари, образлари, элементлари, намуналарини қайта ишлаб тасвирий воситалар сифатида фойдаланиш билан амалга ошган”¹. Бу икки усул бир-бирига узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради ҳамда асарнинг халқчиллигини, ҳаммабоплигини таъминлайди. Зеро, ҳар бир ижодкор мазкур талаблар асосида ибратли, ўқувчига маънавий озуқа бера оладиган асарлар яратиб инсонларнинг маънавий камол топишида муҳим ҳисса қўшмоғи лозим.

Носириддин Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қисас ар-Рабғузий” асари ҳам юқоридаги қонун ва

¹ Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. —Тошкент: Фап, 1979. 8-бет.

талабларни ўзида тўла мужассам этган ёдгорликдир. Зеро, ижодкор «бадий асарнинг халқчиллиги учун курашиб, тил ва услуб масалаларида қисқалик, ихчамлик, равонлик, маънодорликка»¹ амал қилган. Ўз даврида машҳур бўлган бу китобни ёзишда ижодкор бир неча йил диний манбаларни кузатиш билан бирга “ўз ижодий режаларини қизиқарли, кучли таъсир кўрсатадиган воситалар орқали амалга ошириш иштиёқида фольклор материалига мурожаат этган”². Ёзувчи оғзаки ижод таъсирида юзага келган ёзма адабиётларни ҳамда диний манбаларни кўздан кечириб, уларнинг халқ ҳаётида нечоғлик аҳамиятли эканлигини таҳлил қилиб, халққа тарғиб қилди. Ниҳоят бир йиллик тинимсиз меҳнат самараси ўлароқ ўзига хос композицион тузилишга эга бўлган, “XIV асрдаги ўзбек бадий адабиётининг савияси, даражаси ва кучини кўрсатиб берувчи”³, дин-адабиёт-халқ оғзаки ижоди анъаналари ҳамоҳанглигида яратилган мазкур асар «хижрий 710 йилнинг Хут (милодий 1310-1311 йил 21 феврал - 21 март) ойида»⁴ ниҳоясига етди. Шу ўринда бир масалага эътибор қаратмоқчимиз. Ҳақиқатда ҳам, шу кунгача барча дарслик ва қўлланмаларда «Қисас ар-Рабғузий» асари хижрий 710- йилда ёзилган, деб

1 Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. Тошкент: Фан, 1979. 13-б.

2 Саримсоқов Б. Фольклор ва адабиёт муносабатларидаги ақс жараённинг ҳозирги жараёни//Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1988- 6-сон. 22-бет.

3 Расулев Х. Халқ фантазияси изларининг кўриниши//Адабий мерос. –Тошкент, 1986-2-сон (36). 30-бет.

4 Ўша асар 1-к. 7-бет.

эътироф этилади. Бироқ Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг тадқиқот марказида сақланётган инв №11537 асар нусхасида «709 ит йили рабби ул аввал ойининг йигирманчисида форсий тилдин туркий тилға мубаддал бўлди» (2-бет) деган жумлага дуч келдик. Мазкур сўзларга қараганда асар 709-йилдан ҳам илгари ёзилган. Бироқ биз ёдгорликнинг бу вариантыга асос бўлган қадимий нухани топа олмадик ва масалага аниқлик киритгунимизга қадар китобнинг ёзилиш санасини ҳижрий 710-йил, деб берамиз.

«Шарқ мумтоз адабиётида яратилган, китобат қилинган барча асарлар анъанавий ҳамд ва наътлар билан бошланади»¹. «Анъанавий диний муқаддимотнинг моҳияти ва кўзлаган мақсади барча муаллифлар ёки асарларда бир хил эмас. Айрим асарларнинг анъанавий муқаддимоти бошдан-охир диннинг таърифи ва тавсифига бағишланган бўлиб, муаллиф динни тарғиб ва ташвиқ этишни бош мақсад қилиб қўяди. Ундай асарларнинг муқаддимоти билан умумий моҳияти, руҳи узвий боғланган бўлади»². Рабғузий ҳам шу услубни ижодий қўллаган ҳолда асар муқаддимасини ҳамд ва наът билан бошлаб, ундан кейин асар ёзишни илтимос қилган Носириддин Тўқбуғани мадҳ этади. Сўнг китобнинг ёзилиш сабаби, муаллифнинг ўзи ҳақида хабар берувчи қисқача сўзбоши келади. «Анъанавий муқаддимот билан асарнинг асосий моҳияти

¹ Қодиров В. Тажалли назарияси мумтоз адабиёт намуналари ўқитишнинг методологик асоси сифатида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2008-12-сон. 27-бет.

² Маллаев Н. Анъанавий муқаддимот ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971-1-сон. 10-бет.

етакчи тенденциялари ўртасида ошкор (ёки рамзий) боғланиш ҳоллари ҳам кўзга ташланади. Бундай анъанавий муқаддимотда эътиқод билан мақсад, субъектив тушунча билан объектив ҳақиқат, фикрлар кураши ўз ифодасини топади¹. Демак, муқаддима шунчаки анъана эмас, айти пайтда у муаллифнинг ўз ижодий услуги билан китобхонни таништириш воситаси ҳамдир. Муқаддима қисми ёзувчи ва китобхон ўртасидаги илк танишув. Чунки бунда ҳар қандай ёзувчи ва ижодкор асар яратишдан мақсади, унинг ғоявий тематикаси, асарнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида қисқача тўхталган бўлади.

“Қисас ар-Рабғузий” асари тематикаси, мазмун-моҳияти, услуги, бадиийлиги, ғоявий йўналиши жиҳатдан элга манзур бўлиб, халқ орасида “Қисас ул-анбиё” (Пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар) номи билан ҳам машҳур бўлган. Мазкур ёдгорлик мавзу нуктаи назаридан бошқа шу силсиладаги асарлардан фарқ қилади. Унда ижодкор диний сюжет, воқеа–ҳодисаларни айнан келтирмай, уларни ўз ижодий нияти, ижтимоий–маърифий идеали билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Инсон умри, жамият тақдири ва уларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги ҳаётини воқеалар инъикоси ёрдамида очиқ берилади. Демак, бу китоб туркум сюжетли бадиий ижод намуналарига яқин экан.

Асар жами 72 қиссадан иборат бўлиб, ҳамд, наът, Носириддин Тўкбуға таърифидан сўнг дунёнинг яралиши, ер ва самонинг ўзига хос жиҳати, сув ва осмон, тоғу-тошлар, курт-кумурсқа, ҳайвонот-набо-

1 Маллаев Н. Анъанавий муқаддимот ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1971- 1-сон. 10-бет.

тотларнинг яратилиши, ўзга олам аъзолари бўлмиш фаришта ҳамда париларнинг бир-биридан фарқи ва яшаш манзиллари ҳақида сўз боради. Қиссада берилган ҳикоятлар манбасига кўра тарихий шахс, баъзи диний китоблар ҳамда халқ орасида юрган намуналар асосида киритма сўз – бошланмалар (зачинлар) билан келтирилган. Шунингдек, муаллиф қиссаларда пайғамбарлар ҳаёти ва фаолиятини кетма-кет баён этилишига жиддий эътибор билан қараган. Масалан, Одам (а.с), Шис (а.с), Идрис (а.с), Нух (а.с) ва бошқалар.

Тадқиқотда асардаги қисса ва ҳикоятлар моҳиятига кўра 3 туркумга бўлиб ўрганилди:

1. Фольклор намуналари асосида яратилган ҳикоятлар (Космогоник, ҳайвонот ва набототнинг келиб чиқиши, ўзига хос хусусияти ҳақида);
2. Диний манбалар (Таврот, Инжил, Қуръонда ҳикоя қилинган қиссалар асосида яратилган асарлар);
3. Тарихий асарлар (Искандар, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳақидаги тарихий манбалар асосида яратилган қиссалар).

Қиссалар ҳажман турлича бўлиб, асосан тасвирланаётган шахс ҳақида автобиографик мазмундаги хабар билан бошланади ва халқ оғзаки ижодида кўп учрайдиган бир киритма жанр ичида бошқа бир жанр намуналарини келтирилади. Шу сабабли бўлса керак, уларнинг баъзилари туркум сюжетлидир. Масалан, Мусо (а.с) қиссасида бир неча ҳикоят, ривоят, нақл, мақол, ҳикматли сўз каби жанр намуналари учрайди. Улар адибнинг асардан кўзлаган гоёвий ниятини тўлдириб, мукаммалаштиришга хизмат қилган.

Ёзувчи “Қисас ар-Рабғузий”да «пайғамбарлар ва улар тўғрисидаги барча нақл ва ривоятларни бирор воқеа атрофида жам қилган тарзда аксарият ҳолларда тугал ғоявий бадий мундарижага эга бўлган асар яратди. Шуниси характерлики, муаллиф қаламга олган ривоятга юксак маҳорат билан дунёвий рух сингдиради»¹. Асарда кўпчилик ҳикоятлар ва персонажлар тасвирида халқ оғзаки ижоди таъсири яққол сезилиб туради. Бунга мисол сифатида биргина Нух пайғамбар қиссаси ва унда бошдан оёқ оғзаки ижод намуналари билан суғорилган бир қанча киритма мифологик афсоналарни келтириш мумкин“. “Қисас ар-Рабғузий”даги ҳар бир ҳикоят ўзича мустақил асардир. Уларни алоҳида олиб қараганимизда ҳар бир ҳикоят бизда оригинал асардек таассурот қолдиради. Шуларни эътиборга олиб Рабғузийнинг ушбу қиссасини ҳикоятлар тўплами, деб аташ мумкин”².

Классик адабиёт намояндаларининг кўпчилиги бадий яратмалари таркибида ҳам насрий, ҳам назмий услубни қўллашни маъқул кўришган. Баъзилар ижод намуналарининг фақатгина сюжетини назмий йўл билан битиб, уларнинг сарлавҳаларини насрий йўл билан ёзишни хуш кўришган. Бундай насрий сарлавҳалар кўпинча мусажжаъ (қофияли наср) санъати асосида ёзилган. Ижод аҳлининг иккинчи гуруҳи эса асарнинг таъсирчанлиги, нафислиги, ўқувчига тез ва осон етиб боришини таъминлаш мақсадида сюжетни насрда ифодалаб, қаҳрамонлар-

1 Абдуллаев В., Абдуғафуров А., ва бошқ. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-т. –Тошкент: Фан, 1977. 185-бет.

2 Абдувоҳидова М.Б. Рабғузий ва ўзбек классик прозаси//Адабий мерос. –Тошкент: 1988- 4-сон (46). 36-бет.

нинг ички туйғуси, рухият олами, кайфиятини ёрқин чиқариш учун назмий услубга мурожаат қилишган. “Қисас ар-Рабғузий” асари билан жиддий танишув ёзувчи бадиий тажрибасида иккинчи услубий жилонинг устунлигини кўрсатади. Ўша давр нуқтаи назаридан қараганда «тил жиҳатдан “Тафсир”, “Хусрав ва Ширин”, “Наҳж ул-фародис”, “Сирож ул-қулуб” обидаларига яқин турувчи “Қисас ар-Рабғузий” Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқлар орасида “Қиссас ул- анбиё” номи билан машҳур бўлиб, китобхонлар томонидан эъзозлаб ўқилувчи, бахши ва оқинлар томонидан севиб куйланувчи асарлардан бири ҳисобланган»¹. Ёдгорликда пайғамбарлар ҳаёти ва фаолияти, улар билан боғлиқ тарихий воқеа-ҳодисалар баёни, диний афсонавий тушунчалар орқали реал ҳаётнинг тафсилотларни очиб берилади. Шу сабабдан, асар ҳанузгача китобхонлар қўлидан тушгани йўқ.

“Қисас ар-Рабғузий” асарига олам ва одамнинг яратилиш ибтидоси, уларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги ва ўзига хос хусусияти, инсоннинг бурч ва қиладиган амаллари ҳақидаги қарашлари тўпламининг бадиий ифодаси маҳсули, деб қараш тўғри бўлади. Бу асар ўша даврдаги адабий муҳит, тарихий давр, тил таракқиёти, маданиятининг шаклланиш босқичлари ҳақида қолаверса, Рабғузийнинг серқирра ижодкор, етук шоир, мохир таржимон, тарихчи, олим ҳамда қиссанавис бўлганлигини кўрсатади.

¹ Ўша асар 1-к. 6-бет.

«Қисас ар-Рабғузий»нинг таркиби, қўлёзма ва нашрий нусхалари таснифи

Ўзбек халқ оғзаки бадий ижодиёти жуда бой ва ранг-баранг бўлиб, уларнинг кўпчилиги ёзма адабиётда бир неча хил вариантда учрайди. «Қисас ар-Рабғузий» ҳам шундай асарлар сирасига кириб, ҳозирги кунда унинг бир неча қўлёзма нусхалари Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг тадқиқот марказида №Р3042, №10252, №7397, №1834, №6227, №11537, №6346, №6685, №6122, №11202, №12701, №7022, №1624, №5687 инвентарь рақами билан сақланмоқда.

«XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида асар Тошкент, Қозон, Самарқанд шаҳарларида литографик усулда бир неча марта нашр қилинган. Асарнинг нисбатан тўла матни илк марта рус туркшунос олими Н.И.Илминский томонидан 1859 йили Қозон шаҳрида эълон қилинган. Бу нашр кейинроқ кўчирилган нусхага асосланган бўлиб, тил жиҳатдан асл нусхадан анча фарқ қилади»¹. Филология фанлари номзоди И. Остонакулов «Қисас ар-Рабғузий»нинг Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг тадқиқот марказида сақланаётган айрим нусхалари ҳақида: «1859-1916 йилда Қозон ва Тошкент шаҳарларида босилган пайғамбарлар қиссаларининг Рабғузий номига нисбат бериш тўғри эмас. Уларни номаълум автор томонидан ишланган «Қиссасул анбиё туркий» деб атаган маъқул»² деган фикрни айтиб ўтган. Бироқ бу хулосалар асар нусхалари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди. Шунинг

1 Ўша асар 1-к. 8-бет.

2 Остонакулов И. «Қисас ар-Рабғузий» – адабий асар: Филология фанлари номзоди... дис. –Тошкент, 1993. 18-бет.

учун биз куйида биринчи марта «Қисас ар-Рабғузий»нинг Тошкент давлат Шарқшунослик институти-нинг тадқиқот марказида сақланаётган, аммо ханузгача махсус ўрганилмаган №10252, №7397, №1834, №6227, №11537, №6346, №6685, №6122, №11202 нусхалари ҳамда Самарқанд нашри, шунингдек, таянч манба сифатида 1990–1991 йилларда «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган Тошкент нашрининг тугалроқ илмий тавсифини беришга уринамиз.

Тошкент нашри. “Қисас ар-Рабғузий” асари 1990–1991 йилларда Тошкентда “Ёзувчи” нашриётида икки китоб ҳолида нашр қилинган. Уни Ўзбекистон Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси филология фанлари доктори, профессор Э.Фозилов, филология фанлари номзоди А.Юнусов, Х.Дадабоев, Ю.Шокировлар нашрга тайёрлашган. Мазкур асарнинг қадимий нусхаси XV асрда кўчирилган ва ҳозирги кунда Британия музейида сақланмоқда. Ушбу нусханинг факсимилеси машҳур матншунос К. Гронбек томонидан 1948 йилда Копенгагенда нашр қилинган¹. Ана шу факсимиле асосида адабиётимизнинг жонкуярлари қиссани чоп эттиришди.

Ёдгорликнинг биринчи қисми анъанавий ҳамд билан бошланиб Тавротнинг қиссаси билан якунланади. Асар сўнггида оят, ҳадис, арабча шеърларнинг таржимаси, луғатлар, мундарижа берилган бўлиб, 235 бетдан иборат².

¹ Носириддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Тошкент: Ёзувчи, 1990. 1-к. 8-б

² «Қисас ар-Рабғузий»нинг биринчи қисми 2013 йил «Шарқ» нашриётида қайтадан чоп этилди. У 191 бет ҳажмида бўлиб, Р.Зарипова, Н.Саъдуллаева томонидан таянч манбага асосланган Тошкент нашри матни ўзгартиришларсиз ҳозирги ўзбек адабий тилида таъдил қилинган.


“Қисас ар-Рабғузий”нинг иккинчи қисми 1991-йилнинг ўрталарида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Китоб “Мусо ялавочни озорлағонлар қиссаси” билан бошланиб, “Хотимату қисаси ал-Рабғузий” билан тугайди. Асар сўнгида луғатлар; оят, ҳадис ва арабча шеърларнинг таржимаси (бетлари кўрсатилмаган), Абдулазиз Абдуллаев кўмагида асарда иштирок этган 360 га яқин киши номлари ҳақида қисқача маълумот берилган. Китоб 272 бетдан иборат.

Мазкур нашр асар тилининг ўзгаришсиз соф туркий тилда ёзилганлиги, воқеаларни тасвирлашда Қуръондаги оят ва сураларга таянилганлиги билан қимматлидир. Нашрда биринчи қисса Одам (а.с) воқеасига бағишланади. Ҳижон воқеаси асарда Жин ибн ал-Жон номи билан “Сифати ал-аразина” яъни “Ернинг сифати”га бағишланган матн таркибида “Тақи хабарда андоғ келур” бирикмаси билан қисқача баён этилган. Асарда жами 47 та ҳикоят келтирилган бўлиб, шундан 19 таси биринчи қисмда, 28 таси иккинчи қисмдан ўрин олган. “Ривоят”, “Ривоят килибдурки”, “Ривоятда келтурубдурки” каби бирикмалар билан келган ривоятлар сони 60 та бўлиб, шундан 37 таси биринчи қисм, 23 таси иккинчи қисмда жойлашган. Ҳикоятларнинг баъзилари халқ оғзаки ижодидан олинган бўлса, айримлари тарихий шахслар тилидан келтирилган. Шеър, назм, байтлардаги мисралар сони жами 574 мисра бўлиб, шундан 334 мисраси биринчи қисмда, 240 мисраси иккинчи қисмда жойлашган. Чунончи, бу шеърларнинг 86 мисраси **байт**, 126 мисраси **шеър** номи билан, иккита ғазал, битта йигирма мисрали арабча

марсия келтирилган. Мазкур жанрларнинг ҳаммаси ҳам шеърий жанр маъносида қўлланган эмас. Масалан, “Шеър”, “Байт” номи остида келган айрим парчалар ғазал жанри талаб тамойилларига тўғри келади. Шундай таъкид “Ғазал” сарлавҳасидан кейинги шеърий парчаларга ҳам тааллуқли.

Китобни нашрга тайёрлашда бир қанча камчиликлар юзага келган. Масалан, асарда мундарижа мукаммал эмас. Яъни қиссанинг биринчи китобида мундарижа мавжуд, иккинчи китобида эса кўрсатилмаган. Китобнинг иккинчи қисмида асар сўнгида берилган арабча оятлар таржимасининг саҳифалари кўрсатилмаган. 211-бетидаги *байт* номи остида келган арабча шеър нашриётнинг айби билан махсус ажратилмаган. Шунингдек, баъзи сўзлар ҳам хато ёзилган: “Билгилким, *айбни* тенгридин *Фа ламма харра табаййанатал жинну ан лав каана йаъламунал зайба ма лабису фил азабил муҳин* (Сулаймоннинг жасади ерга йиқилганда, девлар аниқ билдиларки, агар улар ғойибни билганларида эди, бу хорлик азобида мунча вақт қолмаган бўлар эдилар.) ўзга билгучи йўқ” гапида *айбни* эмас *зайбни* деб ёзилиши керак (55-бет). “Аммо *Имон* Каъб ривоятинча” кириш бирикмасида *Имон* сўзи *Имом* ёзилиши керак (92-бет). Исmlарни ёзишда ҳам ноаниқлик учрайди: “*Мамъунга* борди ангама ёлворди” (106-бет) гапида *Мамъун* сўзи *Шамъун* шаклида ёзилиши керак эди. Асарнинг “Жолут алайхил лаъна қиссаси” да: “Ишмуил ул қамишни келтуруб *Жолутга* тенглади – баробар келди”¹ жумласи бе-

1 Ўша асар. 2-к. 25-б.



рилган. Бу гапда *Жолут* эмас, аксинча *Толут* бўлиши керак эди. Чунки қиссада Ишмуил пайғамбар Исроил халқининг талабига кўра жаннатдан юборилган қамиш ёрдамида юртбошқарувчи шахс излаб қамишни сигир боқувчи Толутга ўлчайди. Қамиш билан Толутнинг бўйи мос келганини кўрган пайғамбар уни юртбошқарувчи деб сайлаб, одийлар уруғидан бўлган ўта кучли, ёвуз Жолутга қарши курашишга юборади. Матнда эса уларнинг ўрни алмашиб кетган ва бундай хатолик ўқувчини чалғитиши аниқ. Худ (а.с) ҳақидаги қиссада “Қирқ етти йил *давлат* қилди, тингламадилар” гапи мавжуд бўлиб, бунда *давлат* сўзининг ўрнида *даъват* ёзилиши лозим эди (49-бет). Баъзи воқеалар асарда такроран берилган. Китобнинг иккинчи қисмида Ойша (р.а) нинг Муҳаммад (а.с)га “Юсуф кўрклими ёки сизми” деган саволларига Пайғамбаримиз Муҳаммад (а.с)нинг “Юсуф мандин кўрклурак эрди, аммо ман Юсуфдин тузлуқроқмен” деб берган жавоблари “ҳикоят” номи остида икки ўринда, яъни 130- ва 144- бетларида такроран берилган.

ЎЗРФАШИ. Инв №1834 нодир қўлёзма Китоб қаттиқ қалин қоғоз билан муқоваланган. Устига сариқ духоба матодан қоплама ёпилган. Асар кўп талофат кўргани боис дастлабки саҳифалари йўқолган. Шунинг учун 1- бетдан 5-а бетгача сиёхранда чиройли хуснихатда кейинги нашрлар орқали қайтадан кўчирилган. Матн четида сариқ хошия чизилган. Асл ёзув 5-б бетдан бошланади. Матн четида рамка йўқ. Настаълик хатида кўчирилган бу китоб 20x27 ўлчовли, 450 варақдан иборат. Кўчирган ко-

тиб маълум эмас. Китоб сўнгида хунук ёзув билан тушунарсиз сўзлар битилган. Шунинг учун уни ўқишнинг иложи бўлмади. (Бу сўзлар котибнинг номи бўлиши ҳам мумкин). Ҳар бир бет 22 сатрдан иборат. Асарда мундарижа берилмаган.

Китобнинг баъзи жойларига нам тегиши натижа-сида 105-а-б, 135-б, 293-б, 349-а бетларидаги ёзув бўялган. 104-б бетда мукова четида қизил ва сиёҳ рангда арабча сон ва сўзлар ёзилган. Матндаги баъзи бир сўзлар устидан чизилган. Шунингдек, 108-а (сиёхрангда), 125-б, 126-а-б, 134-а, 150-а, 154-а, 155-а, 185-а, 189-а, 190-а 301-б бетларда турли сўзлар матн хошиясига ёзилган. Баъзи жумлалар тагига қалам билан чизилган. 115-б, 123-а, 209-а бетлар ўртаси йиртилган. Баъзи йиртилган варақларнинг чети қайта таъмирланган. 445-б бетнинг тепа чет қисми йиртилган, ёзуви хира тортган, бўялган, ўчирилган.

Китобда *назм*, *байт*, *шеър* номи остида 410 мисра лирик шеър берилган бўлиб, улар араб, форс-тожик, туркий тиллардадир. Бу атамалар қизил сиёҳда ажратиб кўрсатилгани учун кўзга тез ва осон ташланади.

Асар беш хил ёзувда битилган: 1-бетдан – 5-а бетгача биринчи хил ёзув, 5-б бетдан – 191-бетгача иккинчи хил ёзув, 192-а бетдан – 203-б бетгача учинчи хил ёзувда битилган. 446-б – 447-б – бетгача варақлари зарар кўргани боис бошқа чиройли хуснихатда тўлдирилган. 448-450-бетгача тушунарсиз ва хунук хатда арабча сўзлар ёзилган.

Бу нодир қўлёзманинг бошқа нусхалардан фарқли жиҳати шундаки, у (тил жиҳатдан маълум лексик ўзгаришларга учраган бўлса ҳам) 1990-1991-йилдаги

нашри билан композицияси, сюжети ва лирик шеърларнинг мазмун – моҳиятига кўра деярли бир хил.

Самарқанд нашри. Китоб қалин картон қоғоз билан муқоваланган. Титул саҳифасида Туркий “Қисас ул-анбиё” Ларихон бинти Шариф деб ёзилган. Китобнинг биринчи бетиде “Ба сайъ ва эҳтимоми Эшон Солиххўжа Тоҳир котиб Бухорои Шариф дар вилояти Самарқанд” деб китобнинг кўчирилган жойи ва котибнинг номи кўрсатилган. Шунингдек, араб алифбосида “Фил матбаа Демуров” деб ҳамда варақнинг пастки ҳошиясида кирилл ҳарфлар билан “Дозволено цензурою Санкт Петербург 17 декабря 1904 года. Типо лит Р.И.Демурова в Самарканде” деб нашриёт номи берилган. Асар жами 528 бетдан иборат¹.

Бутун китоб рамка ичида қора сиёҳда ёзилган. Матн иккинчи бетдан махсус нақшли расм ичида “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” жумласи билан бошланади. Хаттот китоб ҳақида шундай ёзади: “... бу “Қисасул анбиё” араби эрди. Форсий қилиб андин туркий таржима қилинди. Тўққиз ит йилида Рабби ул-аввал ойининг йигирмасида бу китоб форсий тилиндин туркий тилга ўгириб тамом бўлди”. Шу ўринда савол туғилади. Котиб асарнинг ёзилиш тарихини тўғри қайд этдимикан? Бундай шубҳага келишимизнинг сабаби шуки, қиссанинг бошқа нусхаларида асарнинг тугатилиш санаси 710 – йил деб

¹ Мазкур нусханинг 2009 йил «Мумтоз сўз» нашриётида филология фанлари номзоди Б. Абдушукуров томонидан ҳозирги ўзбек адабий тилидаги табдили нашрдан чиқди. У 207 бетдан иборат бўлиб, матндаги лавҳаларнинг баъзилари туширилган.

берилади. Бунда эса 9-йил дейилмоқда. Назаримизда котиб қисса матнини кўчиришда хатога йўл қуйган. Илова тарзда айтиш мумкинки, №11537 нусхада ҳам қисса 709 ит йили рабби ул аввал ойининг 20-сида битилди, деган ёзув бор. Эътибор қилинса, ҳар икки вариантда ҳам бир хил маъно англатувчи жумлалар ёзилган. Матнни таққослаганда ҳам котибнинг сўзни ташлаб кўчирганини кўриш мумкин. Зеро, улар сюжет тизими ҳамда воқеалар ривожига кўра бир хил. Мундарижа 16-17- бетларда кўрсатилган. Шундан сўнг асосий матн бошланади. Биринчи қисса Ҳижон воқеасига бағишланади. Ҳар бир қисса ҳажмига кўра махсус фаслларга бўлинган. Масалан, Одам (а.с) қиссаси 11 фасл, Шис (а.с) 4 фаслдан иборат. Нашрда асарда зикр этилган тарихий ва афсонавий шахслар ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган.

Асарни ўрганиш жараёнида нашриётнинг ҳамда котибнинг хатоси билан йўл қўйилган бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, орфографик хатолар сабаб гап маъноси бузилган: “Бошидин йигиб оёғидин чиқарди” (446-бет) гапида тегиб сўзининг ўрнига нашриётнинг айби билан йигиб деб ёзилган. Ёки “Егали бир кунлик йўл қолғонда” (445-бет) гапида ҳам егали сўзининг ўрнига етгали бўлиши керак. “Ҳазрат Расули акрам (с.а.в) 18 ишга кирдилар” (452-бет) гапида ишга сўзининг ўрнига ёшга бўлиши керак.

Кўшимчалар нотўғри қўлланилиши сабаб семантик ғализликлар кузатилди: “Ул вақтда ўн бир фил Хожа Абдул Мутталибни сажда қилди” (446-бет)

гапида тушум келишиги –ни кўшимчаси ўрнида жўналиш келишиги кўшимчаси –га кўшилиши керак. Ёки “Биби Фотиманинг Ҳазрат Алига берди-лар” (472-бет) гапида қаратқич келишиги кўшимчаси –нинг ўрнига тушум келишиги кўшимчаси –ни кўлланилиши керак.

Баъзи исмларни ёзишда ҳам хатоликлар кузатилади. Масалан, Абу Толиб сўзи уч хил кўринишда: Абу Толиб **أبو طالب**, Ап Толиб **أطاب**, Аби Толиб - **أبي طالب** тарзида ёзилган бўлиб, шундан Абу Толиб варианты тўғри ҳисобланади ва шундай ёзилиши керак. (452-453 бетлар)

Самарқанд нашрда пайғамбарлар ҳақидаги воқеалар кенг ва батафсил ёритилган. Масалан, Нух (а.с) ҳақидаги қиссада Нух пайғамбарнинг асл исми Шокир бўлиб Нух деб аталишининг уч хил сабаби келтирилган: “... бири улким бир кун Шайтон (а.л) олдилариға келиб ризолиғ ва миннатдорлиғ қилди ҳад ҳисобдин ташқари. Нух айдилар: Эй малъун, сан не ишға мунча хушнудлиғ қилурсан дедилар. Иблис айди: Эй Нух, хама оламини халқи сани дуоинг била йўқ бўлди. Бу йўл била дўзахқа уланди. Дўзахни ичи тўлуб мани кўнглум тиниб қолди. Агар сан дуо қилиб мунча халқни йўқ қилмасанг бу халқдан қанча пайғамбар, қанча авлиё ва олим ва зоҳид ва солиҳ ва фозил ва тақводор вужудға келур эрди... Манга сандек хизмат қилғон киши йўқдур деди. Шундан пушаймон ва надомат қилиб... чандон – чандон йиғладирким... ул боисдан Нух атандилар.

Яна бир улким, бир кун ўлтуруб эрдилар бир ит кириб келиб қошларига турди. Нух итни нари

кеткил бадишка дедилар. Ит айтдики: Эй Нух, сан нақшни айб қилурмисан наққошниму? Агар нақшни айб қилсанг ман ўз ҳолимча мундоғ бўлгон эмасман, агар наққошни айб қилсанг Ҳазрат Ҳақ Субҳана Таоло деди. Нух бу сўзлариға пушаймон бўлуб йиғладилар, ул сабабдан Нух атандилар.

Яна бир боиси улким, Ҳазрат Ҳақ Субҳана Таоло фармон қилдики, Эй Нух, сан кўб кўза, хум, обдаста қилғил деди. Ҳазрат Нух кўб кўза, хум, обдаста тайёр қилдилар. Тайёр бўлгондан кейин, ҳаммасини синдурғил деб фармон бўлди. Ҳаммасини синдурдилар. Айдиларким, Эй бор Худоё, кўза қилғил дединг, не миқдор машаққатлар била тайёр бўлгонда синдурғил дединг синдурдим. Мани меҳнатимни зоеъ қилдинг. Боиси недур деб эрдилар. Ҳазрат Ҳақ Субҳана Таоло айтдики, Эй Нух беш-олти қилгон жонсиз кўзаға меҳнатим зоеъ бўлди дерсан. Мани бандаларим Мағрибдин Машрикғача тўла эрди. Ҳаммасини йўқ қилғил деб дуо қилдинг, ман ижобат қилдим. Ҳаммасини бир йўли йўқ қилдим. Ман санга неча халқимни нимага йўқ булсун дейдурсан дедимму, деб эрди. Бу сўздан хижолатлик бўлуб кўб йиғладилар. Ани учун Нух атандилар” (96-97 бетлар). 1990 йилги нашрда эса уч вариантнинг фақат биринчиси келтирилган, холос.¹

Юсуф (а.с) қиссаси бирмунча тўлиқ ва батафсил ёритилган. Биргина Юсуф (а.с)нинг пайғамбар бўлиши ҳақида башорат берувчи бешта туш тасвири берилган: “Юсуф (а.с) 7 ёшға кирганда бир туш кўрдиларким оғалари бирла бир сахроға

¹ Ўша асар. 1-к. 40-бет.

чикибдурлар. Ҳар қайсилари таёқларин ерға сочтилар. Ағоларин таёқлари кўкарди, юқори уланди. Юсуф (а.с) таёғлари улуғи осмонғача ўралади. Ағоларининг таёқлариға соя қилди...”

Яна бир кун туш кўриб кўрқуб уйғондилар. Оталарига айтдиларким: “Бир улуғ шаҳарда эмишман, бир тахт ўзасида ултуриб эмишман. Бошимда тож мурассаъ катта жамият халқ хизматимда ўлтурубдурлар... Ул аснода осмонларни эшиги очуқ бир нури мунаввар ҳама дарёларни суви равон, илғари санахон эрдилар. Олдимда бир ридо ҳама олам ул ридони нурина равшан ва мунаввар эрди. Оламдаги ҳама ганжларни калиди мани олдимда эрди. Бу ишларга таажжуб қилиб турур эрдим ногоҳ ўн бир юлдуз ой ва кун манга сажда қилди, деб тушларини оталарига айтдилар... Ва яна бир кун туш кўрдиларким, ўн бўри келиб Юсуф (а.с) га қасд қилди. Яна бир бўри келиб бу бўриларни қувлаб эрди шул соат ер ёрилди Юсуф (а.с) ерга кириб ғойиб бўлдилар... Бир кеча туш кўрди ўн ағолари бир тефаға чиқиб ҳар қайсилари бир кудук қаздилар сув чикмади. Юсуф (а.с)ни кудукларидин сув чикди. Ҳар не бор кудуклар бўлди. Яна бир кеча туш кўрдилар ҳама ағолари била ўтунға бордилар. Ўзгаларни ўтуни қаро, Юсуф (а.с) ўтунлари оқ эрди. Бир киши тарозу келтуруб оғоларини ўтунуни бир палласиға, Юсуф (а.с) ўтунларини бир палласиға солиб тортди. Ёлғуз Юсуф (а.с)ни ўтунлари оғир келди” (Ўша нашр 184-бет). Тошкент нашрида эса Юсуф (а.с)ни пайғамбар бўлишидан дарак берувчи иккита тасвир, яъни юқоридаги туш тасвиридан

биринчи ва “Ўн бир юлдуз, кун ой бирла иниб Юсуфга сажда қилурлар” воқеаси берилган¹.

Нашрда Юсуфнинг акалари оғзига қон суртиб олиб борган бўри Яъқуб (а.с)га 17 кундан буён овқат емай қариндошини излаб юрганини айтади. 1990 йилги нашрда эса бўри Яъқуб (а.с)га 3 кундан бери овқатланмай ўғлини қидириб юрганини айтади.

Асарда бир қанча кириш сўз, кириш бирикма ва адабий истилоҳлар мавжуд. Жумладан, “Ҳикоят”, “Ҳикоятда андоғ келтурубдурларки”, “Ҳикоят қилубдурларки”, “Андоғ ҳикоят қилурлар” бирикмаси остида келган ҳикоятлар сони 84 та. “Ривоят”, “Ривоят қилибдурки”, “Ривоятда келтурубдурки” каби бирикмалар билан келган ривоятлар сони 52та. Шеър, назм, байтлардаги мисралар сони 194 мисрани ташкил қилиб, шундан 72 мисраси **назм**, 90 мисраси **шеър**, 2 мисраси **байт** номи остида; битта олти байтгли мухаммас ҳамда битта саккиз мисрали тожикча шеърдан иборат.

Самарқанд нашрида учта латифа келтирилган бўлиб, улар Мусо (а.с) қиссасида битта (бирок у латифа жанри талаб тамойилларидан буткул йироқ 317-бет) ҳамда Юсуф (а.с) қиссасида иккита (237, 245-бетлар) берилган. Тошкент нашрида ҳам учта латифа келтирилган ва уларнинг барчаси Юсуф (а.с) қиссаси таркибидадир.

ЎЗРФАШИ. Инв №6685. Китоб қора рангли қалин картон қоғоз билан муқоваланган. Ўртасида ромб шаклдаги учта нақш бор. 1-титул саҳифасининг ярми кесилган ва 41181 рақами

¹ Қаранг: Ўша асар. 1-к. 102-бет.

ёзилган. Бу рақамнинг нима мақсадда келтирилгани бизга қоронғу. 2-титул саҳифада “53 ёзилгон йили 341 варақ, 19 батар, ўлчов 19,5 x 26, тили ўзбек, хати насталиқ...” деб ёзилган.

Титул варақнинг четида “Ин Қосос Ҳасан ...” деб котибнинг номи кўрсатилган, бироқ варақнинг қолган қисми кесилгани сабаб котиб номининг шу қисмигина қолган.

Асосий матн қора сиёҳда. Матн ҳошиясидаги ва матн ичидаги баъзи сўз ва жумлалар, *фойда, ҳикмат, латифа, муножот, насиҳат, ҳикоят, шеър* каби атамалар қизил сиёҳда ёзилган. Биринчи бетдаги матн 16 қатор, қолган бетлар 19 қатордан иборат. Асар котиб томонидан саҳифаланган. Мундарижа берилмаган. Ёдгорлик “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” билан анъанавий ҳамд, наът, Носириддин Тўқбуғани таърифлаш билан бошланади. Ер ва Осмон сифати берилгандан сўнг Одам (а.с) қиссаси бошланади. Қиссалар ҳеч қандай фаслларга бўлинмаган. Шу жиҳатдан бу нусха Тошкент нашрига яқин.

Ёдгорлик яхши сақланган. Бироқ унда ҳам баъзи нуқсонлар кўринади. Жумладан, 141-142-бетлар саҳифаланмаган, 140-бетнинг четлари йиртилгани учун қоғоз ёпиштирилган. 544-бетда Искандар Зулқарнайн ҳақидаги ҳикоят тугагач, думалоксифат деворга ўхшаш бир неча чизикдан иборат расм чизилган. Ичида “Ҳисор Тастантания бинои Искандария” деб ёзилган. Демак, котиб Искандар Зулқарнайн қурдирган девор расмини чизган.

Қиссада шеърий мисралар *шеър*, *байт*, *назм* остида берилиб, улар араб, форс-тожик ҳамда туркий тиллардадир. Улар 529 мисрани ташкил қилади.

552-бетдан Муҳаммад (с.а.в) қиссаси бошланади ва у кишига атаб 553-бетда “Наът аввал” деб “Олди таркин борди эрса ҳақ рисолат хилқатин...” мисралари билан бошланувчи 8 байтли, “ал –наът алсоний” номи билан “Тангримизга чин топуғсоқ одамилар билгаси...” деб бошланувчи 8 байтли, “ал наът ал солис” туркумида “Эрнаки синдуси бирла ой биносин ёритғучи” мисралари билан бошланувчи 4 байтли шеър, “алнаът алробъи” деб “Раҳматан лилоламин, теб айди роҳман раҳматин...” деб бошланувчи 10 байтли ғазал битилган. Бу ғазаллар ёдгорликнинг бошқа нусхалари ҳамда Тошкент нашрида ҳам мавжуд. Бироқ Тошкент нашрида 30 байт эмас, балки 29 байт бўлиб, “наъти аввал”да битилган 16 мисра шеър Тошкент нашрида 14 мисрадир. Шунингдек, Тошкент нашрида “Наъуту охирун набийй (а.с)” деб бошланадиган 44 мисра шеър тасниф қилиб номланмаган ҳолда берилади ва уларнинг ҳаммаси №6685 нусха билан бир хил.

Асарни ўрганиш жараёнида шу нарса аниқландики, бу вариант Тошкент нашри билан сюжети тизимига кўра жуда яқин. Яъни бу қиссада бошқа қисса нусхаларида учрайдиган, котиблар томонидан мустақил қўлланган “Тилингни тия тут”, “Тавба эт барча гуноҳлар ўтун”, “Келгуси”, “Топса” радифли ва шунга ўхшаш шеърий мисралар учрамайди. Шунингдек, фольклор аъъаналари билан тўйинтирилган баъзи ҳикоят ва ривоятлар ўта кам.

Тил жиҳатдан бу нашр Тошкент нашридан фарқ қилади, яъни матн тили XIX аср адабий тилига яқин. Хулоса қилиб айтганда, бу нусхада ҳам XIII- XIV аср лексикаси сақлаб қолинмаган бўлса-да, котиб қиссани кўчиришда унга холисона ёндашгани сабаб сюжет тизими қадимий нусха билан ҳамоҳанглигини деярли йўқотмаган.

ЎЗРФАШИ. Инв №6122. Китоб қалин яшил рангли картон қоғоз билан муқоваланган. Унинг устидан жигаррангли қоғоз ёпиштирилган. Китобнинг умумий аҳволи яхши, бироқ дастлабки ва охириги саҳифаларига анча шикаст етган, варақлари йиртилиб, қайта тикланган. Жами 497 бетдан иборат. Ҳар бир бет матни 19 қатор, 22x28 ўлчовдан ташкил топган. Чиройли хуснихатда, настаълиқ ёзувида ёзилган. Асарни кўчирган котиб номи қайд этилмаган. Бироқ 226-бетда матн тепасида учта жойда Носириддин Абдулазиз китоби, деб қаламда ёзилган. Бу шахс китобнинг эгаси бўлиши мумкин. Асарнинг бошланиш қисми йўқолган. Қисса Муҳаммад (с.а.в) га саловат айтиш билан бошланади. Мундарижа берилмаган. Асосий матн қора сиёҳда, баъзи сўз ва жумлалар қизил сиёҳда ёзилган. Асарнинг 53, 63, 68- 73 бетигача, 83, 87-90 каби саҳифаларнинг чет қисмига тўлдириб тожикча матн ёзилган. 84-85, 127, 215, 232, 234, 331-332, 390 саҳифаларнинг ёзувлари бўялган, 282, 305-бетлар кесилган.

Қиссада араб, форс-тожик, туркий тилда жами 703 мисра шеър бўлиб, улар *шеър*, *байт*, *назм* номи остида берилган. Бу лирик парчалар бошқа нусхалардаги сингари котибнинг мустақил байтлари

билан тўлдирилган. Масалан, Юсуф (а.с) қиссасида Яъқуб (а.с) Юсуфнинг сўхабарини келтирган аъробийдан шеърий тарзда:

Ушбу кўзунг бирла кўрдунгми ани,
Сўзла, сўзунг бирла севунтур мани...(133-б)

деб бошланувчи 5 байтдан иборат ғазал битилган. Қизиғи шундаки, Яъқуб (а.с) ва аъробийнинг бу диалоги Тошкент нашрида насрда берилган. Демак, котиблар матнни кўчиришда қиссанинг баъзи воқеаларини ўша даврда кенг тарқалган ғазал жанрининг қонун – қоидаларига мувофиқ назмда ҳам тасвирлашган.

111-112 -бетларда тўртта думалок чизма мавжуд. Биринчисининг ичида 12 та юлдуз (номи қора сиёҳда), иккинчисида 7 та юлдуз, учинчисида 6 та юлдуз, тўртинчисида 12 та юлдуз номи ва унинг ёнида Яъқуб (а.с)нинг 12 ўғлининг номи (қизил сиёҳда) қўшиб ёзилган. 190-бетда Юсуф (а.с) қиссаси унинг ўлими тафсилоти билан тугатилган.

209-бетда Мусо (а.с) қиссаси аввал сажъ усулда, кейин шеърий йўл билан нақл этилган. (Тошкент нашрида бу икки қиссанинг бошланиш ва охириги тафсилотлари йўқ).

367-бетда Искандар Зулқарнайн қиссаси тугаб, у курдирган девор расми тўртбурчак шаклида чизилган. Чизмада қизил сиёҳда “Ҳаза ҳисори фил шаҳри Қустантания бинои Искандария” деб ёзилган.

Асар икки хил ёзувда: дастлабги бетдан 386-бетгача чиройли хуснихатда 386-416- бетгача хунук ёзув билан кўчирилган. Демак, бу нусха ҳам тарихий, ҳам астрономик аҳамиятга молик.

ЎзРФАШИ. Инв №6346 Китоб муқоваси тўқ яшил рангдаги қалин картон қоғоз билан қопланган. Муқова ўртасида нақш чизилиб, ичи қизил рангга бўялган. Жами 358 варақдан иборат, 27х31 ўлчовли бу китобнинг ҳар бир бети 21 қатордан ташкил топган. Асар ҳижрий 1295 (мелодий 1878) йилда сафар ойининг ўн олтинчисида кўчирилган.

Матн чиройли хуснихатда, настаълиқ хатида кўчирилган сабаб китобхон ўқишда қийналмайди. Китобнинг дастлабки титул саҳифаси ҳамда охириги бетлари йиртилган. Аммо китоб ичи яхши ҳолатда. Асосий матн қора сиёҳда, баъзи сўз ва жумлалар қизил сиёҳда ёзилган ёки қизил сиёҳ билан тагига чизилган.

1-титул саҳифасида 4 байт шеър битилган. 2-титул саҳифада эса қора сиёҳда катта қилиб Мулла Умарали Хожа деб ёзилган. Афтидан, бу китобни кўчирган котибнинг исми бўлса керак. Чунки котибнинг исми асарнинг ҳеч бир ўрнида кўрсатилмаган. Фақат шу бетнинг четида 30 кишининг исми тартиб билан берилган: Мулла Умар, Мулла Муҳаммадғози Содик, Мулла Сулаймон, Мулла Умарали Хожа (бу шахс 26-рақамда турибди) ва бошқалар. Фикримизча, булар ўша даврда яшаган котибларнинг рўйхати бўлиши керак. Буни биз котиб номининг шу рўйхат таркибига киритилганидан билишимиз мумкин.

Асар анъанавий муқаддимот билан бошланиб, осмон ва ернинг сифатлари баёни берилган. Шундан сўнг асар мундарижаси битилган. Мундарижа ҳам тўлиқ эмас. Ундаги 7-қисса тушириб қолдирилган, баъзи пайғамбарлар номи келтирилмаган.

Айрим қиссалар фаслларга бўлинган. Масалан, Одам (а.с) 12 фасл, Мусо (а.с) 10 фаслдан иборат (Биргина Одам (а.с) қиссаси таркибида 72 мисра лирик шеър битилган). Қиссада *шеър, назм, байт*, номи билан келган араб, форс-тожик, туркий тилдаги мисралар сони 307 мисрани ташкил қилади. Воқеалар баёнида ҳам турли кўшимчалар кузатилади. Масалан, Нух (а.с) қиссасида Нух (а.с)нинг 3та исми бор деб келтирилган: “Бир отлари Лакаб, яна бир отлари Ҳакаб, яна бир отлари Яшқир эрди дея келтирилган” (49 б -бет). Юқоридаги зикр этилган исмлар тўғрисида бирор адабиётда таъкидланмайдди. Бу номлар котиб томонидан қўллангани аниқ. Чунки бошқа вариантларда Нух (а.с) фақат бир исм билан тилга олинган.

Юқорида айтилганидек, китоб асарнинг бошқа нусхаларига қараганда яхши сақланган, бироқ баъзи бетлар йиртилиб тузатилган, 85-а, 134-б, 187-б, 188-а, 245-а каби бетлардаги ёзув бўялган; 78-а, 213-б, 300-а бетлар йиртилган. Баъзан матн ҳошиясига турли сўзлар ёзилган. 286-б бетда қора сиёҳда Искандар Зулқарнайн курдирган деворнинг сурати 2 қаторда катта думалоқ расм чизилган. Ўртасида “Ё Аллоҳ Ибодул аббад хожа қори” деб ёзилган. Китоб сўнгида яна иккита оқ варақ кўшилган. Охирги бетига 1097 деб рақам кўйилган. Бу рақам нима сабабдан кўйилганини тушунолмадик.

ЎЗРФАШИ. Инв №7397 Китоб қалин тўқ қизил рангдаги картон қоғоз билан қопланган. Муқованинг ички қисмида “Қиссас ул анбиёи Рабғузий” деб ёзилган. Асар котиб Эшонқули ибн Қулмуҳаммад

қози томонидан ҳижрий 1291 йилда кўчирилган, бироқ жойи кўрсатилмаган. Мазкур китоб 17х31 ўлчовли, 553 varaқ, 17 йўлдан иборат.

Асосий матн биринчи бетдан бошланади. Матн ибтидосидан аввал рангли нақшли расм чизилган. Хат қора сиёҳдадир. Муаллиф томонидан китобхоннинг эътиборини жалб қилмоқчи бўлган сўз ва бирикмалар остига қизил сиёҳ билан чизилган. Шунингдек, баъзи бир номлар ва адабий истилоҳлар қизил сиёҳда ёзилган. Масалан, Муҳаммад (с.а.в), нақлдурки, савол, жавоб, байт, назм ва ҳоказо. Матн махсус чизги (рамка) ичида берилган бўлиб, баъзи саҳифаларда хошиядан ташқарида тожикча, баъзан туркийча сўз ва жумлалар ёзилган. Қўлёзма чиройли ҳуснихат билан настаълиқда кўчирилган.

Китобнинг тузилишига эътибор қилинса, матн анъанавий Аллоҳга ҳамд, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га саловот (наът) билан бошланади. 23-а бетдан 25-а бетгача асар мундарижаси кўрсатилган. Мундарижанинг тартиб рақами қизил сиёҳда, қисса қахрамонининг номи қора сиёҳда ёзилган. Ҳар бир қисса ҳажмига кўра ички фаслларга бўлинган. Масалан, Одам (а.с) қиссаси 12 фаслга, Шис (а.с) ҳақидаги қисса 4 фаслга, Мусо (а.с) ҳақидаги қисса 10 фаслга бўлинган. 1990-1991 йилларда чоп этилган Тошкент нашрида кузатилмайдиган қиссаларнинг бу тарзда фаслларга бўлиниши диққатимизни ўзига тортди. Фикримизни Одам (а.с) қиссаси мисолида давом эттирамиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, қисса 12 фаслдан иборат: “аввалғи фасл Ҳазрат Одам (а.с)нинг яратмоқни ифодаси баёни, иккинчи

фасл Бани ал Жоннинг баёни турур, учинчи фасл Ҳазрат Одам (а.с)нинг яратилмоқини баёни турур, тўртинчи фасл фаришталарнинг Ҳазрат Ҳақ субҳана таолоға густохлик қилиб, осий бўлғонларининг баёни, бешинчи фасл ер юзидин туфроқ олмоқнинг баёни, олтинчи фасл Ҳазрат Одам (а.с)нинг жасадлариға рух киргузмакнинг баёни, еттинчи фасл таълими осмоннинг баёни, саккизинчи фасл Ҳазрати Одам (а.с)нинг тирилиб ротабоқ самовот кўтариб, сайр қилиб юрадурғоннинг баёни турур, тўққизинчи фасл Азозил сажда қилмоқни маҳзул бўлиб, лаънати абадийга гирифтор бўлғонини баёни турур, ўнинчи фасл Ҳазрат Одам (а.с) била Ҳаво шайтони ланининг далолати бирла буғдой еб, осий бўлиб беҳишт дин чикғонларини баёни турур, ўн биринчи фасл яна тавба қилиб тавбалари қабули даргоҳ Ҳақ Илоҳи бўлиб, гуноҳларидин пок бўлғонларини баёни турур, ўн иккинчи фасл Ҳазрати Одам (а.с) Ҳазрати Ҳаво бирла жудолашиб, яна топишқонларини баёни турур”. Бу фасллар қисса ичида мустақил ишланган хикоят шаклида анча кенг тасвирланган ҳамда мустақил байтлар билан зийнатланган. Улар қиссада бир байтдан – етти байтгачадир. Мисол тариқасида биз улардан баъзиларини келтиришни маъқул кўрдик.

Аввалғи фаслда “Эрур” радифли 6 мисра ғазал:

Гавҳар келтурдилар мулки адам бозориға,

То харидори анинг кун макондин ким эрур. (26-б)

Тўртинчи фаслда ёлғиз байтдан тузилган иккита лирик шеър:

Тавба эт, барча гуноҳлардин ўтун,

Ўтға ўтун тушуб қолурму бутун. (32-б)

Олтинчи фаслда олти мисрали “Қилғусидур” радифли ғазали:

Жунур маглаъ тўфон зухур қилғусидур,
Ҳазор зулмат агар бўлса нур қилғусидур.... (44-б)

Яна айнан шу фаслда шу бетда ўн мисрали “Бўлур” радифли ғазал:

“Иржиғу”, деб жон кулоғига бу кун келса нидо,
Бу қафасни синдуруб, шикаста пар учса бўлур...

Ўнинчи фаслда ўн тўрт мисрадан иборат “Келғусидур” радифли ошиқона ғазал:

Севиб чиқингизлар бу йўлғаким яхши нигор келғусидур,
Мужда беринг димоғ аро бу баҳор келғусидур. ..

Ўн иккинчи фаслда ўн икки мисрали “Топса” радифли ошиқона ғазал:

Хуррам ул лаҳзаки муштоқ нигорим,
Айшу роҳатда кулар ёри азизин топса...

ғазаллар берилган ва булар жами 52 мисрани ташкил этади. Қизиғи шундаки, Одам (а.с) қиссасининг фаслларга бўлиниши ҳамда ундаги лирик шеърларнинг биронтаси Тошкент нашрида учрамайди. Ўз навбатида Тошкент нашрида берилган Одам (а.с) қиссаси таркибидаги 20 мисра шеърларнинг (шундан 6 мисраси араб тилида) бирор мисраси ҳам №7397 нусхада учрамайди. “Қисас ар- Рабғузий”-

нинг икки хил варианты орасидаги бу қадар тафовут китобхонни ўйлантириши табиий. Чунки бу икки нусхани фақат Одам (а.с) қиссасининг умумий баёнигина бирлаштириб турибди. Кузатишимиз шуни кўрсатадики, котиб асарни кўчиришда асарнинг нодир кўлёмасидан беҳабар бўлган. Шу сабаб у матнни кўчиришда қўлидаги нусхадан айнан кўчирган ёки матннинг сюжет чизиғи, лирик шеърларнинг мазмун-моҳиятини кенгайтириб, тўлдирган.

Китоб рангли ҳошия ва расмлар билан безатилган. 149-бетдан кейин уч бетда Каъбанинг умумий кўриниши тасвири берилган ва бу варақлар саҳифаланмаган. Каъба атрофида хонақоҳлар расми чизилиб, уларнинг ичида “раҳмат боб”, “дарё боб” каби сўзлар ёзилган. Каъба расмининг тепасида қуйидаги жумлалар ёзилган. “Анға бердилар Ҳазрати Мусонинг уйлари ҳам шул эрди. Анинг ҳам берди дарра этдилар. Анинг бирла шариатнинг ошкор қилур эрдилар, дебдурлар Омин ва роббил оламин. Фасли хонаи Каъбанинг бино қилғонларининг воқеаси турур” жумлалари битилган. Демак, котиб Мусо (а.с)ни Каъбадаги хонақоҳлардан бирида яшайди, демоқчи. Ваҳоланки, Мусо (а.с)нинг Миср элида яшагани, Каъба эса Арабистонда қад кўтаргани барчага маълум. Шунингдек, асарнинг 471-б ва 472-а бетларда, 518-б бетда Расул (а.с)нинг меърожга чиққанлари таърифида ҳам сурат мавжуд. Баъзи пайғамбарлар, хусусан, 170-а бет Юсуф (а.с), 376-а Сулаймон (а.с), 478-а бет Расул (а.с) ҳақидаги қиссалар ҳам “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” билан маҳсус рангли нақшли расм остида баён этилган.

Китобнинг охири 558-бетда котиб томонидан оч қора сиёҳда тушунарсизроқ қилиб ҳазрат Расул (а.с)нинг мўминларга баъзи насихатлари ҳамда “китобат камина Мулла Эшонкули қул Муҳаммад қози ўғли 1291 Ҳазрат Одамдин то шул вақтгача 7432 йил бўлубдур”, – деган сўзлар ёзилган. Кузатишлар натижасида шу нарса аниқландики, хаттот асарни кўчириш жараёнида унинг тилини ўз даврига мослаштирибгина қолмай баъзи шеърлар ва воқеаларни ўзидан кўшган ёки айримларини тушириб қолдириши натижасида китобнинг бадий қимматига путур етган.

ЎЗРФАШИ. №6227 Китоб қалин жигарранг картон билан муқоваланган бўлиб, нақшли. Муқовадан кейин қалин қоғоз ёпиштирилган. Қоғозда қалам билан тушунарсиз ва хунук ёзув билан арабча сўзлар ёзилган (Уни ўқишнинг иложи бўлмади). Настаълиқ ёзувида кўчирилган мазкур кўлёзма 25,5x29,5 ўлчовли, 397 варақ, 17 йўлдан иборат. Матн бошида котиб номи ва кўчирилган жойи қайд этилмаган. Кейинги бетда асар мундарижаси чала қилиб, яъни аввалги қиссадан 20-қиссагача ёзилган. Асосий матн биринчи бетдан “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” сўзлари билан бошланади. Матн қора сиёҳ билан кўчирилган. Китобхон эътиборини алоҳида жалб этиш мақсадида фикрлар тагига қизил сиёҳ билан чизилган. Баъзи атама ва номлар (назм, байт, Қавлу Таоло, нақлдурки, савол, жавоб) қизил сиёҳда ёзилган. Асар анъанавий ҳамд, наът билан бошланади. Ундан сўнг Носириддин Тўқбуға мадҳи ва асосий қисм бошланади. 18-бетда мундарижа қайтадан тўлиқ ёзилган.

Ҳар бир қисса ҳажмига кўра махсус фаслларга бўлинган. Масалан, Одам (а.с) қиссаси 11 фаслдан, Мусо (а.с) қиссаси 10 фаслдан иборат. Эътибор қилинса, бу нусхада Одам (а.с) қиссаси 11 фаслга бўлинган, фаслдаги лирик шеърлар миқдори эса 64 мисрани ташкил қилади. Бу нусхада №7397 нусхадан 12 мисра кўп шеър берилган. Биз қуйида икки нусха орасидаги баъзи фарқларни кўрсатиб ўтаемиз:

Сайёди азал дона кўюб дом била,
Минг маснад, ноз иззат – икром била.

Ушбу байт №7397 нусхада ҳам, Тошкент нашрида ҳам йўқ. Бундай фарқни қуйидагича изоҳлаш мумкин: авваламбор, №7397 нусха хижрий 1291 йилда кўчирилган. №6227 нусха эса хижрий 1300 йилда кўчирилган; №7397 нусха туркий тилда кўчирилган нусха асосида битилган. Буни нусхадаги шеърларнинг фақат туркий тилда эканлиги тасдиқлайди. №6227 нусха форсий тилда кўчирилган нусхага асосланган. Фикримизни котибнинг "... бу китоб форсий тилдин туркий тилға мубаддал бўлди" (3-бет) деган жумласи тасдиқлайди. Шу сабаб ҳам қиссада форс-тожик тилидаги шеърлар кўплаб учрайди. Ушбу изоҳдан шундай хулосага келиш мумкинки, №7397 нусха №6227 нусхага нисбатан қадимийроқдир. Шунингдек, ҳар бир котибнинг матнга бўлган ижодий ёндашуви ҳам нусхалар ўртасида тафовутларни келтириб чиқарган. Шунинг учун ҳам лирик шеърлар, қисса воқелари бир хил эмас. Фикримизни Сулаймон (а.с) қиссаси таркибидаги ҳикоятнинг қисқача мазмуни орқали далиллаймиз. "Нақл. Осаф ибн Барҳиё ва бурга воқеа-

си. Бурга қалдирғочдан: Осаф бин Бархиё Сулаймон (а.с)нинг олдида ўтирибдими ёки бошқа жойда”, - деб сўраганда, қалдирғоч “йўқ”, - деб жавоб беради. Шунда бурга Сулаймоннинг олдига бориб Осаф бин Бархиёнинг барча газандаларни ўлдираётганликда айблайди. Бирок бурганинг айби тезда фош бўлади ва қилган асоссиз тухмати учун қиёматга қадар инсонлар томонидан ўлдириш буюрилади.” (545-б) Бу ҳикоят диний ташвиқотдан буткул йироқ, яъни бутунича оғзаки ижод неъматлари билан суғорилган ва асотирий моҳиятга эга. Бу ҳикоят тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, у орқали котиб ҳар қандай тухматнинг охири тухматчи учун вой бўлишини бурга мисолида инсонларга ибрат қилиб кўрсатган.

Асарда ҳикоят, ривоят, нақл, шеър, рубоий каби адабий жанрлар кўп учрайди. Жумладан, қўлзмада жами 389 мисра шеър бўлиб, шундан 289 -бетда битта рубоий ва 260- бетда 8 мисра тожикча шеър, қолганлари турли адабий жанрлар таркибида бўлиб, уларнинг 149 мисраси назм, 146 мисраси байт, 12 мисраси шеър номи остида берилди.

Сўнгги 794-бетда асарнинг ҳижрий 1300 йилда ёзилгани ҳамда туркий ва тожик тилдан иборат қуйидаги мисралар мавжуд:

هركى خواند دعنا طمع دارم

زانك من بندي گناهكارم

ند بتوفيق خداى لانيام

اين گيتابت روزي يكشنيى تمام

كرجى لايق نيبت اين خط در كتاب

وه كي از پكار برون در عتاب

خطم ني عيب كو بتور عيب قيلماتك

اقو شانده دعائيكيزني انونماتك

ЎЗРФАШИ. Инв №11537 Китоб қалин жигаранг картон қоғоз билан муқоваланган. Титул варақ оч кўк рангда. Настаълиқ хатида кўчирилган мазкур асар яхши сақланган. Хуснихати ҳам чиройли (Фақат боши ва охиридаги бир ярим бетли хунук ёзувни инобатга олмаганда). Китоб саҳифаланмаган, бироқ сўнгги бетда унинг 220 варақдан иборат, 21x34 ўлчовлилиги ёзилган. Настаълиқ хатида кўчирилган ҳар бир варақдаги матн 28 қатордан иборат. Асосий матн қора сиёҳда, баъзи сўз ва жумлалар, жанр номлари қизил сиёҳда ёзилган.

1-бет Муҳаммад (с.а.в)га саловот билан бошланади. 2-бетнинг бошига муножот Ҳазрат Султон ал-орифин Султон хўжа Аҳмад Тўқуни мангакаби сўзлар ёзилган. Бу жумладан шу хулосага келиш мумкинки, хаттот китобни шу шахснинг илтимосига кўра кўчирган.

Шундан сўнг асар анъанавий ҳамд, наът, Носириддин Тўқбуға таърифи билан давом эттирилиб, китобнинг ёзилиш сабаби ва санаси кўрсатилган. “Ул амир аъзам Носириддин инобат мир химмати бирла ман фақир, мискин, шикастадин илтимос қилиб эрдиким..... таърих 709 ит йилида робби ул - аввал ойининг 20-сида форсийдан туркий тилига қилиб тамом бўлди”. Эътибор қилинса, асар хижрий 709 йил ит йилида рабби ул-аввал ойининг йигирманчисида форс тилидан туркий тилга кўчирилган, дейилмоқда. Шу ўринда савол туғилади, 1990-1991-йилларда XV аср қадимий қўлёзма факсимелиси асосида нашр эттирилган Тошкент нашрида китобнинг тугатилиш санаси:

“Етти юз ўн эрди йилғаким битилди бу китоб,
Туғмиш эрди ул уғурда хут саодат юлдузи”¹

1 Ўша асар 2-к. 217-б

яъни асар 710 йил ҳут ойида битилди, деб ёзилган. Бироқ юқоридаги нусхада қиссанинг “709 ит йили рабби ул-аввал ойининг йигирманчисида” тамом бўлганлиги айтилган. Улардан қайси бир варианты ҳақиқатга яқин? Аввал айтганимиздек, биз ҳозирча бу нусхага асос бўлган қадимий қўлёзмани топа олмаганимиз учун асарнинг яратилиш санаси хусусида аниқ бир тўхтамга кела олмадик. Шу боис бу каби баҳсли масалалар ўз ечимини топгунга қадар асарни ҳижрий 710-йилда ёзилган, деб қабул қиламиз.

Анъанавий муқаддимотдан сўнг осмон ва ер сифати, Жобир ибн Ғозин ҳақидаги ҳикоят, кейин мундарижа берилган. Мундарижада 58-қисса тушиб қолган. Шу сабаб қиссалар кетма-кетлигида чалкашликлар бор. Баъзи бир қиссалар фаслларга бўлинган. Масалан, Одам (а.с) қиссаси 13 фаслдан (бошқа нусхаларда 11, 12 фаслга бўлиб берилган), Шис (а.с) 4 фаслдан, Мусо (а.с) қиссаси 10 фаслдан иборат.

Котиб матнни кўчириш жараёнида ижодий қобилиятига кўра унга шеърлар ва сюжет тизимига кўшимчалар киритган. Бундай ижодий ёндашув ёдгорликнинг аслигини йўқотиб, унинг тили ва бадийлигига қисман путур етказган. Жумладан, матнда *шеър*, *байт*, *назм* номи билан араб, форс-тожик, туркий тилдаги шеърлар берилган бўлиб, улар 485 мисрани ташкил қилади.

Асар сўнгида китобнинг 1827 йил Рабиъ ул аввал ойида тамом бўлгани ёзилган.

ЎЗРФАШИ. Инв №11202. Китоб қалин қаттиқ жигаррангли муқова билан копланган. Муқованинг устига нақшли расм чизилган. Ундан сўнг титул ва-

рақ ёпиштирилган. Асар жами 284 варақ, 21x34,5 ўлчовли. Ҳар бир саҳифадаги матн 12 қатордан иборат. Саҳифалар тепасида қайси пайғамбар ҳақида гап кетаётган бўлса, ўшанинг номи ёзилган. Настаълик хатида кўчирилган бу китоб кейинги даврларда кўчирилгани сабаб яхши сақланган. Тоза, озода кўчирилган.

Китобнинг биринчи бетида хунук ёзув билан “Ушбу китоб мулла Насруллоҳ валади мулла Абдурасул фарзанди шаҳри насиб” деб ёзилган. Худди шу исм Искандар Зулқарнайн қиссаси тугагандан сўнг ҳам берилган. Бу ёзув матн ёзувига қараганда хунукроқдир. Демак, бу исмни котиб ёзмаган. Чунки матн ёзуви билан исм ёзилган хат икки хил. Агар котибнинг ўзи ёзганда бу ёзув матн билан бир хил бўларди. Шунга асосланиб ушбу шахс китобнинг эгаси, дейиш мумкин. Варақнинг пастига сиёҳ ранг билан тушунарсиз қилиб

عبدالله محمد او الواس بنده . هاسكار . سكتورى حىمكتلىك اولى اربعه

деб ёзилган.

Қисса мундарижаси махсус жадвалга рақамлаб жойлаштирилган ва у 85 қиссадан иборат. Бошқа нусхаларда 72 қисса таркибига киритилмаган ер ва осмон сифатлари ҳам махсус рақамда берилган. Матн қора сиёҳда, баъзи сўз, қисса номлари қизил сиёҳда ёзилган. Четига қизил рамка чизилган, тартиб рақами кўйилмаган.

Қиссада араб, форс-тожик, туркий тилдаги 583 мисра шеър келтирилган бўлиб, улар *шеър*, *назм*, *байт* номи остида берилади.

Асарда жузъий хатолар ҳам учрайди. Юсуф (а.с) қиссасида Яъқуб (а.с) 12 ўғли рақам билан берилган. Шу рақамга кўра Юсуф (а.с) 10-рақам остида турибди. Бироқ сал пастроқда котиб Юсуф (а.с) 11-ўғил деб қиссада келтирган. Шунингдек, Юсуф (а.с) қиссаси пайғамбарнинг ўлими воқеаси билан якун топади. Мусо (а.с) қиссасининг бошланиш қисми ҳам берилган. Тошкент нашрида бу воқеалар мавжуд эмас.

Искандар Зулқарнайн қиссаси тугагач, “Ин китоби мулла Насруллоҳ валади мулла Абдурасул ва фарзанди шаҳри насиб” деб ёзилган. Унинг пастидан қизил сиёҳда тўртбўрчак (бир неча қаватли) чизиб, унинг ичига “Шаҳри Қустантания барпо кардан Искандария” деб ёзилган.

Муҳаммад (с.а.в)га атаб тўртта наът - шеър келтирилган бўлиб, биринчи наът 7 байт, иккинчи наът 7 байт, учинчи наът 4 байт, тўртинчи наът 10 байтдан иборат. Муҳаммад (с.а.в)нинг вафотлари “Вафотномаи онҳазрат” деб аталади.

Қисса охирида китобнинг тугатилиш санаси “Жумадул соний душанба тамом ҳаст 1309 йилда илоҳи ўқуғонда эшитгон” деб ёзилган. Демак, асар ҳижрий 1309 (мелодий 1891) йилда кўчирилган.

Асарнинг сўнгги бетида чизма чизилиб, ичида тожикча сўзлар ёзилган. Уни ўқишнинг иложи бўлмади.

ЎЗРФАШИ. Инв №10252 Китоб қизил, яшил чизикли қаттиқ картон билан муқоваланган. Асарнинг бошланиш қисмида иккита титул варағ бор. Иккинчи титул варақда қора сиёҳ билан “Тарихи

анбиё” деб ёзилган. Матн 16x21 ўлчовли, 265 варақдан иборат. Насх ёзувида кўчирилган китобнинг биринчи бетида қора сиёҳда, унинг устидан қизил сиёҳда думалок чизма чизилган ва ичига 1291 деб ёзилган. Демак, асар ҳижрий 1291 (мелодий 1874) йилда кўчирилган. Чизма пастида тўртта сўз ва араб харфи кўрсатилган чизма берилган. Варақнинг четлари йиртилиб, унинг ўрнига қоғоз ёпиштирилгани сабаб, бу сўзларни ўқишнинг иложи бўлмади. Дастхатда хаттотнинг исми берилмаган. Китоб матни 2-бетдан бошланади. Ҳар бир саҳифа 19 қатордан иборат. Асосий матн қора сиёҳда кўчирилган. Баъзи сўз ва жумлалар қизил сиёҳда берилган. Қисса “Асҳоби каҳф” воқеаси билан бошланади. Ундан сўнг “Асҳоби фил”, кейин Муҳаммад (с.а.в) воқеаси берилган.

“Қисас ар-Рабғузий”нинг бу нусхаси бошқа нусхаларга қараганда кўпол ва пала-партиш кўчирилган. Чунки унда пайғамбарлар кетма-кетлигига, яъни хронологик тартибга умуман эътибор берилмаган. Дастлаб *пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳаётлари ҳақида, кейин Нуҳ (а.с), Худ (а.с), Сулаймон (а.с), Юнус (а.с), Илёс (а.с), Ҳизр (а.с), Жирёис (а.с), Луқмони ҳаким, Узайр бин Шарҳаё (а.с), Иброҳим (а.с), Лут (а.с), Яъқуб (а.с), Юсуф (а.с), Иброҳим (а.с), Исмоил (а.с), Исҳоқ (а.с), Мусо (а.с), Жолут (а.с), Довуд (а.с), Меъроҷи Муҳаммад (а.с), Армиё (а.с), Закариё (а.с), Яҳё (а.с), Марям, Исо (а.с), Шамъун (а.с), Зулқарнайн қиссаси, Одам (а.с), Қиссаи Қобил ва Ҳобил, Шис (а.с), Идрис (а.с), Муҳаммад (с.а.в)нинг кофирларни иймонга даъват*

қилгани. Уларнинг жойлашиш тартиби мана шу тарзда берилган.

Баъзи исмларни ёзишда орфографик хатолар бор. Масалан, 262 б - бетда «Қиссаи Ҳорун ва Морут» деб ёзилган. *Ҳорун* эмас *Ҳорут* бўлиши керак. Қиссалар композициясида ҳам жиддий хатолар учрайди. Баъзи пайғамбарлар ҳақидаги қиссада бошқа бир пайғамбар ҳақидаги лавҳалар тасвирланган. Масалан, 118-а бетда «*Узайр бин Шарҳаё ислом*» деб ёзиб Юсуф (а.с) ҳақидаги қисса тўла берилган ва унга атаб 5 байт шеър ҳам келтирилган. Ёки 158-б бетда Исҳоқ (а.с) ҳақидаги қиссага Мусо (а.с) қиссаси кўшиб юборилган. 234-а бетда Искандар Зулқарнайн ҳақидаги қисса берилган ва унга Ҳорут ва Морут қиссаси кўшиб юборилган. 262-б бетда лавҳа яна такрорланган. 186-а бетда қизил сиёҳда «*Фасл Довуд (а.с)*» деб пайғамбар ҳақидаги қисса берилган. 192-а бетда эса яна қайтадан «*Қиссаи Довуд (а.с)*» деб ёзиб, 5 байтли шеър келтириб, қисса давом эттирилган.

Матннинг сюжет тизимида ҳам кўп ўзгаришлар мавжуд. Масалан, Юсуф (а.с)нинг пайғамбар бўлишидан дарак берувчи учта туш тасвири берилган бўлиб, ёш Юсуф туш кўрганда уни биринчи бўлиб акаларига айтади. Ваҳоланки, на диний китобларда, на оғзаки ижод вариантларда ва на бошқа бирор нусхада бу ҳақда айтилган. Бу туш лавҳасининг иккитаси «Қисас ар-Рабғузий»нинг 1990-1991 йилларда чиққан Тошкент нашрида бор. Учинчи туш тасвирига кўра ўн киши Юсуф (а.с)га ҳамла қилди. Бу туш бошқа қисса вариантларида учрамайди.

Матнда араб, форс-тожик, туркий тилдаги шеърлардан намуналар келтирилган бўлиб, улар *назм*, *байт*, *шеър* номи остида жами 170 мисрани ташкил қилади.

Ёдгорлик йиллар давомида анча-мунча уринган: 7-а, 30-а, 39-б каби бетлар бўялган; 8-а, 45-а, 57-а, 81-б, 95-б каби бетларда матн четига қизил ва қора сиёҳда турли ёзувлар ёзилган. 29-а бетдаги ёзувнинг ўртаси ўчиб кетган, 1, 55-а, 67-б, 73-б, 76-б, 78-б, 88-б, 97-а-б, 105-а каби бетларнинг варақлари турли жойдан йиртилгани сабаб бошқа қоғоз ёпиштирилган.

Носириддин Бурҳониддин Рабғузийнинг «Қисас ар-Рабғузий» асари асрлар силсиласида турли халқлар ўртасида «Қисасул анбиё» номи билан машҳур бўлиб, қўлдан-қўлга, оғиздан-оғизга кўчиб юриши натижасида унинг кўплаб нусхалари яратилди. Ана шу нусхалар орасидан таянч манбаани аниқлаш ва ягона тўхтамага келиш мақсадида қўлёзма ва нашрий нусхалар қиёсий ўрганилиб, улар орасида юзага келган қатор тафовутлар аниқланди ва қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ёдгорлик нусхаларини ўрганишда, энг аввало, асарнинг бадий тилига эътибор қаратилди. Яъни Рабғузий яшаган даврда халқ туркий тилда сўзлашган. Демакки, «Қисас ар-Рабғузий» ҳам соф туркий тилда ёзилган. Шу сабабли биз қисса нусхаларининг қай даражада қадимийлигини аниқлашда асар тилига эътибор қаратдик. Асарнинг Тошкент нашри, Самарқанд нашри ҳамда Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг тадқиқот марказида №10252, №7397, №1834, №6227, №11537, №6346, №6685,

№6122, №11202 кўлэзма ва нашрий нусхаларини ўрганишда улардан фақат 1990-1991 йилларда «Ёзувчи» нашриётида чиққан Тошкент нашрининг бошқа нусхалардан тил жиҳатдан анча анча қадимий эканлиги маълум бўлди. Бу нашрдан бошқлари эса XVII-XIX аср оралиғида кўчирилган, тил жиҳатдан ҳозирги ўзбек адабий тилига яқин ёдгорлик нусхаларидир.

2. «Қисас ар-Рабуғузий» асрлар давомида котиблар томонидан турли тилда қайта-қайта кўчирилиши натижасида қиссининг анъанавий тузилишида жиддий ўзгаришлар юзага келган. Натижада бу ўзгариш қиссининг қадимий нусхаси билан котиблар кўчирган нусхалар ўртасида тафовутни юзага келтирган. Масалан, Тошкент нашрида қисса ҳамд, наът, осмон ва ер сифати, Одам (а.с) воқеаси билан бошланиб, Муҳаммад (с.а.в) давригача ўтган пайғамбарлар кетма-кетликда берилади. Бу ҳолат №1834, №6685, №6122 нусхаларга ҳам тааллуқли. Самарқанд нашри, №7397, №6227, №11537, №6246, №11202 нусхаларда ҳамд ва наътдан кейин (баъзларида осмон ва ер сифатидан кейин) мундарижа илова қилинади. Мундарижалар ҳар хил тартибда жойлаштирилиб, баъзан икки мартадан, баъзан эса чала ҳолатда берилади. Қиссининг №10252 нусхаси эса умуман палапартиш, пайғамбарлар кетма-кетлигига амал қилмаган ҳолда ёзилган. Яъни қисса «Асҳоби Каҳф» воқеаси билан бошланиб, Муҳаммад (с.а.в) нинг кофирларни иймонга даъват қилиш воқеаси билан якунланади. Мумтоз адабиётда асар ёзиш анъанасига кўра асар мундарижаси қиссининг ё аввалида, ёки сўнгида берилган. Асар орасида мунда-

рижани жойлаштириш эса кўпол хато ҳисобланган. Шунга кўра Тошкент нашри, №1834, №6685, №6122 нусхалар юқоридаги талабларга жавоб беради.

3. Пайғамбарлар ҳаёти ва фаолиятини тасвирлашда қисса нусхаларида воқеалар анча кенг ёритилган. Бунда котиблар ижодий маҳоратига кўра қиссаларни фаслларга бўлиб, турли ҳикоятлар, қўшимча образлар воситасида қиссани кенгайтиришган. Масалан, биргина Одам (а.с) қиссаси Самарқанд нашрида 11фасл, №6346 нусхада 12 фасл, №7397 нусхада 12 фасл, №6227 нусхада 11 фасл, №11537 нусхада 13 фаслдан иборат ва улар таркибидаги баъзи лавҳалар бошқаларида учрамайди. Тошкент нашри, №1834, №6685 нусхаларда эса қиссалар фаслларга бўлинмаган.

4. Қиссани кўчириш жараёнида котиблар шоирлик маҳоратига кўра турли мазмундаги шеърларни қиссалар таркибига киритишган ва бу таянч манбага нисбатан қисса нусхаларида шеърый мисраларнинг ортиши ёки камайишига сабаб бўлган. Биргина Тошкент нашрида шеърый мисралар сони 574 мисрани ташкил қилса, №1834 нусхада 410 мисрани, Самарқанд нашрида 194 мисрани, №6685 нусхада 529 мисрани, №6122 нусхада 703 мисрани, №6346 нусхада 307 мисрани, №6227 нусхада 389 мисрани, №11537 нусхада 485 мисрани, №11202 нусхада 583 мисрани, №10252 нусхада 170 мисрани ташкил қилади. Эътибор қилинса, лирик шеърлар миқдори нусхаларда турлича. Уларни тематикаси ва мазмунига кўра таҳлил қилганда ҳам у ёки бу мавзудаги шеърларни нусхаларда айнан учратиш қийин (Нус-

халардаги шеърларни бирлаштирган ягона жихат пайғамбарлар қиссалари бошида келадиган шеърий дебочани ҳисобга олмаганда). Масалан, кўпчилик нашрларда (Тошкент нашридан ташқари) келтирилган «Келгуси», «Топса», «Тилингни тия тут» радифли шеърлар №6685 нусхада учрамайди. Ёки «Қилгусидур» радифли ғазал №7397 нусхадан бошқа вариантларда учрамайди. Ёинки №6227 нусхада келтирилган

Сайёди азал дона қўюб дом била,

Минг маснад, ноз иззат – икром била.

билан бошланувчи ғазал Тошкент нашри, №7397 нусхада учрамайди. Юқоридаги шеърий байт ғазал жанри тараққий этиб, гуллаб-яшнаган бир пайтда ёзилган. Бу эса қиссани Рабғузий яшаган даврдан анча кейин яратилганлигини кўрсатади. Котибларнинг бу тарзда ижодий ёндашиши нафақат қисса тили, балки унинг бадиийлиги ва қимматига путур етишига сабаб бўлган. Тошкент нашридаги шеърлар, атама, терминлар, кўшимчаларнинг соф туркий тилда ёзилганини ҳисобга олсак, бу нашр бошқа нусхаларга қараганда анча қимматли эканлиги аниқланади.

5. Қиссаларни кўчириш жараёнида котибларнинг деярли барчаси ижодкорлик қобилияти ва салоҳиятига кўра қиссага кўшимча воқеалар, образлар, сюжет тизимига ўзгартиришлар киритишган. Бу эса ўз навбатида қиссани таянч нусхадан анча узоклаштириб, котибнинг ижодий маҳсулига яқинлаштирган. Масалан, Тошкент нашрида Юсуф (а.с) қиссасининг якуни ва Мусо (а.с) қиссасининг бошланиш қисми

мавжуд эмас. Асарнинг бу бетлари йиллар тўфонида йўқ бўлиб кетган. Самарқанд нашри ҳамда №11202 нусхада Юсуф (а.с) қиссаси унинг ўлими воқеаси билан якунланади, Мусо (а.с) қиссаси эса тўлиқ ва батафсил берилган. №6122, нусхада ҳам Юсуф (а.с) қиссаси унинг ўлими билан тугатилади ва Мусо (а.с) қиссаси аввал насрий саъж усулда, кейин шеърий йўл билан бошланади. Демак, котиб қиссанинг узилган қисмини ижодий тўлдирган.

Тошкент нашрида Юсуф (а.с)нинг пайғамбар бўлишидан башорат берувчи иккита туш тасвири берилади. Самарқанд нашрида эса Юсуф (а.с)нинг пайғамбар бўлишидан дарак берувчи бешта туш тасвири келтирилади. Шунингдек, Тошкент нашри ҳамда №1834 нашрда Юсуф (а.с) пайғамбар бўлишидан дарак берувчи илоҳий туш кўрганда уни биринчи бўлиб отасига айтади. Отаси эса ёш Юсуфга зинҳор бу тушни ҳеч кимга айтмасликни тайинлайди. Самарқанд нашри ва қолган барча нусхаларда Юсуф туш кўрганда уни биринчи бўлиб акаларига айтади.

Тошкент нашрида Нухнинг асл исми Яшқир (Самарқанд нашрида Шоқир) бўлиб, Нух деб номланишининг фақат битта изоҳи келтирилган. Самарқанд нашри, шунингдек қолган барча нусхаларда эса (№1834 нусхадан ташқари) Яшқирнинг Нух деб аталишининг уч хил сабаби берилади. №6346 нусхада Нух (а.с) қиссасида Нух (а.с)нинг 3та исми бор деб келтирилган: “Бир отлари Лақаб, яна бир отлари Ҳақаб, яна бир отлари Яшқир эрди дея келтирилган” (49 б -бет). Юқоридаги зикр этилган исмлар тўғрисида бирор адабиётда таъкидланмайди. Бу номлар

котиб томонидан қўллангани аниқ. Чунки бошқа вариантларда Нух (а.с) фақат бир исм билан тилга олинган.

6. Баъзан котиб қиссани кўчириш жараёнида унга сайқал бериш, халқ орасида тезда шухрат топтириш мақсадида баъзи воқеаларни назмда тасвирлайди. Масалан, Тошкент нашрида Яъқуб (а.с) Юсуфнинг дарганини келтирган аъробийдан «Эй аъробий, Юсуфумни ушбу кўзунг бирламу кўрдунг?» Аъробий: «Кўрдум» теди. Яъқуб айди: «Эй аъробий, сан не севунчлик қилдинг не хожатинг бор айғил»¹ дея келтирилади. №6122 нусхада эса мазкур лавҳа шеърий усулда:

Ушбу кўзунг бирла кўрдунгми ани,

Сўзла, сўзунг бирла севунтур мани...(133-б)

деб бошланувчи 5 байтдан иборат ғазал битилган. Бундан кўринадики, ҳар қайси котиб қиссани кўчиришда, албатта, қиссага маълум даражада ўзгартиришлар киритган ва бу билан ўзининг ижодкорлик маҳоратини ҳам намоиш қилиб, эл орасида танилган. Котибнинг лавҳаларни шеърий тарзда баён этиши унинг кучли истеъдод соҳиби эканлигини кўрсатса-да, ўзганинг ижодига бу қадар ўзгартириш киритиши неча асрлик тарихга эга, ўзбек халқининг қимматли бойлиги ҳисобланган ёдгорликнинг аслигига путур етказган.

Бу қиёслардан шу нарса аниқландики, тадқиқот объектига киритилган Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг тадқиқот марказида тўққизта асар нусхаси ва Самарқанд нашри (Тошкент нашри

1 Ўша асар 1-к. 120-бет.

ва №1834 нусхадан ташқари) XIX асрда кўчирилган қисса нусхаларидир. Яъни №11537 нусха ҳижрий 1244 (милодий 1827), №7397 нусха 1291йилда, №10252 нусха 1291 йилда, №6346 нусха 1295-йилда, №6227 нусха 1300 йилда, №11202 нусха 1309 йилларда кўчирилган. Шу сабаб ҳам уларнинг сюжет тизими, лирик шеърлар кўлами, мавзуси ва мазмуни, ҳикоят ва ривоятларнинг ҳажми ва қамрови деярли бир хил. Воқеалар бир-бирига ўхшайди, шеърӣ мисраларнинг кўпчилиги такрорӣдир (Матнлардаги айрим жузӣӣ фарқларни ҳисобга олмаганда). Нусхалардаги воқеа-ҳодисалар фольклор элементларига бой бўлиб, қиссадаги баъзи ҳикоятлар эртак ва достонларга яқин. Тошкент нашридаги баъзи қиссаларнинг бошланиш ҳамда хотима қисми йўқолган бўлса-да, ўзида XIII-XIV аср адабий тилини сақлаганлиги, ҳайвонот ва наботот оламининг соф туркийча номи берилганлиги, қиссада Қуръондан парчалар келтирилганлиги, воқеалар кўламининг ихчам ва қизиқарлилиги, энг муҳими, бу манбаанинг ижодкор қаламига яқинлиги билан эътиборлидир. Бу эса Тошкент нашрининг барча нусхалардан мукамал, қадимий ва мамлакатимиздаги ягона таянч манбаа эканлигини кўрсатади. Шунингдек, №1834, (қисман №6685) асар нусхалари ҳақида ҳам шундай фикрлар билдириш мумкин. Бу нусхалар тил жиҳатдан анча ўзгарган бўлса-да, сюжет чизиғига кўра Тошкент нашри билан деярли бир хил.

Таниқли шоир, ёзувчи Носириддин Рабғузийнинг «Қисас ар-Рабғузий» асарини ўрганиш ва таҳ-

лил қилиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, шу кунгача биз таяниб келаётган адиб ижоди ҳақидаги айрим маълумотлар Носириддин Рабғузий ва унинг «Қисас ар-Рабғузий» асари ҳақида тўлиқ тасаввурни ҳосил қилмайди. Асарнинг ўн битта қўлёзма ва нашрий нусхаларини кузатиш шуни кўрсатдики, қисса ўқувчиларнинг севимли асари бўлгани сабаб, турли жойларда бир қанча котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилган ва кўчириш асносида асарга қўшимча воқеалар, ҳикоятлар ва шеърлар киритилган. Натижада қисса тили сюжети, композицион тузилиши ва ҳаттоки, унинг ёзилиш санасига доир айрим чалкашликлар юзага келган. Бу эса ҳали Рабғузий ижоди бўйича кўплаб илмий изланиш олиб борилмоғи кераклигини кўрсатади.

2.1. Қисса ва ҳикоятлардаги образларнинг халқ оғзаки ижоди билан муштараклиги

Ўзбек адабиёти ривожига фольклор илк бешик вазифасини ўтаганлиги учун унинг тарихий таъриққийида сўз санъати бой маънавий бадиий манба сифатида хизмат қилади. Шунинг учун бўлса керак классик адабиёт намояндалари ана шу оғзаки ижод анъаналарига мурожаат қилиб, ундан илҳомланиб, кўплаб ўлмас асарлар яратишган ва ўзларининг юксак, умумбашарий ғояларини мисралар силсиласида сингдириб боришган. Айнан шунинг Президентимиз Ислам Каримов ҳам алоҳида қайд этганлар: “Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавий манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, ўзбек халқи авлоддан авлодга ўтиб ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга хизмат қилади”¹. Бундай асарлар китобхонга, бир томондан, ҳаётни ўргатса, иккинчи томондан, бадиий ижод намуналари воситасида уларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялайди.

Рабғузийнинг “Қисас ар Рабғузий” асари ҳам ўзида дин – фольклор – адабиёт муносабатини ифода эттирган, ҳикоят ва ривоятлар воситасида китобхонга маънавий – маърифий озуқа бера оладиган бебаҳо ёдгорликдир. Хусусан, ёзувчи қиссаларда оғзаки ижод намуналарининг турли образларидан

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартини кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 137-б.

фойдаланиб, ҳикоят ва ривоятларни пухта ишланган кичик бадиий асар даражасига етказган. Айниқса, асарда баъзи пайғамбарлар ҳаётига оид “ўтмишдаги инсоннинг осмонга учиб ва осмон сирларини билиш учун ўзича тадбир кўргани, ҳаёл билан ақл-идрокнинг парвоз этиш йўлларини қидиргани ҳақидаги бадиий лавҳалар учрайди. Бу қиссалар фақат осмон ва унинг сирларини билиш учунгина бўлмай, балки йироқларни яқин қилиш ва реал воқеликдан ташқари ҳаёлий, афсонавий боғлар, саройлар яратиш, унда инсон дев, пари, учар отларни ўзига муҳаббат қилиб, осойишта, ажойиб ҳаёт кечириш”¹ каби ўринлар, лавҳалар кузатилади. Ана шундай ноанъанавий образлардан бири дев образи қисса бадииятида муҳим ўрин тутди. Рабғузий бу образга қиссада жами беш ўриндагина мурожаат қилган ва улар Лут (а.с) ва Сулаймон (а.с) қиссалари таркибидадир. Рус олими И.Дяконовнинг келтиришича, девлар ярим-худодларнинг экзогамик яқинлигидан дунёга келган экан². Қиссада «эртакларда яратилган, кейинчалик дostonлардан ўрин олган девлар образи қахрамонлар характерини очишга ёрдам беради. Бу образ қадимда кишиларга ёрдам берувчи, илоҳий куч сифатида мифологиядан ўрин олган»³. Қадимги Миср афсоналарига кўра девлар жанг илоҳаси Сехмет,

1 Расулев Х. Халқ фантазияси изларининг кўриниши // Адабий мерос. –Тошкент, 1986-2-сон (36). 30-бет, Рўзимбоев С. Эртакларнинг дostonлардаги бир функциясига доир // Адабий мерос. –Тошкент, 1989- 2-сон (48). 70-бет.

2 Дяконов И. Архаические мифы Востока и Запада., с. 101

3 Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. 97-б.

Инона, Вавилон афсоналарида Ламашту деб аталиб, аёл шер шаклида тасвирланган ва улар насл қолдириш хусусиятига ҳам эга бўлганлар¹. «Авесто»да кўплаб девлар инсониятнинг душмани сифатида тасвирланиб, улар Ахриманга тобе ҳисобланади². Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида эса ҳам девлар ёвузлик тимсоллари қиёфасида тасвирланиб, инсонларга ёмонлик, офатлар келтирувчи салбий образ сифатида акс эттирилади³. Буюк мутафаккир, гениал шоир Алишер Навоий ҳам дostonларида, хусусан «Фарҳод ва Ширин» дostonида дев образига мурожат қилади. Дostonда Фарҳоднинг бошига кулфатлар келтирувчи ёвуз ва даҳшатли Ахриман дев мажозий маъно касб этиб, шоир Ахриман деганда нафси назарда тутган бўлса ажаб эмас. Демак, қадимги оғзаки ижод намуналарида кўпинча ижобий образ сифатида тасвирланган дев ёзувчи ва шоирлар ижодида салбий бўёққа эга бўлган, ёвузликнинг рамзий ифодаси сифатида гавдаланади.

«Қисас ар-Рабғузий» асаридаги Лут (а.с) қиссасида дев образи фольклор намуналарида тасвирланган дев образидан ташқи қиёфаси ва функциясига кўра бироз фарқланади. Қиссада бу образ халқлар ўртасида разолат уруғини сочувчи Иблиснинг малайи сифатида тасвирланади. Маълум бўлишича, муътафикот халқи тўқ ва фаровон, мевалари бисёр халқ бўлиб, атрофидаги қўшни давлатларни ҳам бемалол

1 Дьяконов И. Архаические мифы Востока и Запада., с. 122, 158.

2 Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. –Тошкент: Шарқ, 2001. 355-6

3 Фирдавсий. Шоҳнома. (1-к). –Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1975, 43-6.

ноз-неъмат билан таъминлашган. Бирок бир йили бу юртда ҳосил яхши бўлмади маҳсулотларини ўзларидан ўзгага сотишдан бош тортишади. Орада юзага келган тўқнашувда подшонинг буйруғи билан Зевол номли бутдан нажот сўраш лозимлиги таъкидланади. «Иблис бир Хасхос отлиғ девни изди. Келуб ул Зевол отлиғ бутнинг оғзинга кирди»¹. Парчада Хасхос дев шайтоний куч тимсоли. У бут воситасида инсонларни тўғри йўлдан адаштиради ва халқлар ўртасида турли низолар келиб чиқаради. Қиссада фольклорга хос ўғирлаш, шарт қўйиш ва ҳ.к белгилардан фарқли равишда лавҳадаги дев образи диний мазмун ва характер касб этган Иблиснинг тарафдори ва жамият душмани сифатида ислом таълимоти тасирида яратилган архаик қиёфада тасвирланади.

Сулаймон (а.с) ҳақидаги қиссада дев образи бироз маданийлашган қиёфада акс этган. Сулаймон – милоддан аввалги 10 аср илгари Исроил давлатида ҳукмронлик қилган Яҳудий подшоҳларидан бири². Унинг ўзига хос жиҳати пайғамбарлик мақоми, мўъжизавий узуги, барча жонли ва жонсиз предметларнинг унга бўйсунуши, чегарасиз ҳокимият, ҳисобсиз мол-дунё, инс-жинс ва турли табиат ҳодисалари унинг бошқарувида эканлиги билан характерлидир. Ривоят қилишларича, у Аллоҳ Таолодан етмиш кеча ибодат қилиб дунёда яқка-ю ягона шоҳ бўлишни ва унга барча учар қушлардан судралиб юривчиларгача, инс-жинсдан дев-паригача, тоғ-у тошлардан тортиб набобот оламигача бўйсунушини сўрайди.

1 Ўша асар. 1-т. 87-б.

2 Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. -Тошкент: Юлдузча, 1989. 122-б.

Дуоси ижобат бўлиб, сўраган барча нарсаси шубҳасиз бериледи. Тўрт минг дев, тўрт минг пари, учар кушлар унинг хузурида таъзимда бўлиб, ҳар қандай инсон зоти қила олмайдиган оғир ишларни бажаришар эди. Ёзувчи асарда Самдун дев образи тимсолида девларга хос умумий характеристика беради: “Бу Самдун бир дев эрди явлоқ кучлук, ҳайбатлик, Сулаймонга буюнсунмас эрди. Қачон анинг тутқали киши изса қочиб булутга оғар эрди. Булутга оғсалар, қочиб тенгизга кирар эрди”¹. Самдун девнинг бу хусусияти Миср афсоналаридаги Исидани эслатади. У дев илоҳа шаклида тасаввур этилиб, бошқа дев илоҳалардан фарқли равишда тентираб юрадиган, хоҳласа беркиниб юрадиган сеҳргар образдир². Демак, халқлараро яратилган турли афсоналар ўрта-сида ассоциатив боғлиқлик мавжуд ва у дунё афсоналарини қиёсий ўрганиш асосида аниқлаштирилади. Анъанавий тасвир усулидан фойдаланган ёзувчи ҳикоят давомида дев портретини янада ёркинрок тасвирлайди. У девлар ичида энг чаккон, хийлагари бўлиб, Сулаймонга бўйсуннишни хоҳламайди. Бироқ Сулаймон (а.с) енгилмас, маккор Самдун девни измига киритади ва ундан озодликда юрган кезларида нима қилганини сўрайди. Самдун дев Сундурна деган шаҳарга бориб турфа хил ажойиботлар кўрганини ва шаҳар шоҳи Акўз Маликнинг қизи Куна ҳақида гапириб, уни гўзалликда тенги йўқ малак сифатида таърифлайди. Сулаймон (а.с) Кунани олмоқ ниятида Самдун девга: “Ул айғанинг қиз қайда

1 Ўша асар. 2-т. 37-б.

2 Дьяконов И. Архаические мифы Востока и Запада., с. 101

турур, манга олиб кел. Аммо ўзга дев, пари; ким эрсанинг илги тегмасун” дея берилган мураккаб топшириғига жавобан Самдун дев: «Булутга айғил тенгизлар тубиндан йинжулар олсун. Кунанинг сарой қапуғинга ёмғирдек ёғсин. Қиз ани кўриб чикғай. Булут қизни кўтариб санга келтурсун”¹, - деб ҳозиржавоблик ила масалани ҳал қилади. Демак, лавҳада девлар ўта кучли, бахайбат, тутқич бермас бўлиш билан бирга айёр, тадбиркор, сеҳргар, мушкул муаммоларни бир зумда ҳал қилувчи образ сифатида ҳам гавдалантирилади. Фикримизни шу қиссадан олинган яна бир лавҳа мисолида давом эттирамиз. Унда дев образининг мард, жасур ҳамда Сулаймон (а.с)га содиқ хизматкор образ сифатидаги қиёфаси тасвирланади. Сулаймон (а.с) Самдун девни қўлга туширгач: «Эмди ўзингни нетак кўрарсен?»², - деб берган саволига Самдун девнинг: «Сен Тенгри ялавочи эркликсен, сен қийнасанг қинга лойиқмен, ёрлиқасанг каримсен»³, - дея мардларча берган жавоби бу образнинг фақат салбий бўёқда эмас, балки ижобий хислатларга ҳам эга бўлган мураккаб образ сифатида гавдалантиради. Самдун дев Сулаймон (а.с) томонидан кечирилгач, унга бўлган содиқлигини «Ковон отлиғ адоғ(дарёнинг қуйилиш жойи)да»⁴ кўрган учар отларни тутиб, унинг ҳузурига келтириш билан исботлайди. Учар отлар ҳақидаги хикоятда ҳам девларга хос бўлган ҳар бир вазифага маъ-

1 Ўша асар. 2 т. 41-б

2 Ўша асар. 2-к. 37-б

3 Ўша асар. 2-к. 37-б

4 Ўша асар. 2-к. 37-б

сулият билан ёндашувчи ижобий образни кўрамиз. Самдун дев Сулаймон (а.с)га учар отларни тутиш учун мингта дев, минг ботмон юнг ва минг кўза сувга ўхшаш чоғир керак бўлишини айтади. Сулаймон (а.с) уларни нима қилишини сўраганда: «Девларга буюрурман ул атоғнинг сувин чиқарурлар, қўй юнгин булоқларнинг тулукларига¹ суқарлар, беркитурлар. Ул чоғирларни ул кўлларга қўйдурурман. Отлар сув ичмак келсалар ночор сув ўрнига чоғирни ичиб усургайлар (маст бўлгайлар), уча билмагайлар. Текма бир девга бир от тутиб бергайман, сенга келтургайлар»², – дея жавоб беради ва бу ишни тўла – тўкис адо этади.

Демак, қиссада дев образи ҳам жисмонан, ҳам ақлан кучли бўлган, инсон зоти бажариши мушкул бўлган вазифаларни тез ва осон ҳал қилувчи, салбий хусусиятларга эга бўлиш билан бирга мард, жасур, тўғрисўз, тадбиркор, доно маслаҳатчи қиёфасидаги ижобий образ сифатида намоён бўлган. Энг муҳими, бу образда халқ оғзаки ижоди анъаналари таъсири кузатилади. Яъни улар воситасида ёвузлик оламига мансуб демонологик вакилларининг инсон ақли ёрдамида эзгуликка томон ҳаракатланиши ғояси илгари сурилган. Умуман олганда, оғзаки ижод ҳамда диний манбааларда демонологик образлар ҳар қанча бетакрор ақл эгаси, кучли, сеҳр-жоду устаси бўлган ғайриоддий махлуқотлар бўлсалар-да, инсон ақл-заковати ва куч-қудрати олдида ожизликлари ва

1 Қаранг: Ўша асар 2-к. 232-б. Бу ўринда нашрда хато кетган. Тулук эмас, тунгук бўлиши керак. Чунки қисса сўнгидаги луғат қисмида тулук-тукли, тунгук-туйнук деб изоҳланган.

2 Ўша асар 2-к. 37-б.

уларнинг буйруқларини бажаришга мажбур эканликлари тасвирланади.

Халқ оғзаки ижодида тасвирланган дев образи кўп қиррали бўлиб, улар вазиятга кўра баъзан одам, баъзан ҳайвон суратида турли жойда пайдо бўлишadi. Вавилон халқ афсоналарида «Буюк ер эгаси» деб эътироф этилган Эрешкигаль дев илоҳа шаклида тасвирланиб, ундан турли хилдаги ёвуз девлар дунёга келиши таъкидланган¹. Вахан халқ оғзаки ижодида дев ўта баҳайбат, хоҳлаган пайтда турфа қиёфаларга кира оладиган одамхўр образ сифатида тасвирланади². Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида эса дев образлари орасида одамхўр, ваҳшийларини ҳам, мушкул вазиятларда бош қаҳрамондан ёрдамини аямайдиган кўмакдошларини ҳам учратиш мумкин. Девларнинг бу хусусияти «Қисас ар-Рабғузий» асарида ҳам кўринади. Масалан, Сулаймон (а.с) Билқисни кутиб олиш чоғида маликани ҳайратлантириш ва фаҳм-фаросатини синаш мақсадида унинг юртидаги тахтини олиб келтирмоқчи бўлади. Шу билан кифояланмасдан, маликанинг тахтидаги безакларнинг ранги ва кўринишини ўзгартириш мақсадида: «Қаюнгиз бўлғайким, Билқис манга келмаздин бурун тахтини бунда келтурса». Бир бўйнағу дев айди: «Сен ҳукм қилғу мақомда кўйғунча ман мунда келурурман. Бу ишга қавийман»... Сулаймон айди: «Андинма тез керак». Осаф ибн Барҳаёким, Сулаймоннинг хос вазири эрди: «Сен кўз юмубочғунча келтурайин»³. Лавҳа-

1 Дьяконов И. Архаические мифы Востока и Запада., с. 151

2 Фольклор и этнография. - Ленинград: Наука, 1970. с 216

3 Ўша асар. 2-т. 52-б.

дан маълум бўлишича, Сулаймон (а.с)нинг мураккаб топшириғига бўйнағу дев (девлар ичида номдор дев) тахтни Сулаймон (а.с) гапини гапириб бўлгунча олиб келишини билдиради. Бироқ Сулаймон (а.с)га бу муддат узок бўлиб, ундан-да тезроқ етказадиган борми, деб сўраганда хос вазири Осаф ибн Барҳиё тахтни Сулаймон (а.с)нинг кўзини юмиб очгунча ҳозир қилишини билдиради ва бунинг уддасидан чиқади. Мазкур парча Қуръони Каримнинг «Намл» сурасида берилган бўлиб, дев образи жин атамаси билан ишлатилади¹. Демак, ижодкор лавҳани келтиришда Қуръони Каримдаги мазкур сурага таянгани аниқ. Бу эса ислом таълимотида ҳам дев образининг кўп киррали эканлигини, фавкулотда куч-қудрат соҳиби ва закий мавжудот бўлса-да, инсон ақл-заковати олдида ожиз мавжудот сифатида талқин қилинади. Умуман олганда, “достонлардаги бу фантастик бўёк, афсонавий руҳ ҳал қилиниши мушкул бўлган масалаларни ижобий тарзда очиш борасида асар қаҳрамонларига ҳомийлик қилиш, ёрдам кўрсатиш учун киритилган ва ўзига хос бир фон бўлиб хизмат қилади”².

Фольклор асарларда дев образи кўп киррали бўлиб, баъзан ўта кучли, бақувват бўлиш билан бирга кашфиётчи, нозик дид эгаси сифатида иштирок этади. Масалан, «Чех солномаси» китобида «Девлар жанги» номи билан қайд этилган воқеада ёзилишича, жанговар аёл девлар машхур Девин шаҳрини барпо этишган ва уни асраш мақсадида эркак жангчилар

1 <http://www.muslimuzbek.narod.ru/books/quran-uzb.exe>

2 Рўзимбоев С. Эртақларнинг достонлардаги бир функциясига доир // Адабий мерос. – Тошкент, 1989- 2-сон (48). 70-б.

билан курашиб мағлуб бўлишган экан¹. Г.П.Снесаревнинг таъкидлашича, «Дев образи, энг аввало, курувчи образдир. Қадимги Хоразмнинг афсонавий шаҳар ва қасрлари айнан девлар ёрдамида қурилган. Айтишларича, Хозарасп вилоятини барпо этишда Ковус ва Самандун дев бошчилиқ қилиб, улар буни Сулаймон (а.с)нинг буйруғига кўра қуришган экан»². Филология фанлари номзоди Т.Матёкубова ҳам ўз тадқиқотида девлар «қадимги давр мифологиясида курувчи ва сангтарошлар ҳомийси, меҳнат ва машаққатларга бардошли, севгида садоқатли ошиқ образ сифатида намоён бўлишини»³ таъкидлаган. Носириддин Рабғузий ҳам қиссани яратишда фольклор намуналаридан ижодий фойдаланган ҳолда дев образини фақат бузғунчилик, фисқу фасод билан шуғулланувчи салбий образ эмас, балки Сулаймон (а.с) ҳукмидаги моҳир курувчи сифатида гавдалантиради. Айтишларича, Сулаймон (а.с) қаергаки борса, ўша ердаги маъданлар тилга кириб уни олиши мумкинлиги хабар берар эмиш. Пайғамбар (а.с) ҳам тоғлар узра тил очган хом-ашёлардан керагича олиб, улардан девларга тоғлар бағрида турли ибодатхоналар, париларга одамлар учун бошпана ясашни буюрар экан⁴. Демак, дев образи меҳнаткаш, курувчи ва сангтарошдир. Улар ўз даврида инсон зоти қила олмайдиган вазифани осонлик билан ҳал

1 Фольклор и этнография. - Ленинград: Наука, 1977. с 148

2 Снесарев Г. П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. -М.: Наука, 1969. 29-30-с.

3 Матёкубова, Т. Р. Огаҳий шеъриятида анъанавий образлар талқини: Филология фанлари номзоди... дис. -Тошкент, 2001. 79-б

4 Ўша асар. 2- т . 33-б.

этадиган қахрамонлардир. Уларнинг бу хусусияти девларнинг ваҳший, тутқич бермас каби салбий қиёфалардан узоқлаштиради ва маданий қиёфага яқинлаштиради. Худди шунга ўхшаш ҳолатни Сулаймон (а.с) қиссасидаги бошқа лавҳада ҳам кузатиш мумкин. Бу парчада ҳам ёзувчи девларни маданийлашган қиёфада тасвирлаб, уларни энг оғир ишларни бажарадиган образ сифатида талқин этади. Баланд бинолар, кенг майдонлар қуриш учун тоғларни бир жойдан ўзга бир жойга кўчириш каби оғир ва машаққатли ишлар, асосан, девларнинг зиммасига юклатилади: «Аймишлар, девлар дунёда етти нарса тасниф қилди Сулаймон пайғамбар вақтинда, андин бурун йўқ эрди. Ҳаммом, сув тегирмони, оҳак, наққошлик, сураат қилмоқ, тошни бу тоғдан ул тоғга элтмак»¹. Бунда еттита эмас, олтита предмет ҳамда касб номи келтирилган бўлиб, уларнинг еттинчиси қандайдир сабабларга кўра тушиб қолган. Бу юмушларни бажариш ўз даврида буюк кашфиёт бўлиб, ижодкор бу орқали девларнинг фақат салбий характерга эга эмас, балки уларнинг моҳир уста, нозик дид соҳиби, бақувват ҳамда ақлли мавжудот эканлигига ишора қилиб ижобий томонларини очиб беради.

Демак, дев образи «Қисас ар-Рабғузий» асарида қадимги давр мифологияси анъаналарини сақлаган бунёдкор, моҳир қурувчи каби эзгу хислатларга эга бўлган ижобий образ сифатида гавдаланса, баъзан кейинги давр араб халқларида ислом таълимоти таъсирида яратилган шайтоний куч вакили қиёфасида акс этади.

1 Ўша асар. 2-т. 33-б.

Диний манбалар ҳамда оғзаки ижод намуналарида девлар билан биргаликда парилар образи ҳам учрайди. Бу образ ҳам девлар каби ўта қадимий бўлиб уларнинг ҳаёти, яшаш жойлари кўпинча ёнғок, жийда, туранғи каби дархтлар ўсадиган жойлар, кул тўкилган ерлар, ташландиқ харобалар, кимсасиз чўллар, қабристонлар, мол сўйилган жойлар, қари тут ёки гужум дарахтларининг тагида макон тутади деб қаралган¹. Девлар эртақ ва дostonларда баъзан париларнинг ҳамроҳи, дўсти бўлиб келса, баъзан эса париларнинг ашаддий душмани ва уларни ўғирловчи образ сифатида тасвирланади. Г.П.Снесарев пари демонологик образининг генезиси ҳақида бир маълумотни: “Хоразмнинг баъзи жойларидан олинган маълумотларга кўра, парилар девлардан пайдо бўлиб, девлар уларнинг ота-боболари бўлганлиги тўғрисидаги қарашлар мавжуд” лигини келтиради².

“Пари образи Ўрта Осиёда яшаган қадимги дехқонларнинг зардуштийликдан бурунги мифологиясида шаклланган бўлиб, дастлаб ҳосилдорлик култи билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилинган”³. Вахан халқ оғзаки ижоди намуналарида пари образи анъанавий гўзалликда тенгсиз бўлиб, аёл ва эркак жинсидаги антропоморф образ дея тасвирланади⁴. “Авесто” даги “пайрика” образи парилар сингари

1 Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. -Т. Фан. 2001. 73-б

2 Снесарев Г. П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. -М.: Наука, 1969. 34-с.

3 Қаюмов О. Пари образининг генезисига доир мулоҳазалар //Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент: 1998- 4-сон. 43-б.

4 Фольклор и этнография. Л., Наука, 1970. 216-б.

гўзаллик, сеҳргарлик, ўз шаклини ўзгартира олиш каби хусусиятларга эга. Шунингдек, “пайрика” Аҳриман томонидан яратилган ёвуз куч тимсолидир¹. Шу сабабли улар асарда ёруғлик ва эзгулик кучларининг душмани сифатида тасвирланган. Назаримизда “пайрика” ва “пари” образлари этимологияси ва бажарадиган функциясига кўра ўхшаш бўлиб, бир образнинг икки хил шаклидир. Пари фольклор асарларида мураккаб персонаж. У “икки хил типда баён этилган. Бири – гўзаллик ва эзгулик тимсоли сифатида фаолият кўрсатиб, ёрдам бериш, синаш вазифасини; иккинчиси – ёвузлик рамзи сифатида ҳаракат қилиб, бузиш, йўқ қилиш функциясини бажаради”².

Ўзбек фольклорида пари образининг ўзига хос мифологик талқинлари ҳақида фольклоршунос О.Қаюмов ўз тадқиқотида пари образининг келиб чиқиши ва бадий талқини каби масалалар хусусида тўхталиб, халқимиз орасида париларнинг 170 мингдан ортиқлигини аниқлаган ва ҳар бири маълум бир вазифани бажаришини таъкидлайди³. Адабиётшунос Т.Матёкубова тадқиқотида ҳам пари образининг лирик асарлардаги ўзига хос талқини хусусида қимматли фикрлар мавжуд⁴.

1 Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. –Тошкент: Шарқ, 2001. 335-б

2 Имомов К. Пари образининг мифо-эпик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2000- 3-сон. 36-б.

3 Қаранг: Қаюмов, О. Пари ҳақидаги қараплар ва унинг тарихий асослари. Ўзб-н ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий анжумани материаллари. –Тошкент, 1995, 60-61-бетлар.

4 Қаранг: Матёкубова, Т. Р. Огаҳий шеърлятида анъанавий образлар талқини: Филология фанлари номзоди... дис. –Тошкент, 2001. 31-32-бетлар.

Носириддин Рабғузий «Қисас ар-Рабғузий» аса-рида ҳам диний манбааларга таяниб, ҳам оғзаки ижод намуналарга таяниб пари образига беш марта мурожаат қилган ва улар «Сифати ал-аразина» яъни «Ернинг сифати», Иброҳим (а.с), Сулаймон (а.с), Юнус (а.с) қиссалари таркибидадир. Шу сабабли ҳам бу образ қиссаларда турли бадиий функцияни бажариб, баъзан унда диний адабиётдаги образ гавдаланса, баъзан эса оғзаки ижод намуналаридаги анъанавий образ тасвирланади. Масалан, қисса энг аввало, диний асар бўлганлиги учун ёзувчи бу образни таърифлашда диний нуқтаи назардан ёндашади. Яъни париларнинг биологик тузилиши ҳақида “Қисас ар-Рабғузий”нинг кириш қисмида алоҳида изоҳ бериб, уларнинг фаришталардан ўзаро фарқини қуйидагича изоҳлайди: “...аммо уч нарса бирла тафовутлари бор. Бири ул турурким, фаришталар нурдин, парилар ёлдиндан турур. Иккинчи, фаришталар малак атанди, парилар жин атанди. Учунчи, фаришталар ўрни адиз кўкда бўлди, парилар ерда бўлди”¹. Албатта, ёзувчи мазкур таърифни келтиришда Қуръони Каримнинг «Раҳмон» сураси 15-оятда берилган жинларнинг аланга – оловдан яратилганлиги² ҳақидаги далилга таянган бўлиши керак. Қуръони Каримда бундай ғайб оламига мансуб вакиллар фаришта, инс, жин атамалари билан номланиб, Рабғузий «Раҳмон» сураси изоҳига кўра жин термини ни пари атамасининг маънодоши сифатида қарайди. Бу образ халқ оғзаки ижодида кенг учровчи анъана-

1 Ўша асар. 1-т. 13-б.

2 <http://www.muslimuzbek.narod.ru/books/quran-uzb.exe>

вий образлар сирасига кириб, кўпинча асар қахрамонининг орзусига етишишида ё воситачи-ёрдамчи, ёки тўскинлик қилувчи ўта гўзал, бир қарашда кишини ром қилувчи, баъзун уларни йўлдан оздирувчи мавжудот сифатида талқин этилади. Диний манбаларда эса бу образга ёндашув сал бошқачароқ намоён бўлади. Яъни Қуръони Каримнинг «Аъроф» сурасининг 179-оятда «... Уларнинг диллари бору англай олмайдилар, кўзлари бору кўра олмайдилар, қулоқлари бору эшитмайдилар. Улар чорва кабидирлар, йўқ, улар (беақл, бефаҳмлиқда) чорвалардан ҳам бадтардирлар»¹ дея келтирилади. Назаримизда, бу таъриф Иблиси лаъин измидаги париларга тегишли бўлиб, уларнинг диллари бору англай олмаслиги, кўзлари бору кўролмаслиги, қулоқлари бўлиб эшита олмасликлари ҳақ диндан кечиб, ўзларини кўрмаганга, билмаганга олиб нотўғри йўлдан бораётганлигига ишора қилинган. Рабғузий эса пари образига ўз муносабатини билдиришда ўзгача услубни танлайди. Ёзувчининг келтиришича, «Ўрдақ париларга менгзар ариғсиз турур таки совуқ турур. Бирорда кўрунуб, бирорда кўрунмас — ўрдақнинг сўклуки бор»². Бизнингча, ижодкор бу маълумотларни келтиришда фольклор намуналари таъсирида яратган. Бироқ нега айнан ўрдакка? Маълумки, ўрдақ доим сувда юриб, умрининг асосий қисмини сувда ўтказди. Шу сабабли у совуқмижоз ҳайвон саналади. Париларнинг бир кўриниши ҳам ўрдақлардек, доим сувда яшаб, сув бўйида манзил

1 <http://www.muslimuzbek.narod.ru/books/quran-uzb.exe>

2 Ўша асар. 1-т. 85-б.

топади. Шунингдек, бу тур вакиллари баъзан сув бўйида ёлғиз юрганларга кўриниб, уларни авраб, сувга чўктириши мумкинлиги ҳақидаги халқ қарашларига бориб тақалишини кўрсатади.

Халқ оғзаки ижодида пари образи эзгулик ва ёвзлик кучларига бўлингани каби диний таълимотда, хусусан, «Жин» сурасида айтилишича, бу образ орасида ислом динини қабул қилган мусулмонлари ва иблиснинг ҳукмидаги кофирлари ҳам бўлар экан. Улар ана шу хусусиятига кўра турли вазифаларни бажариб, мусулмон парилар Аллоҳ Таолога тасбех айтиш билан шуғулланишса, кофир парилар осмондаги ғайб сирларини фаришталарнинг оғзидан ўғирлаб, ердаги коҳин ва фолбинларга етказишга ҳаракат қилишар экан¹. «Қисас ар-Рабғузий»нинг баъзи қиссаларида ана шу диний таълимот ифодаси етакчилик қилади. Масалан, Жаброил (а.с) Юнусга париларнинг улуғини шундай таърифлайди: «Бу париларнинг улуғи турур. Жаҳмо отлиғ. Одам Сафий илкинда мусулмон бўлди. Тўрт минг йил турур-ким, мунда ибодат қилур, тебранмас. Охир замона бўлса Мухаммад расулуллоҳга борғай. Кофирлар бирла тўқуш қилғай». Юнус айди: «Егани, ичгани не турур?» Айди: «Тасбех ва таҳлил. Изи азда ва жалла турлук обидларни анга кўргузди. Бизнинг ҳазратимизда сендин ортуқроқ бор теб билгил»². Демак, ижодкор пари образидан фойдаланишда оғзаки ижод намуналари билан чекланмаган. Балки бу образ таърифида энг аввало, диний манбаалар, ху-

1 <http://www.muslimuzbek.narod.ru/books/quran-uzb.exe>

2 Ўша асар. 2-т. 62-б.

сусан, Қуръони Каримдаги маълумотлардан келиб чиқиб исломни қабул қилган зоҳид қиёфасидаги пари образини тасвирлаган.

Ижодкор баъзи ўринларда фольклор намуналаридан фойдаланган ҳолда бу демонологик образни ўзгача кўринишда тасвирлайди. Хусусан, Сулаймон (а.с) ҳақидаги қиссада пари образи дев образи билан ёнма-ён тасвирланади. Дев ва пари образлари ҳақида Қуръоннинг «Намл» сураси, 17-оятда “Сулаймонга жин, инс ва қушлардан бўлган аскарлари тўпланиб, тизилган ҳолда турдилар”¹ дея келтирилган. Сулаймон (а.с) девларга тоғларнинг тошидан улкан бинолар қурдирган, тахти учун кенг майдонлар ясаттирган бўлса, париларга одамлар учун мустаҳкам уйлар қуришни буюрган. Уларнинг бу каби хусусияти баъзи эртак ва дostonлардаги пари ва девларнинг бир-бирига бўлган ўзаро адоват тушунчасини рад этади. Аксинча, улар биргаликда, баҳамжиҳат иш қилишади. Лекин “Қисас ар-Рабғузий”нинг Самарқанд нашрида Сабо деган шаҳарнинг маликаси Билқиснинг туғилиши ҳақида бир ҳикоят келтирилганки, унда дев ва парилар ўртасидаги адоват тасвирини кўриш мумкин. Қисса “Ҳикоят” сарлавҳаси остида берилган бўлиб, қиссанинг Тошкент нашрида бу ҳикоят учрамайди. Уни хатотлар воқеалар кўламини кенгайтириш мақсадида қисса таркибида ижодий киритган. Унда тасвирланишича, Ажмар подшо лашкарлари билан шикорга чиқиб тасодиф сабаб бир қули билан лашкардан ажраб қолади. Иттифоқо, шох лашкарини излаб бир

1 “Қуръони Карим” Шайх Муҳаммад Солих Муҳаммад Юсуф таржимаси. - Тошкент: Шарқ, 1990. 378-б.

ердан ўтаётса, бир оқ илон билан қора илон уришаётганини ва қора илон оқ илонни ўлдириш даражасида зарар етказётганини кўради. Воқеага шунчаки томошабин бўлишни истамаган шоҳ қулига қора илонни ўлдириб, оқ илонни қутқаришни буюради. Эртасига шоҳ чорбоғини айланиб юрганда ўта назокатли, хушсурат бир йигит келиб унга салом беради ва ўзини кеча шоҳ қутқарган оқ илон эканини, қора илон бир дев бўлиб, уни доим таъқиб қилиб юрганини, ниҳоят уни ёлғиз учратиб ўлдирмоқчи бўлганида, шоҳ қутқариб қолганини баён этади. Демак, “демонологик образлар вазият тақозоси билан ўз қиёфаларини ўзгартиришлари, яъни метаморфозага учрашлари мумкин экан”¹. Пари йигит миннатдорчилик рамзи сифатида шоҳга уч нарса таклиф қилади: биринчи табибликни, иккинчи ҳама рўйи оламдаги ҳама ҳисравонини, учинчи парилар авлодидан бўлган гўзал ҳамширасини бермоқчи бўлади. Подшо ҳамшира парига уйланишни маъқул кўради. Ҳамшира пари образининг қиссадаги тасвири маъшуқа тимсолининг мукамал шакли, эс-хушдан ажралиш эса юрагига ишқ олови ёнаётган ошиқи беқарор руҳиятининг образли ифодасидир. Бу ҳолат ҳикоятдаги мифологик ва демоник образларнинг мавжуд хусусиятларига кўшимча тарзда қиссада эстетик функцияни ҳосил қилган. Пари йигит шоҳга ҳамширанинг ўзига хос шартларини: “зинҳор муни сўзини рад қилмағайсиз, ҳар иш буюрса дарҳол вуқуга келтурурсиз, ҳар тариқа яхши ёмон иш қилса ҳаргиз таъриз қилмағайсиз. Зероки, сизнинг ас-

1 Тоғаева Д. Ўзбек оғзаки насрининг бир жанри ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1990- 4-сон. 72-б.

лингиз туфроқдин, бизнинг аслимиз ўтти ёлинидин турур”¹ деб парини шоҳ Ажмарга никоҳлаб беради. Эътибор қилинса, мазкур ҳикоят бутунича оғзаки ижод намунаси ҳисобланиб, Рабғузий қиссасида учрамайди. Уни котиб асарни кўчириш жараёнида халқ орасида тарқалган оғзаки намуналарни ижодий қайта ишлаб киритган. Бундан ташқари қиссада мантиқий ғализлик бор. Чунки қисса бошида Азозил инсонни тупроқдан, ўзининг эса оловдан яралганлигини таъкидлаб, инсонни тан олмаганлиги учун лаънатланган эди. Пари йигит ҳам шоҳга худди шу нарсани: тупроқдан оловнинг устунлигини кўрсатапти. Демак, котиблар ҳикоятнинг нечоғлиг ҳақиқатга яқинлигига эътибор қаратишмаган. Халқ орасида тарқалган турли ҳикоятлар ва ривоятларни тўғридан-тўғри кўчириб, унга ўзлари ва ўқувчиларни ишонтиришган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, М. Абдувоҳидова ўзининг “Рабғузий ва ўзбек классик прозаси” номли мақоласида мазкур ҳикоятга тўхталиб: “пари йигит Аҳмад подшога учинчи тухфа сифатида ўз синглиси Паризодни никоҳлаб бермоқчи эканлигини айтади”². Бир қанча вақтдан сўнг улар бир ўғил кўришади. Пари бир муддат чақалоққа қараб, кейин уни оловга ташлайди. Маълумки, олов қадимданок муқаддас саналиб, ислом дини кириб келгунга қадар кўпчилик халқлар ва элатларда оловни муқаддас билишган. Йиллар ўтиб улар қиз кўришади. Пари уни бир неча кун парвариш қилиб кейин итга беради.

1 Ўша нашр. 371-бет.

2 Абдувоҳидова М. Рабғузий ва ўзбек классик прозаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988- 4-сон (46). 37-б.

Париларнинг фарзандлар тарбиясидаги бундай услуби зардўштилар удумини эслатади. Иттифоқо, ўша юртга улкан ёв хужум қилади. Шоҳ жангга чиқиш олдидан хос вазири Сарё унга талқон беради. Шу пайт шоҳнинг пари хотини келиб талқонни сочиб юборади. Тоқати тоқ бўлган шоҳ ўзини тутолмай парига дашном бериб, бу ишининг сабабини сўрайди. Пари Сарё вазирининг душман билан тил бириктириб талқонга захар қўшганини, сўзининг исботи сифатида талқонни Сарё вазирнинг ўзига едириб кўришини айтади. Талқонни еган вазир Сарё шу захоти тил тортмай ўлади. Шунингдек, ўғли ва қизи хусусида қилган ишларига ҳам изоҳ бериб, ўғлини ўтга ташлаганининг сабаби париларнинг фарзандини олов боқишини, қизини итга берганининг сабабини париларнинг қизларини ит вояга етказишини айтиб, қизини шоҳга топшириб видолашади. Ўша қиз Билқис эди. “Ҳикоят орқали жоннинг илон суратида намоён бўлиши ҳақидаги мифологик тушунчалар бадий кўчимлар жараёнида эпик мотив – эврилишга асос бўлган”¹.

Демак, мазкур ҳикоятда пари образининг метаморфозага учраб хоҳлаган вақтда инсон, хоҳлаган пайтда бирор-бир ҳайвон ёки парранда қиёфасига киришини учратиш мумкинлиги тасвирланган. Шунингдек, парилар ўта гўзал бўлиб, одатда, бирор шоҳга турмушга чиқиши, ниҳоят улар инсонларга қараганда закийроқ, олимроқ қиёфада тасвирланишини кўриш мумкин. “Достонларда эртақлардан ўтган пари тасвири ана шундай ҳаётийлик касб эти-

1 Файзиева Д. Ўзбек фольклорида илон инончининг излари// Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1996- 4-сон. 48-б.

ши, фантастик, хаёлий тасвирларининг реалистик ифодаларга яқинлаша борганлиги уларнинг дoston жанри талабларига буйсуниб, асарлар мағзига сингиб кета борганини кўрсатади. Бу ҳолат фольклор жанрлари ўзаро муносабатининг янги томонларини очиб беради”¹.

Ижодкор фақат диний адабиётлар билан чекланмасдан қиссада халқ оғзаки ижоди анъаналаридан ҳам ижодий фойдаланган. Бу ҳолат Сулаймон (а.с) ва Билқис ҳикоятида кўринади. Маълумки, пайғамбар измидаги парилар ўзларининг тоифаларидан бўлган Билқис ҳақида Сулаймон (а.с)ни хабардор қилмаганликлари учун жазоланажакларидан кўрқиб, унинг келишига қарши бўлишади. Сулаймон (а.с)нинг Билқисни олиш фикридан қайтариш мақсадида Билқиснинг оёғи эшак оёғига ўхшайди², дея важ кўрсатишади. Лавҳада париларнинг бу хатти-ҳаракати асосиз бўлса-да, уларнинг инсон зоти олдида ожизликлари ва Билқиснинг улардан устун бўлиши ва улар устидан ҳукмронлик қилишини иштирамайди.

Тадқиқотда қиссадаги пари образининг ўзига хос қиёфалари умумлаштирилиб қуйидагича таснифланди:

1. Антропоморф;

2. Зооморф.

1. Антропоморф парилар инсон қиёфасида акс этиб, улардек ҳаёт кечиради. Париларнинг антропоморф қиёфадаги кўриниши фаол бўлиб, кўпчилик эртак ва дostonларда учрайди. «Инсоний қиёфа – парилар-

1 Жалолов, Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. 105-б.

2 Ўша асар. 2-т. 52-б.

нинг асосий шакли шамойили. Бу кўринишдаги пари образининг етакчи белгиси гўзалликдир»¹. “Қисас ул анбиё”да Ажмар шоҳ уйланган пари образларида айнан ана шундай сулув қизлар акс эттирилган.

2. Зооморф типдаги парилар турли жонивор, паррандалар кўринишида бўлиб, хоҳлаган пайтда бир айланиб инсоний қиёфадан қуш ёки ҳайвонларга айланиши уларнинг асосий ва ўзига хос функцияси ҳисобланади. Айнан шу ҳолат асар воқеаларини ривожлантириб, бош қаҳрамонни ечим сари етаклайди. Масалан, париларнинг ўрдакка ўхшатилиши, “Қисасул анбиё”да акс этган, Ажмар шоҳ қутқарган оқ илоннинг асли пари эканлиги уларнинг зооморф кўринишда дoston ва эртақларда тез-тез учрашини кўрсатади.

Демак, Аржам шоҳ ҳақидаги ҳикоятда пари инсонларга хос бўлган яхшиликка – яхшилик билан жавоб берувчи, ақлли, меҳнатсевар, ҳалол, вафодор сингари хислатларга эга антропоморф ва зооморф образлар сифатида талқин этилади. “Шарқ шоирлари парига юксак ақл-идрок ва гўзаллик рамзи деб қараганлар. Алоҳида байтлар, баъзан бутун бошли ғазаллар мазмунига у ҳақдаги сифатларни сингдирганлар. Пари образига алоқадор фикр-туйғулар халқ афсоналари, эртақ ва дostonлари мазмунидан озиқланса-да, янги-янги маъно кирраларини касб

¹ Бу ҳақда О. Қаюмовнинг Пари ҳақидаги халқ қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1996- 1-сон. 43-б; О. Қаюмов Пари образининг генезисига доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1998- 4-сон. 42-б; Каримий.Б. Ўзбек эртақларининг баъзи бир хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1996- 3-сон. 61-б.

эта борган. Пировардида инсоний гўзаллик, хулқ-атвор, одамийлик сифатлари улуғланиб, романтик орзулар тасвирланади”¹.

«Қисас ар-Рабғузий» асаридаги дев ва пари образларини ўрганиш натижасида шу маълум бўлдики, қисса энг аввало, диний асар бўлганлиги учун ижодкор бош манба сифатида Қуръони Каримга таянган. Унда берилган оятлар асосида ихчам шаклдаги тугал қиссалар яратган. Шу сабаб қиссадаги воқеа-ҳодисалар билан Қуръони Каримдаги лавҳалар кўпинча бир-бирига мутаносиб келади. Шунингдек, ижодкор фақат диний далиллар билан чекланмасдан қиссада халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланади ва унда демонологик образларга мурожаат қилиб уларни ягона мақсад остида бирлаштиргани маълум бўлади. Шунга кўра бу икки образ таянч манбасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Халқ оғзаки ижоди аънаналари таъсирида яратилган демонологик образлар;
2. Ислом таълимоти асосида яратилган демонологик образлар.

Назаримизда, бу тасниф дев ва пари образининг қиссадаги бадиий қиёфаси, характер хусусияти, асарда бажарадиган вазифасини аниқлашда, уларнинг қиссада қўлланиш этимологиясини текширишда, ижодкор қайси манбаа асосида бу образни тасвирлаганини билишда ва аниқ хулосалар чиқаришда ёрдам беради. Умуман олганда, қиссада бу

¹ Матёкубова Т. Р. Огаҳий шеъриятида аънавий образлар талқини: Филология фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 2001, 31-32-бетлар.

икки демонологик образ сюжет яратишда ғайриоддий лавҳаларни ҳосил қилади. Турли қиёфа ва характерда асарнинг бадиий-эстетик функциясини кенгайтиришда хизмат қилади. Умуман олганда, қиссада бу икки демонологик образ сюжет яратишда ғайриоддий лавҳаларни ҳосил қилади. Турли қиёфа ва характерда асарнинг бадиий-эстетик функциясини кенгайтиришда хизмат қилади.

Маълумки, Рабғузий “Қисас ар-Рабғузий” асарида диний лавҳаларни тасвирлашда Шарқ халқлари оғзаки ижодида кенг тарқалган сюжет ва тимсоллардан ижодий фойдаланган. Бу борада асардаги Юсуф (а.с) ҳақидаги қисса диққатга моликдир. Юсуф қиссаси Шарқ халқлари адабиётида машхур бўлиб, унинг яратилиши узоқ даврлардан бошланади. Дастлаб “Таврот”да 13 сатр ҳажмида маълумот берилган бу қисса кейинчалик Қуръонда ўзининг мукамал шаклини топди¹. Туркий халқлар адабиётига Юсуф қиссаси илк бор 1233-йил шоир Қул Али яратган “Қиссаси Юсуф” достони туфайли кириб келди². Ундан сўнг Рабғузий «Қисас ар-Рабғузий» асарига Юсуф (а.с) ҳақидаги қиссани киритди³. Қуръонда мустақил қисса каби берилган Юсуф (а.с) ҳақидаги саргузаштни ижодий қайта ишлашда Рабғузий Юсуф (а.с)ни пайғамбарлик хислатлари билан бирга уни комил инсон сифатида тасвирлашга ҳаракат қилди. Чунки унда ҳаётда

1 <http://www.muslimuzbek.narod.ru/books/quran-uzb.exe>

2 Қаранг: Қул Гили, Юсуф и Зулейха, Изд-во, Казан, 1985.

3 Қаранг: Ўша асар. 1-к. 99-б.

содир бўлувчи қабоҳат, разолат, оға-иниларнинг бир-бирига бўлган адовати, ноҳақликнинг адолат устидан қилган ўткинчи ғалабаси, қул қилиб сотилган Юсуф (а.с)нинг азоб-уқубатларга сабр қилганлиги туфайли Аллоҳ Таоло қадрлаб зиндон зулмидан ёруғликка олиб чиқиши ва оёғи остида Миср элининг нисор этиши каби лавҳалар кузатилади. Шунингдек, унда барча инсон учун зарур бўлган энг гўзал хислат – кечиримли бўлиш васф этилади. Куръон воқеаларига кўшимча сифатида оғзаки ижод намуналарини бадий акс эттирган муаллиф асарни ҳақиқатда ҳам “Аҳсан ул-қасас” даражасига кўтарган.

Рабғузий қисса қурилиши ва бадииятини кучайтириш, теранлаштириш мақсадида асар ичида турли образлардан, адабий жанрлардан: башорат, ҳикоят, ривоят, арабча оят, хикмат, дуо, шеър, савол-жавоб, латифа, байт, ғазал; бадий санъатлардан фойдаланиб, нафақат ёзувчи, балки шоир сифатидаги истеъдодини ҳам намойиш этган. Шунинг учун ҳам қиссалар таркибидаги бадий лавҳалар, нотабий ҳодисалар кишининг эътиборини ўзига тез жалб этади. Бу борада қиссада учрайдиган, ҳар қандай ўқувчини жиддий мушоҳадага тортадиган ҳайвонлар ҳақидаги элементларнинг ҳикоятларда акс этиши асарнинг бадий қимматини бир неча поғонага оширган. Бундай эртақларнинг яратилиш даври “қадимги магия ва афсоналардан кейин пайдо бўлган тотемистик тасаввурлар даврига”¹ тўғри келади. “Уларнинг

1 Эгамов Х. Туркий халқлар эртақларининг жанр хусусиятлари ва классификацияси// Адабий мерос. –Тошкент, 1985- 3-сон (34). 80-б.

ажойиб хусусиятларидан бири мазмундорлиги, психологик ва ҳаётий деталларга бойлигидир”¹. Бундай лавҳаларда парранда ва хайвонлар инсонлар билан бир хил ҳаракатланади ва улардек гапиради. Рабғузӣ ҳам мазкур анъанага мувофиқ Юсуф (а.с) қиссасида бўри образини киритиб, воқеага ўзгача маъно юклайди. Бўри фольклор намуналарда учровчи энг фаол образлардан бўлиб, қадимги туркий қабилалари орасида тотем ҳисобланган. Қадимий манбаларга кўра, бўри айрим турк уруғларининг аждоди сифатида ҳам эътироф этилади. Шунинг учун қадимда баъзи инсонлар бошига тушажак турли синовлар, қийинчиликлар, чексиз мусибатларни даф этишда бўрига ёлворишган ва ундан мадад сўрашган. Шунингдек, чақалокларни турли зарарли таъсирлардан омон сақлаш ва бақувват қилиб вояга етказиш, экин экиладиган ерлар ҳамда чорва молларни турли ёвуз кучлар таъсиридан сақлаб яхши ҳаёт кечириш учун ҳам бўрига сиғиниб, ундан ёрдам сўрашган.

Ўзбек халқ фольклорида (Юсуф (а.с) қиссасида ҳам) “бўри образи икки хил талқин этилади. Бири инсонга дўст, қаҳрамон бошига оғир кунлар тушганда унга ёрдам берувчи, қаҳрамоннинг севгилисига етишувида кўмаклашувчи ижобий образ холида берилади. Бўри ҳақидаги эртақларнинг иккинчи турида унинг салбий сифатлари, яъни очкўзлик, ваҳшийлик, газандалик кабилар кўрсатилади”². Уларга хос бундай ваҳшийликлар қиссада Яъқуб (а.с) ту-

1 Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. –Тошкент: Фан, 1976. 35-б.

2 Ўзбек халқ эртақлари. –Тошкент: ЎзССР Давлат Бадий Адабиёт, 1963. 3-4-б.

шига кирган ўн бир бўрининг ёлғиз Юсуф (а.с)га ҳамла қилиши тасвири орқали акс эттирилган¹.

“Юсуф (а.с)нинг кўрган тушидан хабар топган ҳасадгўй акалари Юсуф (а.с)ни йўқотиш мақсадида уни сахрога сайрга олиб чиқиш баҳонасида оталаридан рухсат сўрашади. Оталарининг кўз ўнгида укалари Юсуф (а.с)ни елкаларида кўтариб, ундан узоқлашгач, унинг кўл-оёғини боғлаб, кийимларидан мосуво қилиб қудуққа ташлаб юборишади. Оталарига эса Юсуфни бўри еди, деб унинг кўйлагига қон суртиб олиб боришади. Бу хабардан ҳушсиз қолган Яъқуб (а.с) ўғилларига Юсуфни еган бўрини топиб келишни буюради. Ўғиллар сахрога чиқиб учраган бир бўрини ушлаб, уриб, оғзини қонатиб олиб келишади. Яъқуб (а.с) “Илоҳий, бу бўрига тил бергил сўзлашайин” деб илтижо қилади. Аллоҳнинг инояти билан бўри тилга кириб: “...Ман Юсуфни кўрмишим йўқ. Уч кун бўлди очман, кўзум ёруки ўғлонимни йитуруб турурман. Ул аччиғдин уч кун бўлди ош емишим йўқ. Ўғлонимни тилаюрда бу ёлғончилар мани тутуб оғзимға қон суртуб санга келтурдилар. Эй Яъқуб, дуо қилгил, бўлғайким санинг дуойинг баракотинда ўғлумни манга рўзи қилғай”², - деб йиғлайди. «Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг характерли хусусиятларини аниқлаш ва белгилашда сюжет таркиби ва мотивлар тизими алоҳида аҳамият касб этади»³. Юқорида берилган қисқа диалог персонажлар таби-

1 Қаранг: Ўша асар. 1-к. 104-б.

2 Ўша асар. 1-к. 109-б

3 Жумаева С. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг генетик асослари ва спецификаси: Филология фанлари номзоди... дис.автореф. –Тошкент, 1996. 23-б.

атини очиш ва маънавий қиёфасини ойдинлаштириш вазифасини бажарган. Демак, лавҳада бўри образи асар қаҳрамонига воқеа тугунини ечишда, муаммоли масалани ойдинлаштиришда хизмат қилувчи ижобий образ сифатида гавдаланган. Эътибор қилинса, бўри билан Яъқуб (а.с) образлари ўртасида ассоциатив яқинлик мавжуд бўлиб, ҳар икки образ ҳам жигарбандини топиш илинжида. Нихоят бўри Яъқуб (а.с) билан учрашгач, пайғамбарнинг дуоси туфайли йўқотган боласини топиб, мурод - мақсадига етади. Халқ эртакларида учрайдиган ҳайвонларнинг гапириб, асар қаҳрамонига ёрдам бериши ва бунинг натижасида ўзининг ҳам муроди ҳосил бўлиши каби элементлар Юсуф (а.с) қиссасидаги мазкур лавҳа билан айнан мутаносиб келади ва у ёзувчи ижодий ниятини очиб беришда муҳим ўрин тутати. Хулоса қилиб айтганда, ибтидоий даврда ҳомий куч сифатида фақат ижобий образ сифатида тасвирланган бўри образи «Қисас ар-Рабғузий»да ҳам ижобий, ҳам салбий бўёқда гавдаланган. Ҳар икки ҳолатда ҳам бу образ қадимги ҳомийлик қиёфасини йўқотиб, асарда ёзувчининг ижодий ғоясини очиб берувчи, қиссанинг мазмундорлигини оширувчи эпизодик бадиий образ вазифасида келган.

Халқ оғзаки ижодиёти кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, инсоният пайдо бўлгандан ҳозирги кунга қадар унга ҳамроҳ-у ҳамроз бўлиб келаётган энг қадимий ижод туридир. Халқ оғзаки ижодида кишиларнинг тасаввур олами, орзу-интилишлари, яшаш тарзи, ҳаётнинг тараққиёт босқичлари акс этиб, улар турли-туман ҳомий ва ёрдамчи кучлар, ан-

вои хил тимсоллар воситасида тасвирланган. Мана шундай қадимий образлардан бири кампир образи ҳам фольклор асарларининг энг етакчи қаҳрамонларидан биридир. Бу образ кенг қамровли мураккаб образ бўлганлиги туфайли ёзма адабиётда, хусусан, Носириддин Рабғузий ижодида ҳам кузатилади. Бунда ижодкор кампир образининг бадиий моҳияти, шакл-шамойилини тасвирлашда тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашган бўлса ажаб эмас. Чунки ҳар бир даврда аёлларга муносабат турлича бўлиб, у энг аввалло, халқ оғзаки ижодида ўз ифодасини топган.

Шуни айтиш лозимки, кампир образи ўзбек халқ оғзаки ижодида энг фаол образлардан бўлиб, асарларда у кўпинча ялмоғиз, жодугар, алвасти, ажина (мамалак-малак), сеҳргар кампир, шум кампир атамаларида¹, «Қисас ар-Рабғузий»да эса қуртқа шаклида тилга олинади. «Қисас ар-Рабғузий»да келтирилган термин оғзаки ижодда фаоллашмаган термин бўлиб, бу сўз XIII-XIV асрларда халқ жонли тилида ишлатилган, ҳозирги кунда эса эскириб кампир эквиваленти билан алмашган архаик сўз. Ялмоғиз образининг генезиси, хусусияти, бажарадиган вазифаси, бадиий қиёфаси ҳақида кўплаб олимлар, хусусан, Е.М.Мелитенский «Поэтика мифа», И. Дяконов «Архаические мифы Востока и Запада» асарларида, И.К. Федорованинг «Мотивы и образы волшебной сказки в фольклоре полинезийцев» мақоласида, ўзбек олимларидан К.Имомов, Б.Саримсоқов, Б.Жуманиёзов каби олимлар илмий-танқидий фикрлар билдиришган.

«Қисас ар-Рабғузий» асарида келтирилган

¹ Қаранг. Жуманиёзов Б.М. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи –Тошкент.: 1996. 13-26-бетлар.

қуртқа образи ҳам характер-хусусияти, бажарадиган вазифасига кўра қиссада турли қиёфаларда намоён бўлади. Асарда ёзувчи бу образга жами ўн етти ўринда мурожаат қилган ва улар Нух (а.с), Худ (а.с), Солих (а.с), Иброҳим (а.с), Лут (а.с), Юсуф (а.с), Мусо (а.с), Довуд (а.с), Сулаймон (а.с), Ҳизр ва Илёс (а.с), Закарё (а.с), Исо (а.с) қиссалари таркибидадир. Бу қиссалардаги қуртқа образи таҳлил қилинганда улар қиссада бадиий қиёфаси ва бажарадиган вазифасига кўра бир-биридан фарқланиши маълум бўлади. Шу сабабли «Қисас ар-Рабғузий» асарида учрайдиган қуртқа-кампир образини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни маъкул кўрдик:

1. Матриархат даври таъсири сезилган кампир образи

2. Патриархат даври таъсирида яратилган кампир образи

3. Дунёни илмий мушоҳада қилиниши натижасида маданийлашган кампир образи

Инсоният яратилган илк даврларда кишилар оламни ўз дунёкарашича тасаввур қилиши натижасида ҳар бир нарсанинг ҳомий кучи бор, деб тасаввур қилишган. Ҳомийларга сифиниш, улардан мадад сўраш, ҳар қандай ишнинг ижобий яқун топишида туртки бўлади, ўша ҳомий куч ҳар қандай балони, офатни даф қилиш қудратига эга деб унинг шарафига ҳаттоки қурбонликлар ҳам келтиришган. Бунда ибтидоий одамлар тасаввурида, энг аввало, ҳомий куч деганда аёллар гавдаланган. Қадимги полинезия халқларининг оғзаки ижод намуналарида кампир образи осмон ва ернинг худоси сифатида тасвирла-

ниб, ҳаётдан кўз юмган инсонларнинг руҳини нариги дунёга олиб ўтишни назорат қилишган¹. Қадимги Римда гўзал қиз Юнона осмон Худоси бўлиб, никоҳ ришталарини боғловчи, аёлларнинг тулғоғини енгиллаштирувчи кучга эга бўлган деб тасаввур қилинган². «Авесто»да берилган Анахита образи ҳам ҳосидорлик, ёғингарчилик, хомиладор аёлларнинг оғирини енгил қилувчи эзгу илоҳа эканлиги ҳақида маълумот бор³. Шимолий Австралия афсоналарига кўра она уруғи даврида қабила бошлиғи аёллар бўлиб, ҳосилдорликни пайдо қилиш, ёмғир мавсумини чақириш, шунингдек, уларнинг рангли илонлар билан боғлиқлиги ҳақидаги қарашлар мавжуд⁴. Аёлларнинг турли куч ва хусусиятларга эга бўлган илоҳалар деб тасаввур қилиниши турли халқлар оғзаки ижодида кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, германларда Сив, этрусларда Уни, грекларда Гера, шарқий семитларда Асират, хурритларда Хебат, урартларда Хуба, Баба, шумерларда Пинлил каби номларда учрайди⁵. Шунингдек, ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам Анбар она, Сушт хотин, Чой момо каби образлар бўлиб, улар ёмғир чақириш, ҳосилдорликни таъминлаш, қут-барака, ернинг унумдорлигини оширувчи, шамол чақирувчи ҳомий кучлар деб тасаввур қилинган. Хўш, аёллар мавқеининг мислсиз даражада баландлигига сабаб нима? Нега бу даврда инсон-

1 Фольклор и этнография.Л.: Наука. 1984. С 88

2 Фрейденберг, О.М. Мифы и литература древности. М.: Наука, 1978. С-37, Дяконов И. Архаические мифы Востока и Запада. С 145

3 Ишмуротов М. «Авесто»да мифологик қатлам. 2002.98-б

4 Мелитенский.Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука.1976.с 181

5 Дяконов И. Архаические мифы Востока и Запада. С 145

лар тасаввурида ҳомийлар, илоҳалар фақат аёллар тасвирида яратилган? Бунинг сабабини топишда, энг аввало, жамиятда ҳукм сурган турли анъаналар, қонун-қоидалар, урф-одатларга мурожаат қиламиз. Дастлаб инсонлар жамият бўлиб шаклланаётган бир пайтда ибтидоий инсонлар орасида экзогамик никоҳ тури авж олади. Бунда ўта яқин қариндошлар ота билан қиз, ака билан сингил, она билан ўғил бир-бири билан бемалол никоҳ риштасини боғлаб, икки, ҳаттоки уч томонлама қариндошлик алоқасини боғлаб, яқин муносабатда бўлишган. Яъни оиладаги аёл бир вақтда ҳам эрига, ҳам ўғлига хотин, ҳам она ўрнида қабул қилинган¹. Шунингдек, аёллар эркакларнинг овга кетиш олдидан уларни дуо қилиб (ҳаттоки магия қилиш қудратига эга бўлишган), агар ов бароридан келса бу, албатта, ўша дуо таъсирида бўлганлигига қаттиқ ишонишган. Ўз навбатида аёллар болалар тарбияси билан шуғулланишган, шунингдек, уйда ўтириб ов бароридан келиши учун сеҳр-жоду билан ҳам шуғулланишган. Шунинг учун бўлса керак уларнинг таъсири жамиятда ниҳоятда катта бўлган. Бунинг таъсири ўша даврда кишиларнинг қаҳрамони сифатида тасаввур уйғотган ялмоғиз образи пайдо бўлишига асос бўлади. Ялмоғиз дастлаб фольклор намуналарида ҳомий куч сифатида ижобий қиёфада тасвирланган. Б.Жуманиёзовнинг «Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи» номли диссертациясида «ялмоғиз» атамаси она уруғи даврида «номаълум жасур қиз»

¹ Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. — М.: Наука. 1976. с 199

деган маънони англатишини айтиб ўтган¹. Бу давр таъсирида яратилган ялмоғиз образининг ижобий қиёфаси «Қисас ар-Рабгузий» асарида ҳам учрайди. Демак, ялмоғиз образи дастлаб ҳосилдорликни таъминловчи, ернинг унумдорлигини оширувчи, ёгингарчиликни, шамолни чақирувчи, наботот оламининг ҳомийси ҳамда инсониятнинг кўпайиши, никоҳ ришталарини мустаҳкамловчи, умуман олганда, яшариш ва янгиланишни таъминловчи эзгулик ва гўзаллик илоҳаси сифатида бутун дунё халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган. Мана шундай аёлларнинг ижобий хислатларга бой жиҳатлари «Қисас ар-Рабгузий» асаридаги баъзи образлар мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Диний ҳамда оғзаки ижодга хос манбаларни синчковлик билан ўрганган ижодкор ҳикоят ва ривоятларнинг моҳияти ҳамда талабига кўра бадиий образ яратади. Бунда Довуд (а.с) ҳақидаги қисса диққатга моликдир. Ҳақиқатда ҳам, мазкур қисса ахлоқий – таълимий жиҳатдан эътиборли бўлиб, биз буни Довуд (а.с) ва кампир диалоги мисолида кўрамиз: «Аймишлар, Довуд ялавоч тунла ўзин белгусиз қилиб раъиятлардин сўрар эрдиким, подшоҳ сизинг бирла нетак муомала қилур?...Бир кеча андоғ сўзлаюрда Мавло таоло бир фариштани изди, бир қуртқа сурати уза. Андин сўради: «Подшоҳингиз нетак турур?» теб. Қуртқа айди: «Явлок одил турур, ончаси бор кишилар молин еюр»². Кампирнинг тўғридан- тўғри берган жавоби Довуд (а.с) га қаттиқ таъсир этди, виждонан қийналди. Шунда

1 Жуманиёзов Б. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи. 1996 й.к

2 Носириддин Рабгузий «Қисаси Рабгузий» 2-к, 1991, 28-б.

у ейдиган лукмасини ўз меҳнати билан топиш мақсадида Аллоҳ Таолодан бирор хунар ўргатишини илтижо қилиб сўрайди. Ҳикоятда эпизодик образ сифатида қатнашган кампирнинг бир оғиз сўзи китобхонда унга бўлган илиқ муносабатни уйғотади. Энг муҳими, кампир воситасида Довуд (а.с)га хос халоллик, поклик, тўғрисўзлик, одиллик каби фазилатлар улуғланади. Кампир эса тўғрисўз, оқила аёл сифатида шоҳни эзгулик томон бошлайди, шоҳнинг тўғри йўлни топишида восита бўлиб хизмат қилади.

Қуйидаги ҳикоятда эса қуртқа образи меҳнатни улуғловчи, қаттиққўл йўлбошчи сифатида тасвирланади. Сулаймон (а.с) гуноҳ қилиб, мулкидан мосуво бўлгач, қувғинда узоқларга қочиб, йўл азобидан чарчаб бир боғда ухлаб қолади. Шу пайт унинг атрофида ғаройиб ҳодиса юз беради ва буни кўриб боғ эгалари хайронлик денгизига чўмишади. Шунингдек, Сулаймон (а.с)нинг одоби, ўзини тутиши, муомала маданияти билан бошқалардан ажралиб туриши боғ эгаларининг унга нисбатан ҳурматини ошириб юборади ва улар пайғамбарни мажбурлаб ўзларига куёв қилишади. Тўйнинг эртасига пайғамбарни кампир қариндошига кўрсатишади. У Сулаймон (а.с)га қараб: «Эй йигит, сен қоҳил кишига ўхшайсен. Борғил киши ишин ишлағил. Тўн, этмак ҳосил қилғил»¹ дея Сулаймон (а.с)ни меҳнат қилишга мажбур этади. Кампирнинг аччиқ сўзи киши кўнглига озор берса-да, қаттиққўл ва қатъиятли образ сифатида ўқувчи кўз ўнгида гавдаланади. Унинг бу хусуси-

1 Носириддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий» 2-к, 1991, 43-бет

яти она уруғи даврида кишиларнинг ҳар бир ишни бошлашдан аввал, албатта, қабила бошлиғи қари аёллардан маслаҳат олиб иш тутганлиги ҳақидаги қарашларни эслатади.

Демак, ҳар икки ҳикоятда ҳам кампир образи бош қаҳрамонга тўғри йўл кўрсатувчи, ўз қарорида собит, қатъиятли образ сифатида кўз ўнгимизда муҳрланади. Уларнинг айнан шу хусусияти кампир образи қиёфасида матриархат даври белгилари сақланганлигини кўрсатади.

Даврлар ўтиши натижасида бир тузум ўз ўрнини бошқа тузумга бўшатади. Тарих ҳеч нарсани абадий қолдирмайди. Она уруғи даврини секин-асталик билан ота уруғи эгаллай бошлайди. Бу ҳол оғзаки ижодда ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Энди ҳар доим ижобий образ сифатида ҳар нарсага қодир аёллар образида эврилиш содир бўлиб, инсонларни йўлдан адаштирувчи, барча ёвузликларнинг сабабчиси сифатида гавдалана бошлайди. Яъни ижобий образ ялмоғиз (номаълум жасур қиз) қиёфаси ўзгариб салбий қиёфадаги ялмоғиз (ямлаб ютадиган оғиз) фольклор асарларининг бош қаҳрамонига айланди. Кампир образининг иккинчи даврий қиёфаси бутун дунё халқлари оғзаки ижод намуналарида ҳам учрайди. Масалан, Австралия оғзаки ижод намуналарида келтирилишича, Мутинга номли жодугар кампир бўлиб, у эътиборсиз қолдирилган ёш болаларни ўғирлаб ямламасдан ютади. Шунингдек, Мутинга кампир маросим пайтида қорнидан ямламай ютган болаларнинг бўлакларини, парчаларини чиқариб, тирилтириб улар воситасида анъанавий

маросимини ўтказган¹. Муринбат халқи афсоналарида ҳам шунга ўхшаш мотивлар кўзга ташланади. Яъни унга кўра қадимда ярми аёл, ярми илон кўринишидаги Кукпи номли аёл бўлиб, у қорни очганда эркак кишиларни ўғирлаб, жодулаб ейди². Бу давр таъсирида яратилган оғзаки ва ёзма адабиёт намуналари ҳозирги кунга қадар турли эртак ва афсоналар шаклида сақланиб қолган.

«Қисас ар-Рабғузий» асаридаги Авж ибн Унуқ ҳақидаги ҳикоятда келтирилишича, кунларнинг бирида Авж ибн Унуқ ёшлигидан асраб олган қизи билан кирғоққа келади. Ўша ерда бир йигит бўлиб, унинг кўзи Авж ибн Унуқнинг ёнидаги қизга тушади. Қиз йигит бир-бирини шу онда севиб қолишади. Бироқ Авж ибн Унуқнинг вазоҳатидан қўрққанликлари туфайли улар буни пинҳон тутишади. Йигит чора излаб бир қуртқа (кампир)га дардини баён этади. Қуртқа эса устомонлик билан унга бир катта қулф-калитли сандиқ ясаптиришни буюради. Йигит қуртқа айтганидек, ишни қойилмақом бажаради. Шунда қуртқа йигитни сандиққа солиб Авж ибн Унуқ ўтадиган йўлда уни кутиб ўтиради. Уни кўрганда эса: «Эй ўғлум, сандуқ ичида киши амонати бор, анда кузайин. Азинларга эътимод қилмасмен», - дейди. Соддадил Авж ибн Унуқ қуртқанинг «илтимоси»ни бажону дил қабул қилиб, уни уйига элтади.

Кунларнинг бирида Авж ибн Унуқ овдан қайтса, бегона кишининг туфқурганини кўриб шубҳаланади ва хотинини рост гапиришга мажбур қилади. Қиз

1 Мелитенский Е.М. Поэтика мифа ... М.: Наука. 1976. с 219

2 Мелитенский Е.М. Поэтика мифа ... М.: Наука. 1976. с 243

бечора кўркқанлигидан бўлган воқеаларни рўй-рост баён этди. Шармандаликкачидолмаган ор-номусли Авж ибн Унук шум куртқа, қиз ва йигитни шу онда ўлдиради¹.

Ҳикоятда куртқа салбий қиёфада тасвирланиб, бажарадиган вазифасига кўра ялмоғиз образига яқин. «Ялмоғиз кўп қиррали образ бўлиб, ўзбек эпосида бир қанча кўринишда, жумладан, қаҳрамонларнинг ҳомийси, сеҳрли буюм инъом этувчи, ёш ўғил ва қизларни ўғирловчи, қаҳрамоннинг қайлиги ва маликаларни йўлдан урувчи каби бир-биридан турфа бўлган қиёфа ва кўринишларда намоён бўлади»². Ўзбек халқ эртақларида, умуман, жаҳон халқ оғзаки ижодиётида ялмоғиз образи кенг тарқалган образлардан бири бўлиб, ўзбекларда «ялмоғиз», араб эртақларида «мағрибий», япон эртақларида «тангу», эрон халқ эртақларида «кўса», рус халқ эртақларида «бабаяга»³ каби атамаларда ишлатилган. Бироқ уларнинг функцияси, шакл-шамойили даврлар силсиласида турфа қиёфаларда ўзгара борган. Агар биз тарихга назар ташласак, инсон онги шаклланиш жараёнида турли босқичларни бошидан кечирганлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, ялмоғиз образи дастлаб матриархат даврида пайдо бўлиб, инсонларнинг ҳомийси, ҳосилдорликни таъминловчи ижобий куч, гўзаллик илоҳаси сифатида тасвирланган. Бу жамиятда яратилган оғзаки ижод намуналарида аёллар барча муаммони ечувчи, ҳар қандай балони даф

1 Носириддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий» 1-к, 1990, 47-бет

2 Жуманиёзов Б Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи Т.1996, 46-б

3 Жуманиёзов Б Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи Т.1996,

этувчи кудратли куч деб қаралган. Инсоният онги ўсиши, жамиятда эркакларнинг ўрни ва роли тобора ошиб бориши натижасида матриархат даври патриархат даврига ўз ўрнини бўшатиб беради. Энди оғзаки ижодда кудратли куч эгаси бўлмиш ялмоғиз образи янгича талқинда асар таркибида кўрина бошлади. Яъни уларнинг шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, бажарадиган функциясида салбий бўёқ кўзга ташлана бошлади. Қаҳрамонни йўлдан уриш, ёш болаларни (айниқса, ўғил болаларни), хотинларни ўғирлаш, қаҳрамонларни ямламасдан ютиш каби тасвирлар унинг бош хусусиятларидан бирига айланди. Демак, юқорида келтирилган ҳикоятда ҳам куртқа ота уруғчилиги даврида ҳукм сурган ёвузлик тимсоли вакиласи сифатида тасвирланган. Қиссада куртқа ҳақидаги иккинчи ҳикоятда ҳам юқорида айтилган фикр ифодаси мавжуд. Юсуф (а.с) кул сифатида Мисрга келтирилгач, Азизи Мисрнинг хотини Зулайҳо уни кўриб севиб қолади ва Юсуф (а.с)ни сотиб олиб, ундан коми дил ҳосил қилмоқчи бўлади. Бирок бу ниятига ҳадеганда ета олмагач, энага кампирга дардини айтади. Энага кампир Зулайҳога она каби меҳрибон, жонкуяр шу билан бирга ўта айёр ва тадбиркор аёл. Унинг бу хусусияти ялмоғизнинг такомил варианты ҳисобланган, ҳукмрон табақага хизмат қилувчи мастон образи қиёфасини эслатади. Буни биз куртқанинг Зулайҳога берган маслаҳатида кўрамиз: “Эй Зулайҳо, манга телим мол бергил. Ул молни харж қилайин бўлғайким тилакинга теггайсен”¹ деб уй қуриб, унинг ичида Юсуф ва Зулайҳонинг расмини

¹ Носириддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий» 1-к, 1990, 121-бет.

турли ҳолатда чиздириб, уйни қимматбаҳо тошлар билан безайди. Энага гарчанд Зулайҳонинг дардига “даво” топган бўлса-да, унинг бу иши Зулайҳонинг эри Азизи Мисрга қилган дастлабки хиёнати, деб баҳоланади. Ёзувчи бу ҳолатда энага кампирга бўлган салбий муносабатини халқ орасида кенг тарқалган “Ёт куртқани эвга киргузмак керакмас. Агар қаю эвга кирса бузмай чикмас”¹ ҳикматли сўзи билан ифодалайди. Юқорида келтирилган ҳикматли сўзнинг шуниси характерлики, “унда ташқи киёфани бериш билан бирга шу киёфага мос ҳолда характер хусусиятлари ҳам кўшилган. Бундай тасвир мастоннинг келажакда қиладиган ёвуз ишларидан хабар беради. Бу нарса фольклор асарлари учун характерлидир”². Ижодкор юқорида берилган таъриф билан чекланмайди. Энага кампирга хос ёвуз ишларни янада бўрттириб, ёрқинроқ чиқариш учун салбий буёк билан йўғрилган тўрт байтгли лирик шеър келтиради:

“Эрнинг балоси ики олам балоси - куртқа,
 Куртқа қариб ўлурса солғил этини куртқа.
 Ёт куртқани эвингда кўрсанг бошини кесгил,
 Куйдур бошини ўтқа, совур кулини қортқа.
 Куртқа неча қарисун, тоат қилиб арисун,
 Эв бузғали топунса боқмас ўнгига ортқа.
 Куртқа бузар минг ишни қайра тузар тиласа,
 Анинг тегар балоси барча муғулга, сортқа.”³

1 Носириддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий» 1-к, 1990, 121-бет.

2 Саримсоков, Б. Сажъ ва унинг ўзбек фольклорида тутган ўрни. –Тошкент.: 1973, 138-б.

3 Ўша асар. 1-т. 122-бет.

Мисралардаги *қуртқа* сўзи омоним бўлиб, биринчи мисрада *қари кампир* маъносида, иккинчи мисрада *бўри* маъносида, учинчи мисрада *кўк (осмон)* маъносида ишлатилган. Туюқ жанрига хос бўлган тажнис сўзларнинг ишлатилиши шеърнинг бадийлигини кучайтириб, салбий образнинг нопок ишларини бўрттириб, ёркин тасвирларда акс эттирган. Шу билан бирга мазкур шеър “ўзбек шеърияти имкониятларини халқ тили бойликлари ҳисобига кенгайтиришда, ўқувчи бадий дидини оширишда ва уни гўзаллик оламига олиб киришда ҳам муҳим эстетик, ижтимоий функцияларни бажаради”¹.

Юқорида келтирилган икки ҳикоятда ҳам қуртқа образи бир хил функцияни бажаради. Яъни биринчи ҳикоятда қуртқа йигитни хийла билан қизга қовуштириб Авж ибн Унуқнинг ишончини суистеъмол қилган бўлса, иккинчи ҳикоятда Зулайҳога Юсуф (а.с)ни қовуштириб, унинг эрига хиёнат қилишига сабабчи бўлувчи шум кампирни эслатади. Бундан кўринадики, ҳар икки ҳикоятда кампир образида ота уруғчилик даврида ҳукм сурган салбий муносабат таъсири сезилади. Бу эса ўша даврда яратилган ижод намуналарида ялмоғизнинг инсонларни йўлдан уриши, уни тўғри йўлдан адаштириши каби тушунчалар сақланганлигини кўрсатади.

Лут (а.с) ҳақидаги қиссада қуртқа образи инсонлар орасида ёмонлик уруғини сочувчи, маънавий ахлоқсизликни тарғиб қилувчи, жамиятни жар ёқасига олиб келувчи, инсониятни йўқ бўлиб кетишида асосий сабабчи сифатида тасвирланади. Ҳикоятда

1 Абдулхамидов А. Бобур ғазалларининг поэтикасига доир// Ўзбек тил ва адабиёти. –Тошкент, 1984- 4-сон. 13-б.

келтирилишича, Фаластин яқинида Муътафиқот халқи истиқомат қилиб, улар Зевол номли бутга топинар ва энг даҳшатлиси аёл билан аёл, эркак билан эркак зино қилишарди. Бу ишни эса уларга қуртга кўринишидаги иблис ўргатади¹. Мазкур ҳикоятда ҳам кампир энг разил ишларни бажарувчи, инсониятнинг азалий ва абадий душмани, иблиснинг кўмакчиси ҳамда вазифадоши шум кампирни эслатади. Юқоридаги уч ҳикоятда кампир образи ахлоқсиз ишларни тарғиб этувчи маънавий тубан образ сифатида тасвирланса, куйида унинг қотил сифатида раҳмсиз қиёфаси кўрсатилади. Ҳикоятда айтилишича, Солиҳ (а.с) бир неча аср бутга сиғинган Самуд халқига бориб уларни иймонга даъват этади. Бироқ улар Солиҳ (а.с)га тошнинг орасидан она-бола туя чиқартириб берсагина, унинг сўзига ишонишини ва у тарғиб қилган динга киришини айтишади. Мўъжиза улар кутганидек кўз ўнгида содир бўлади. Энди улар ғойибдан юборилган бу махлуқот билан қудук сувини бўлишиб ичишга тўғри келади. Кунларнинг бирида Абира номли қуртқа қабиланинг энг бой, энг олди йигитларига шароб ичириб, туяни ўлдиришни буюради. Эвазига эса икки йигитга икки гўзал қизини беришини ваъда қилади. Шартга кўра йигитлар туяни ўлдириб, гўзал қизлар висолига етишади. Аммо бутун қабила уларнинг хатоси туфайли офатга учраб йўқ бўлиб кетади. Ҳикоятда кампир образи ўта кучли макр эгаси, ҳар қандай одамни йўлдан урувчи, жамиятда разолат, қабохат уруғини сочувчи шахс сифатида салбий қиёфада тасвирланган.

¹ Носириддин Рабгузий «Қисаси Рабгузий» 1-к, 1990, 88-бет

«Қисас ар-Рабғузий» асари диний моҳиятдаги воқеа-ҳодисаларга фольклор анъаналари йўғрилган ёдгорлик бўлганлиги туфайли қиссаларда ҳақ динига қарши чиққан қуртқа образи тасвирланади. Қиссада берилишича, Намруд Иброҳим (а.с)ни ўтда ёндирмокчи бўлганида бир талай қуртқа шохни хурсанд қилиш учун ип йигириб, бозорда сотиб, унинг пулига Иброҳим (а.с)ни куйдириш учун ўтин олишадди¹. Қуртқаларнинг бу хатти-ҳаракати ота уруғи даврида аёлларнинг мавқеи тушиб бораётган бир пайтда ўз ўрнини сақлаш мақсадида ишлатган найранглари-ни эслатади. Пайғамбарларнинг эзгулик динини ёйишида кампир образининг ташвиқот душмани сифатидаги тасвири Сулаймон (а.с) ҳақидаги қиссада ҳам ўз аксини топган. Ҳикоятда кетирилишича, Сулаймон (а.с)нинг хотини Куна яширинча отасининг суратини чиздириб унга топинар эди. Мусулмонларнинг ийд байрами куни иблис кампир суратида Кунанинг олдига келиб отасининг сурати шарафига қурбонлик қилишини ва бундан отаси хурсанд бўлажагини уқтиради. Куна ҳам бу сўзга мувофиқ иш тутиб, бир чигирткани қурбонлик қилади².

Ислом таълимотига кўра инсон суратига сажда қилиш, сурат шарафига қурбонлик келтириш, турли хайкалларга ибодат қилиш, улардан мадад сўраш қаттиқ қораланган. Чунки сажда қилиш, ибодат қилиш фақат Аллоҳ учун бўлиб, бу ислом таълимотининг бош ғояси ҳисобланади. Қадимда (хаттоки ҳозирги кунда ҳам) дунё халқларининг баъзи вакил-

1 Носириддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий» 1-к, 1990, 64-бет.

2 Носириддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий» 2-к, 1990, 42-бет.

лари бут-санамларга ибодат қилишган. Халқнинг бир неча асрлик ақидаларидан воз кечиш ва унинг ўрнида янги таълимотни ўзлаштириш кўпчиликка малол келган ва улар бундай таълимотнинг киришида тиш-тирноғи билан қарши чиқишган. Ҳикоятдаги кампир образи эса пайғамбарлар фаолиятига тўсқинлик қилувчи, инсонлар орасида фисқу-фасодни ёйувчи, жамиятни зимдан емирувчи хавфли душман сифатида ёзувчи ижодий ғоясини очиб беришда хизмат қилган.

Инсон онги шаклланиб, дунёни илмий билишга бўлган эҳтиёжи ортган сайин одамлар онгидаги ғайритабiiй образлар хиралашиб, унинг ўрнида реал ҳаётiiйликка асосланган образлар эгаллай бошлади. Таснифимиздаги учинчи турда кампир образининг бадий кiiёфаси ўзгаради. Бу тур ҳикоятларда кампирлар на ҳомiiй, на ҳар қандай ишда ёмонлик, разолат, қабоҳат уруғини сочувчи ёвуз жодугар эмас, аксинча барча инсонлар билан бир хил феъл-атворга эга, улар орасида яшовчи, баъзан гуноҳ қилиб афсус чекувчи, баъзан зулм кўриб пинҳон йиғловчи, баъзан эса олдига кўйган максади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган инсонлардан деярли фарқ қилмайдиган мураккаб образ сифатида гавдаланади. Бу турга қиссадаги Миср шоҳининг заҳарланмоқчи бўлганлиги ҳақидаги ҳикоятни киритиш мумкин. Унга кўра Рум шоҳи Миср юртига элчи юбориб, унга хирож тўлашини ҳамда номига пул зарб қилишини буюради. Бироқ Миср шоҳи бу таклифни қатъiiй рад этади. Шунда Рум шоҳи Мисрга махфiiй айғоқчи юбориб, шоҳни ўлдирадиган одам топишини

буюради. Айғоқчи Мисрга келиб бир кампирникида меҳмон бўлади. Сухбат асносида кампир подшодан норозилигини билдиргач, айғоқчи унга беҳисоб мол-давлат эвазига подшоҳни ўлдиришни таклиф этади. Кампир бу таклифга бажону дил рози бўлади ва ўзи билан она-бола тутинган шоҳнинг нонвой ҳамда шаробчисини хузурига чакиртириб, уларга подшони ўлдиришни буюради. Бироз вақт ўтгандан сўнг кампир агар шоҳ ўлса, ўзга давлат подшоҳи келиб барчани қиличдан ўтказишини, шаҳарда хунрезликлар кучайишини, бутун юрт аҳли хонавайрон бўлишини кўз ўнгига келтириб, бўлган воқеадан шоҳни бохабар этади¹. Эътибор қилинса, хикоятда кампир ҳам ижобий, ҳам салбий қиёфани тажассум эттирган мураккаб образ сифатида қиссадан ўрин олган. Дастлаб кампирнинг подшога бўлган шахсий хусумати туфайли қасд олмоқчи бўлиши уни салбий персонаж сифатида танитса, шоҳнинг ўлими туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаганда нақадар оғир гуноҳга йўл қўйганлигини фаҳмлаган ва тезда гуноҳини ювишга ҳаракат қилган ижобий образ сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Демак, юқорида таҳлил қилинган кампир образи ҳам ижобий, ҳам салбий қиёфадаги мураккаб образ бўлиб, бажарадиган функциясига кўра инсон табиатига яқин туради. Умуман олганда, иккинчи тур хикоятларида бу образ жамиятни маиший бузуқликка ундовчи, эрнинг хотинига, хотиннинг эрига хиёнат қилишида восита бўлувчи, инсонларни ҳақ йўлдан адаштирувчи қо-

1 Носириддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий» 1-к, 1990, 134-бет.

тил, айёр, шум кампир қиёфасида намоён бўлади. Унинг бу каби хусусиятлари она уруғчилиги даври тугагандан кейинги халқ тасавуридаги ялмоғиз кампирнинг салбий хусусиятларини эслатади. Ҳаттоки, бу кўпгина оғзаки ва ёзма ижод намуналарида, масалан, «Алпомиш», «Фарҳод ва Ширин» каби дostonларда ҳам ўз ифодасини топган.

Қиссадаги бошқа ҳикоятларда кампир образи бунинг акси ўлароқ янги қиёфа касб этади. Яъни унда бу образ йўлбошловчи, турли муаммоларни бир зумда хал қилувчи, қатъиятли кампир эмас, аксинча меҳрибон, оккўнгил, фалак зулмидан озор чеккан бечора қиёфасида тасвирланади. Ҳикоятда келтирилишича, Яъқуб (а.с) жаҳл устида чўриси Мубашширанинг ўғли Баширни кул сифатида сотиб юборади. Ўғлининг кўйида адо бўлган кампирнинг кўзлари бўтов бўлиб, қарвон ўтадиган йўл устида ўғлини бир неча йил кутади ва ниҳоят она ва ўғил дийдорлашади. Шунга ўхшаш иккинчи ҳикоятда ҳам кунларнинг бирида Исо (а.с)нинг олдига бир кампир келиб, ўғли ўлганлигини, ўзининг эса невараларини боқишга қурби етмаётганлигидан нолийди¹. Ҳар икки ҳикоятда ҳам кампир образи салбий хусусиятлардан буткул йироқ бўлиб, юрак-бағри эзилган меҳрибон она қиёфасида гавдаланади. Кампирнинг шикаста қиёфаси инсон онги, дунёни билишдаги илмий қарашлари ўсиши натижасида тараққий топган маданийлашган инсонларга яқинлаштирилган, улар билан яшаш тарзи, феъл-атвориға кўра ўхшаш эквивалентидир. Бунда энди ҳикоятдаги қуртқа ҳар

¹ Носириддин Рабгузий «Қисаси Рабгузий» 2-к, 1990, 85-бет

кандай разил, манфур ишларни дўндирадиган шум кампир қиёфасида эмас, аксинча, фалак зулмидан жафо чеккан муштипар кўринишда кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Мусо (а.с) ҳақидаги ҳикоятда келтирилишича, ўта камбағал, содда, ҳалол кампир ўғлига тоғда отаси бокқан ўзига хос белгили сигирни олиб келишни буюради. Ўғли тоғдан сигирни олиб келиб, онаси билан бамаслаҳат иш кўрганлиги туфайли, уни юқори баҳога сотишиб камбағалликдан кутулишади¹. Берилган ҳикоят қисса сюжетига унчалик алоқадор эмас. Бирок у Мусо (а.с)нинг пайғамбар сифатидаги кароматини мўъжизали ва образли, ёрқин кўрсатишда восита бўлиб хизмат қилади. Чунки у айнан кампирнинг сигири туфайли ўликни тиргизиб, қотиллик сирини очади ва кўпчиликнинг иймон келтиришига эришади. Ҳикоятдаги кампир ҳалол, пок, шунингдек, тадбиркор ва оқила. Буни кампирнинг ўғлига айтган панд-насихатлари мисолида кўриш мумкин. У ўғлини тарбиянинг олий кўринишида тарбиялай олган донишманд аёл. Шу сабабли ҳам фаришталар унга мададкор ва кўмакчи. Юқорида берилган уч ҳикоятда кампир образи нисбатан кейинги даврда шаклланиб, оқила, ҳалол, бошига мушкул синовлар тушганда сабрли ва матонатли, шу билан бирга тадбиркор ва доно аёл сифатида намоён бўлади.

Қуйидаги ҳикоятда кампир образининг бадий қирраларини янада ёрқинлаштирувчи бошқа бир хусусияти ўз ифодасини топган. Қиссада берилишича,

¹ Носириддин Рабғузӣй «Қисаси Рабғузӣй» 2-к, 1991, 18-бет

Мусо (а.с) Фиръавн халқига офат дуосини қилишдан олдин у ердан Юсуф (а.с)нинг суяқларини олиб кетмоқи бўлади. Чунки бало теккан ерда пайғамбарнинг суяқлари ётишини истамайди. Унинг суягини топишни халойиққа буюрганида бир қуртқа: «Ман билурман..... Бир хожатим бор раво қилмагунча аймасман». Мусо айди: «Хожатинг не турур? Айди: Хожатим ул турурким, ужмоҳ ичинда сенинг бирла бўлам. Мусо қабул қилди»¹. Эътибор қилинг, қуртқа гарчанд Мусо (а.с)нинг тарафдорларидан бўлиб, унинг билан диндош бўлса-да, Мусо (а.с)га шарт кўяди. Яъни унинг қахрамонга яхшилик қилиши учун қахрамон ҳам унинг шартини бажариши лозим. Бу ҳолатни халқ оғзаки ижодида кенг учрайдиган шарт мотивини эслатиб, ялмоғизнинг бош қахрамонга ёрдам бериши учун ўзи учун азиз бўлган бошқа бир нарсани тортиб олиши ёки борса келмас тарафларга юбориб дев, аждар чангалидаги сеҳрланган малика, ёхуд бирор тилсимли нарса-буюмни олиб келишни буюрганлиги каби мотивларда кўриш мумкин. Бу каби шартларнинг бош қахрамонга қуртқа томонидан кўйилиши унинг ялмоғизнинг бадийий функциясини тадрижий сақлаб қолганлигини кўрсатади. Кейинги ҳикоятда айтилишича, Ҳизр ва Илс (а.с) бир кампирникида меҳмон бўлади. Кампир уларга уйнинг тўридан жой беради. Меҳмонлар қуртқадан таом тилайдилар. Кампир эса уларга таом беролмаслигини, ҳозир юртда қаҳатчилик ҳукм сураётганлигини, ҳатто шоҳ қасрида ҳам етти кундан буён қозон қайнамаётганлигини, агар қуртқа бирор егулик пи-

¹ Носириддин Рабгузий «Қисаси Рабгузий» 1-к, 1990, 174-бет

ширса, ҳиди ҳамма ёққа таралиб, халойиқ бу ерда тўпланишини айтади. Пайғамбарлар каромати билан эскириб қолган таом уларнинг қўлида бир зумда оқ хамирга айланиб кампирга таом пиширишини буюради¹. Эътибор қилинса, иккинчи ҳикоятда ҳам қуртқа ва пайғамбар билан боғлиқ ҳикоят берилган. Иккала ҳикоятда ҳам кампирлар пайғамбарларга ёрдам беришади. Ҳар икки ҳикоятда ҳам шарт мотиви мавжуд. Бироқ уларнинг бир-биридан фарқли жиҳати шундаки, биринчи ҳикоятдаги кампир пайғамбарга яхшилик қилиш эвазига боқий ҳаёт фаровонлигини, яъни пайғамбар билан мангу дийдорни тилади. Иккинчи ҳикоятда кампир пайғамбарга яхшилик қилиб, моддий ҳаётдаги тинч-фароғатни истайди. Биз буни кампирнинг «Тутун чикса эл йиғилур, камуғин ёюрлар» дея айтган жавобида кўрамиз. Кампир гарчанд меҳмонларни ўйласа-да, одамлар овқат тополмай юрганда унинг қозонида овқат қайнашидан истиҳола қилади. Такқосланса, иккинчи ҳикоятдаги кампир образи биринчи ҳикоятдаги кампир образига нисбатан соддарок, дунёвий қараш ва тушунчаларга эга образ экан. Ижодкор қиссада пайғамбарлар фаолияти воситасида қуртқа-кампир образининг келиб чиқиши, шакл-шамойили, жамиятда тутган ўрни, бош қаҳрамонга муносабати каби муаммоларни очиб беришни бош планда кўяди. Қиссадаги кампир образи бадиий функциясига кўра ялмоғизнинг кейинги вакиллари ҳисобланган шум кампирларни эслатади ва асарда турли эстетик функцияларни бажаради.

1 Носириддин Рабғузӣй «Қисаси Рабғузӣй» 2-к, 1991, 69-бет

Демак, Носириддин Рабғузий қиссада кампир образига мурожаат қилишда оғзаки ижод намуналарига жиддий эътибор қаратган. Ҳар бир эртакда тасвирланган кампир образининг бадиий қиёфасига ҳам ижодий, ҳам илмий асосда ёндашган. Бу образ кўпчилик пайғамбарлар ҳақидаги қиссаларда учраб, турли функцияларни бажарган. Шунга кўра қиссада тасвирланган кампир образи таҳлил қилиниб, қатнашиш даражасига кўра қуйидаги турларга бўлинди:

1. Воқеа ривожига таъсир килувчи асосий образ;
2. Сюжет воқеаларини тўлдируви образ;
3. Воқеа ривожига таъсир қилмайдиган эпизодик образ.

«Қисас ар-Рабғузий» асарида тасвирланган кампир образининг асарда қатнашиш даражасига кўра турларга бўлинишида асос бор. Чунки қиссада кампир образининг бош қаҳрамонга нечоғлик бадиий алоқасини аниқлаш таҳлилимизнинг бош мезонларидандир. Шунингдек, бу таҳлил кампир образининг XIII-XIV асрда оғзаки ижод намуналарида ишлатилганлик даражаси, бадиий қиёфаси ҳақида илмий хулоса чиқаришда ёрдам беради. Масалан, Зулайхога «ёрдам берган» энага кампир ҳақидаги ҳикоят сюжетни ривожлантиришда, воқеани кульминацион нуктага етказишда, қиссанинг эмоционал бўёқдорлигини оширишда хизмат қилади. Айнан ана шу воқеадан сўнг Юсуф (а.с) етти йил зиндонда қолиб, бош қаҳрамоннинг келажакда юқори чўққиларга эришишида восита бўлади

Довуд (а.с)га тўғри йўл кўрсатган кампир образи ҳам пайғамбарнинг ҳар томонлама етук ва ибратли

шахс сифатидаги қирраларини очишда восита бўлади. Одилликда тенги йўқ кампир билан бўлган суҳбатдан сўнг Довуд (а.с)нинг кўнгил ойнаси янада ёрқинлашиб, ўзи учун темирчилик хунарини ўрганади. Бу ўринда ёзувчи Довуд (а.с) тимсолида халқнинг азалий орзуси ҳисобланган одил шоҳ ҳақидаги қарашларни акс эттирган. Юқорида берилган ҳикоятларнинг биринчисида кампир образининг салбий қиёфаси тасвирланса, иккинчи ҳикоятда бу образ ижобий қиёфада акс этади. Бироқ бу образларнинг ўхшаш томони шундаки, улар бош қаҳрамоннинг ҳаётида жиддий бурилиш ясаб, қаҳрамон шу образ туфайли моддий, маънавий ва руҳий етукликка эришади. Халқ олдида ҳам, Ҳақ олдида ҳам юзи ёруғ бўлади. Демак, ҳикоятлардаги кампир образи хоҳ у салбий, хоҳ у ижобий образ бўлсин, бош қаҳрамоннинг маънавий юксалишида, комиллик даражасида етишишида асосий сабабчи бўлиб хизмат қилган.

Қиссада кампир образи кўпинча бош қаҳрамоннинг пайғамбарлик нишонаси, сифати, мўъжизаларини ёрқин тасвирлашда ёрдамчи образ вазифасини бажарди. Масалан, Райён Маликнинг заҳарланиши ҳақидаги ҳикоят юзаки қараганда Юсуф (а.с)га ҳеч қандай алоқаси йўқдек гўё. Бироқ кампир туфайли зиндонга тушган нонвой ва шаробчининг кўрган тушини тўғри талқин қилганлиги сабаб Юсуф (а.с) буюк туш таъбирчиси сифатида шоҳ назарига тушади ҳамда зиндондан озод бўлиб, Миср элининг назарига тушишида ёрдамчи детал вазифасини бажаради. Шунингдек, Сулаймон (а.с)ни ишлаб пул топишга мажбур қилган кампир образини эслай-

лик. Айнан шу кампирнинг қистови остида Сулаймон (а.с) балиқчиликни ўрганишга мажбур бўлади. Ўзига тегишли мулкни қайтариб олишида ҳам бу касб ас котади. Шу сабаб бўлса керак Аллоҳ Таоло узугини балиқ орқали қайтаради. Оқибатда тутган балиғининг ичини ёрганда мўъжизали узугига эга бўлади. Бу ҳикоятда ҳам кампир бағритош, мурдор бўлса-да, Сулаймон (а.с)нинг мўъжизали узугини кўлга киритишда асосий восита ва сабабчи бўлиб хизмат қилган.

Учинчи турга кирувчи кампир образи воқеалар ривожига таъсир қилмайди. Бош қахрамоннинг сифат ва хусусиятларини ёрқинроқ тасвирлашда хизмат қилмайди. Улар қиссанинг маълум бир ўрнидагина келтирилиб, бадий қиёфаси, бажарадиган функцияси қиссада деярли сезилмайди. Масалан, «Закариё 300 яшамиш эрди. Ҳазратиндин не қўлдум эрса бердинг. Эмди қўйнулмадаги ўғул-қиз туғмаган куртқадин манга бир ўғул бергил»¹. Ҳикоятда Закариё (а.с)нинг фарзанд туғмаган хотинидан ўғил беришини сўраб қилган илтижоси тасвирланган кичик лавҳада куртқа термини фақат шу ўринда ишлатилиб, биз фақат кампирнинг дунёда фарзандсиз ўтганлиги ҳақидагина тасаввурга эга бўламиз. Унинг бадий образ сифатидаги ўзига хос хусусияти қиссада бажарган вазифаси очиклигича қолади.

Хулоса қилиб айтганда, оғзаки ижод намуналаридан ёзма адабиётга кўчган бу образ ёзувчининг олдига қўйган мақсадини ёритишда, бош қахрамоннинг ўзига хос хусусияти, феъл-атвори, пайғамбар

¹ Носириддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий»2-к, 1990, 80-бет

сифатидаги белгиларини аниқлашда, XIII-XIV асрда оғзаки ижод намуналарида кампир образига муносабат қай даражада эканлигини кўрсатишда ва илмий хулоса чиқаришда ёрдам беради. Ёзувчининг бу образга мурожаат қилиши қиссанинг эмоционал бўёқдорлигини ошириб, хикоятларни эртақларга яқинлаштирган. Айниқса, қуртқа образининг бадий қиёфаси, унинг бажарган ишлари, характер-хусусиятлари мисолида бош қаҳрамоннинг комиллик даражасида тарбияланади. Шунингдек, қиссадаги қуртқа образи шу хусусиятига кўра уларнинг оғзаки ижоддаги ялмоғиз образининг кейинги вакиллари бўлмиш жодугар, шум кампир, мастон кампирларга хос белгиларни ўзида сақлаганлиги билан ажралиб туради.

Умуман олганда, «Қисас ар-Рабғузий» асари анбиёлар тарихи ҳақидаги бадий асар бўлиш билан бирга, халқнинг ўтмишини, дунёқарашини ўзида акс эттирган ўзбек бадий насрининг нодир намунаси ҳисобланади. Унда баъзи пайғамбарлар ҳаёти мисолида келтирилган олам ва одам ҳақидаги илк мифик тасаввурлар ҳамда дostonларга хос лавҳалардан фойдаланиб яратилган бадий тасвирлар кишига оламжаҳон эстетик завқ бағишлаш жиҳатдан алоҳида бадий қимматга эга. Бунда қисса ва хикоятлар бадий тўқимасида истифода этилган кўплаб оғзаки ижодга хос лавҳалар, ранг-баранг тимсоллар, манзара ва персонажларнинг ташқи кўриниши тасвирлари муҳим бир омил бўлган. Демак, ёзувчи ўз асарида халқ оғзаки ижодига хос ранг-баранг тимсоллардан баҳраманд бўлган, файз топган. Уларни

қиссада қўллаб, бадийи жихатдан пухта ишланган, ўқувчига эстетик завқ бера оладиган, китобхонларнинг ақлан ва маънан етук инсон бўлиб тарбия топишига хизмат қилувчи гўзал ҳикоятлар яратган. Шарқ халқлари оғзаки ижодидаги ранг баранг анъанавий образлар Рабғузий учун бир бадийи восита, поэтик детал, лавҳалар асар бадийи сеҳрини янада оширишга хизмат қилган.

2.2. «Қисас ар-Рабғузий» тузилиши ва сюжетида анъанавий мотивлар

Классик насримиз устаси Носириддин Рабғузий “Қисас ар-Рабғузий” асари билан адабиётимиз тарихида бадиий насрнинг илк ва нодир намунасини яратиб, шу жанрга асос солди. Бу асар тузилиши жиҳатидан ҳам, мазмуни, ғоявий йўналиши, образлар тизими, бадиий нафосати, турли адабий жанрлар, поэтик унсурларнинг қоришиб келиши нуктаи назаридан ҳам ўзига хос манбадир. Айниқса, пайғамбарлар тарихи мисолида келтирилган ибратли бадиий лавҳаларни ёзувчининг ахлоқий маърифий қарашлари бирлаштириши натижасида асар китобхонлар орасида тез шухрат қозонди. Унда бадиий ифодаланган диний ахлоқий ва ижтимоий фалсафий, маърифий маданий, ирфоний ғоялар умуминсоний моҳиятга эгаллиги билан алоҳида эътиборга молик. Бу борада ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутувчи воқеа ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий илдизлари, сюжет қурилиши ва мотивлари, образлар таркиби каби масалалар ўқувчини ҳам қизиқтиради, ҳам ўйга толдиради.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида, ёзма адабиётда ҳамда диний манбаларда туш кўриш билан боғлиқ мотивлар кенг тарқалган. «Туш шунчаки тасоdffий ҳодиса бўлмай, инсон руҳиятининг бир кўриниши, онг ости кечинмаларининг ўзига хос намоишидир. Тафаккуримизга куч қувват бериб турувчи онг ости кечинмаларини ўрганиш, руҳиятнинг турли товланишларини билиш адабиётшунослик учун ҳам, жамият тараққиёти учун ҳам муҳим.

Тушни ўрганиш орқали халқимизнинг рухий дунёси, маънавияти, тарихи, тафаккур тарзини тегинроқ англаб етамиз»¹. «Табиатдаги ҳар қандай нарса ва ҳодисаларнинг такомилидаги каби туш мотиви ҳам маълум бир босқичларни босиб ўтади. Бу босқичлар бир томони, табиий-ижтимоий ҳаёт билан боғланса, иккинчи томони, айнан шу жараённинг санъатдаги поэтик ифодаси билан боғланади»². «Ёзма адабиёт дурдоналарида туш воситасида кўпроқ юз бериши кутилган ижтимоий турмуш воқеликлари ҳақида башорат ифода этилади. Асар сюжети тушда баён этилган воқеликка мувофиқ ривожлантирилади. Тушдаги рамзнинг моҳияти асардаги воқеалар ривожи давомида аста-секин очиб борилади»³. Кўпчилик эртақ ва дostonларда воқеаларни ривожлантириш, қаҳрамоннинг саргузаштлари ибтидоси сифатида туш лавҳаси муайян вазифани бажаради. Туш тасвири асосан воқеаларнинг ривожланишида туртки бўлади ва бош қаҳрамон тушдаги белги, ишора асосида узоқ ва машаққатли йўлга чиқиб, сафар асносида маънавий комилликка эришиб, жисмонан тобланади. Туш тасвири одатда асар бошида келиб, нуруний чол, азиз-авлиёлар, марҳум қариндош, пирлар, чилтонлар, рамзий белгиларга асосланган турли манзаралар қаҳрамоннинг тушига кириб, йўл-йўриқ кўрса-

1 Эшонқулов Ж. Туш ва унинг ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2001- 2-сон. 59-б.

2 Ҳайдаров Т. Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1986-4-сон (38). 55-б.

3 Истамова Ш. Бадий асарда туш рамзлари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2010- 4-сон. 67-б.

тади ва шундан сўнг бош қахрамон ҳаётида кескин ўзгаришлар рўй беради. Аниқроқ қилиб айтганда, бош қахрамоннинг саргузаштлари кўп ҳолларда туш кўришдан бошланади.

«Қисас ар-Рабғузий» асарини ўрганиш жараёнида Шарқ халқлари оғзаки ва ёзув адабиётида шаклланган шу услубдан бир неча ўринда фойдаланилгани маълум бўлди. Чунки илоҳий-маърифий ғояларни тарғиб қилувчи асарларда туш тасвири етакчи лавҳалардан бири ҳисобланади. Туш тасвири қисса сюжетининг асосий негизи бўлиб, воқеалар ривожини таъминлашда, Юсуф (а.с)нинг пайғамбар сифатидаги феъл-атвори, табиати ва ўзига хос хусусиятларини очиб беришда ўзгача бадий қимматга эга. Адибнинг ўзи буни шундай изоҳлайди: "... Бу қиссанинг аввали туш, ўртаси туш, охири туш эрди. Анинг учун "Аҳсан ул-қасас" теди"¹. Ҳақиқатда ҳам, мазкур қиссада жами ўн битта туш тасвири берилган бўлиб, улар қолипловчи ва қолипланувчилик хусуси²га эга.

«Туш ва унинг таъбири ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам доимо диалектик бирликдир»². Шу сабаб ҳам улар қисса таркибида алоҳида бадий қимматга эга ва унинг тузилишида бир бутунликни таъминлаган узв вазифасини бажаради. Шунингдек, бу тушларнинг ҳар бири ўзича ҳикоя ичидаги мустақил ҳикоядир. Демак, туркий халқлар адабиётида туркум сюжетли асарлар ҳам Рабғузий ижоди билан бошланар экан. Филология фанлари номзоди Х. Сафаро-

1 Ўша асар. 1-т. 100-бет.

2 Эшонкулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини: Филология фанлари доктори...дис.автореф. –Тошкент, 2010. 16-б.

ва “Қиссаи Юсуф алайҳис салом”даги тушларнинг мазмун-моҳиятига кўра тўрт гуруҳга бўлади:

1. Башорат қилувчи тушлар;
2. Огоҳлантирувчи тушлар;
3. Хабар берувчи тушлар;
4. Инсон тақдиридан башорат қилувчи тушлар¹.

Тушларнинг бу тартибда таснифланишига қисман қўшилаемиз. Бизнингча, *башорат қилувчи тушлар* билан *инсон тақдиридан башорат қилувчи тушларни* иккига ажратиш шарт эмас. Чунки улар маъно – моҳиятига кўра бир-бирига жуда яқин. Шунинг учун биз тушларни моҳиятига кўра учга бўлишни мақсадга мувофиқ деб билаемиз:

1. Башорат қилувчи тушлар;
2. Огоҳлантирувчи тушлар;
3. Хабар берувчи тушлар.

Тушларнинг бу туркумга бўлиниши халқ оғзаки ижоди ҳамда диний манбаларда кўплаб учрайди. Эртас, дoston ва қиссаларда воқеалар ривожини айнан мана шу туш тасвири билан бошланади. Биргина “Қиссаи Юсуф алайҳис салом” фикримизнинг яққол далили бўла олади. Тушлар инсонни келажакда нималар кутаётганлигидан огоҳлантирса-да (улар қандай моҳиятга эга бўлмасин), уни ўзгартиришнинг иложи йўқ. Шунингдек, яхшилик ва ёмонликни ифодалаш моҳиятига қараб тушлар хосиятли ёки хосиятсиз турларга бўлинади. Носириддин Рабғузий қиссада “халқнинг туш-инсон тақдири ва келажакни тўғрисида сирли хабар ва ишоралар эканлигини уларни ўзгартириш ҳеч

1 Сафарова Х.А. Рабғузийнинг Қиссаи Юсуф сиддик алайҳис салом: Филология фанлари номзоди дис.автореф. –Тошкент, 2001. 28-б.

кимнинг кўлидан келмаслигини”¹ ўзига хос равишда бадий акс эттирган. Масалан, Юсуф (а.с)га пайғамбарлик мақоми берилишидан аввал у туш кўради ва келажакда қандай даражага эришиши тушида аён бўлади: “Етти ёшида эрса бир тунда туш кўрди иничилари бирла таёғларин ёзида тикдилар, камуғлари кўкарди, аммо узамади. Юсуф таёғи чечакланди, илк қат кўкка теги узади. Тақи азин таёқлар узагулига қилди. Баъзилар аймишлар, иничиларининг таёқлари Юсуф таёқинга сажда қилдилар”². Мазкур туш тасвирини ёзувчи асосий воқеаларнинг бошланишига дебоча сифатида келтиради ва у бутун қиссанинг маъно-мазмунини ўзида мужассамлаштиради.

Ёзувчи шу ўринда яна бир туш вариантыни беради: “Иккинчи кеча яна туш кўрди ўн бир юлдуз, кун ой бирла иниб Юсуфга сажда қилурлар”³. Қуръони Каримнинг Алоуддин Мансур томонидан ёзилган изоҳига кўра Юсуф (а.с) бу тушни кўрганда ўн икки ёшда эди. Тушдаги қуёш билан ой унинг ота-онаси, ўн бир юлдуз эса оға инилари эди⁴. Биринчи туш лавҳасига қўшимча тарзда берилган иккинчи туш тасвирида ҳам Юсуф (а.с)га пайғамбарлик мақоми берилиши тўғрисида башорат қилинган. «Башорат тушлар ўта сезувчан кечинмалар ҳосиласи бўлиб, буни одам бирдан англаб олиши қийин бўлади, ақл бу сезувчан ҳисларни ўз мантиғига суяниб қабул қилолмайди. Уйку пайтида эса бу кечинмалар

1 Ҳайдаров Т. Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1986- 4-сон (38). 8-б.

2 Ўша асар. 1-т. 102-б.

3 Ўша асар. 1-т. 102-б.

4 <http://www.muslimuzbek.narod.ru/books/quran-uzbek.eyc>

туш сифатида келажакни ўзида намоён қилади, яъни у объект ҳақидаги таассуротларни тезлик билан ишлаб чиқиб, ўзидаги маълум ахборот билан қиёслаб, оқибатнинг қандай бўлиши тўғрисида ҳулоса беради. Ва кўпинча биз бу тушларни «каромат» ёки «башорат» тушлар деб атаёмиз»¹. Бундай характердаги тушлар асосан воқеа аввалида келиб сюжетнинг асосий бўғинлари: тугун, кулминация, ечимлар ушбу мотив билан чамбарчас боғланган ҳолда воқеъ бўлади ва “бошқа мотивларни ҳам ўзи билан бирга етаклаб келади”². Самарқанд нашрида берилган туш тасвирида ҳам шунга ўхшаш туш лавҳаси мавжуд. Уни котиб матнни кўчириш жараёнида қисса мазмуни ва кўламини кенгайтириб, бойитиш мақсадида келтирган ёки у кўчирган нусхада шундай берилган. Ҳақиқатда ҳам, баъзи тушлар келажакда содир бўлувчи воқеа-ҳодисалар ҳақида (у қандай натижаларга олиб келишидан қатъий назар) маълум бир белги, ишора, рамзлар орқали хабар беради. Айнан шунинг учун ҳам кўпчилик ижодкорларнинг асарларида туш мотиви воқеалар тақдирини белгиловчи ифода сифатида муҳим ўрин тутаети. Самарқанд нашридаги Юсуф (а.с) қиссасида Зулайҳо кўрган туш “Ҳикоятда андоғ келтурубдурларки” зачини билан бошланган. “... етти ёшида Зулайҳо туш кўрди. Тушида Юсуф (а.с)ни ҳусни жамол, сарпо тож била бу қисмда кўруб жони дил бирла ошиқи шайдо бўлиб андоғ бўлдики, чидолмай эгнини йир-

1 Эшонқулов Ж Туш ва талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998- 2-сон. 41-б.

2 Эшонқулов Ж. Ўзбек халқ достонларида туш мотивининг ўрни ва тавсифи//Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2003- 6-сон. 21-б.

тиб, баданини тишлаб олур эрди”¹. “Унинг бу ҳолати халқ ижодида кўпинча севишган қахрамонлар хайрли, лекин ўзларининг келгуси ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлувчи туш кўриш эпизодини эслатади”². Эътибор қилинса, Зулайҳо Юсуфнинг умр йўлдоши бўлишидан башорат берувчи бу туш тасвирини дастлаб етти ёшда кўрган. Юсуф (а.с) ҳам пайғамбар бўлишидан дарак берувчи тушни дастлаб етти ёшда кўради. (Қуръони Каримда ўн икки ёш деб келтирилган.) Бу тушлар воқеа асосини ташкил этувчи таянч-ўзак вазифасини бажариб, халқ оғзаки ижоди намуналарида учрайдиган одатӣ деталлардан биридир. Эртақ ва дostonларда кўпинча қахрамонлар бўлажак ёрини тушида танийди. Гўзалликда танҳо парирўй қиз манзили маконини айтиб, кўздан ғойиб бўлади, паҳлавон йигит эса шу онда уйқудан уйғониб, севгилисини излашга киришади. Юсуф (а.с) қиссасида эса бу анъанавий мотивни ёзувчи ўзгача талқин қилган. Яъни, маъшуқага хос гўзал сифатлар, манзилни айтиш ҳолати Юсуф (а.с) образига кўчирилган. Туш воқеаси Зулайҳо тақдирида туб бурилиш ясади. Юсуф (а.с)ни тушида кўрган Зулайҳо шу ондан оромини йўқотиб, севгилисининг ҳаёли билан яшай бошлади. Унинг кўйида оташ бўлиб ёниб, чидолмай ўзини ўзи азоблади. Асли Яман шоҳи (“Абдурахмон Жомий талқинида Мағриб подшоҳи Таймус”³)нинг ёлғиз қизи,

1 Ўша нашр. 205-б.

2 Расулев. Х. “Тул ва Наврўз” дostonида фольклор сюжет ва композицияси// Адабий мерос. -Тошкент, 1976- 4-сон. 104-б.

3 Жомий А. Юсуф ва Зулайҳо. -Тошкент: Ўзбекистон КП МК, 1983. 16-б.

гўзаллиги, доно, камтарин ва ҳаёлилиги билан ўз мамлакатига манзур бўлмиш Зулайҳонинг бундай дарди-бедавога чалиниши нафақат ота-онаси, балки бутун халқни, дунё ҳақимларини ташвишга солади. Орадан бир йил ўтиб Зулайҳо яна Юсуф (а.с)ни тушида кўради ва шунда: “Сўрдиким: сизни изласам қайдан топарман? Юсуф (а.с): Мисрда Азизи Миср уйида топарсан - дедилар ғойиб бўлдилар. Зулайҳо уйғониб боқса туши экан”¹. Бу ҳикоятда эртак ва дostonлардаги анъанавий туш тасвиридан фарқли ўлароқ туш лавҳасидан икки ҳолатда фойдаланилган. Биринчи туш тасвирида кўйилган муаммо, ноаниқ тасвир иккинчи туш лавҳасида аниқлашади. Яъни Зулайҳо Юсуфни қаердан топиш мумкинлигини иккинчи марта кўрган тушидан билиб олади ва бор дардини онасига айтади. Ота-онаси ўзаро маслаҳатлашиб, Миср Азизига совчи юбориб, ундан қизини хотинликка олишни сўрайди. Миср Азизи Зулайҳони жони дил билан қабул қилади. Узок юртдан тўй-томоша қилиб олиб келинган Зулайҳо куёв Юсуф (а.с) эмаслигини билгач, дардини ичига ютиб сабр билан яшайди. Ниҳоят узок изтиробли йиллардан сўнг Зулайҳо Юсуфни кул бозорда худди тушидаги ҳолатда, қиёфада кўрди. Кўрди-ю, эски дарди янгиланиб, қалбадаги муҳаббати қайтадан аланга олди. “Тақдири азалнинг амалга ошуви бевосита инсон хатти – ҳаракати ва интилишлари-га боғлиқлиги ҳақидаги ушбу қарашлар халқимизнинг туш ҳодисаси билан боғлиқ сакрал тасаввурларнинг мукамал тизимга эга эканлигини яна бир

1 Ўша нашр. 205-6

бор исбот этади”¹. Аслида Юсуф (а.с)нинг акалари томонидан кудукқа ташланиб, сўнг қул қилиб сотилиши воқеалар ривожига ўтиш учун бир восита бўлган. Бир-бири учун яратилган канъонлик Юсуф (а.с) ҳамда яманлик Зулайҳо Миср элида топишиши ва шу топдан маъшуқа Юсуф (а.с)га бўлган севгиси туфайли ҳам ақлини, ҳам ўзлигини, ҳам маънавий қиёфасини йўқотди.

Ҳикоятда етакчи восита бўлмиш туш тасвири бош қаҳрамонни ҳаракатлантирувчи, воқеаларни бир-бирига бирлаштириб, ривожлантирувчи деталь вазифасини бажарган. Маъшуқа қиссада шу чизик бўйича ҳаракатланади ва охир оқибат муродига етади. Шунингдек, қисса бошида “бу қиссанинг аввали туш, ўртаси туш, охири туш эрди”² дея келтирилган. Икки севишганлар бир вақтда, яъни етти ёшларида тақдирларидан башорат қилувчи тушлар кўришган бўлишса-да, улар мазмуни ва таъбирига кўра икки хилдир. Яъни Юсуф (а.с) келажакда пайғамбар бўлишини башорат қилувчи илохий туш кўрса, Зулайҳо тушида эса севган ёрига турмушга чиқиши хабар берилади. Юсуф (а.с)нинг мақсади башариятни турли ёвузликлардан, зарарли иллатлар, ёт унсурлардан қайтариш ва меҳр-шафқат кўрсатиб эзгулик сари етаклашдек, Зулайҳо эса фақат ўзи учун, Юсуф (а.с) учун ҳаракат қилишдек анъанавий фольклорга хос тасвирлар берилган.

Юқоридаги таҳлиллардан сўнг Юсуф (а.с) ҳақидаги қисса сюжетида туш мотивининг тутган ўрни

1 Ҳайдаров Г. Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2003- 4-сон. 8-бет.

2 Ўша асар. 1-т. 100-б.

ва бажарган вазифаларини ўзаро қиёслаб, қуйидаги турларга ажратдик:

1. Воқеалар ривожиди ядро вазифасини бажарган башорат асосий тушлар;

Айни типдаги тушлар эртақларда воқеа асосини ташкил этувчи таянч-ўзак мотив вазифасини бажариши билан эътиборлидир (Юсуф (а.с) нинг дастлабки кўрган иккита туши; Зулайхонинг етти ёшда кўрган икки туши).

2. Воқеалар ривожиди ёрдамчи детал вазифасидаги эпизодик тушлар:

а) хушхабардан дарак берувчи башорат тушлар (Зиндонда Юсуф (а.с) билан бирга ётган ошпазнинг туши, Юсуф (а.с)нинг Миср элини етти йиллик очарчиликдан қутқара олиши ҳақидаги туш, Юсуф (а.с)нинг Миср элига шох бўлши ҳақидаги туш, Яъқуб (а.с)нинг ўғли Юсуф (а.с)нинг тириклиги ҳақида хабар берувчи туш);

б) жиддий синовлардан бохабар этувчи огоҳлантирувчи тушлар (Яъқуб (а.с)нинг ўғли Юсуф (а.с) дан айрилишидан аввал кўрган туш, зиндонда Юсуф (а.с) билан бирга ётган аёқчи (майчи)нинг туши, Раён маликнинг етти йил очарчилик келишидан хабар берувчи туш).

3. Асардаги бахсталаб ҳолатларга ойдинлик киритувчи тушлар (Мадина шаҳрида яшаган Сулаймон ибн Ясарнинг Юсуф (а.с) тушига кириши).

Демак, Рабғузий ижодида етакчи ўринда турадиган туш мотиви маъно-мазмунига кўра турлича бўлиб, қаҳрамонларни бирор хавфдан ёки хушхабардан огоҳлантирувчи каби хосиятли ёки хосиятсиз

мазмун касб этади. Улар эртак ва дostonларда учрайдиган баъзи элементлар билан ҳамоҳанг бўлиб, воқеаларни ривожлантиришга, ҳикоянинг бадиийлигини оширишга хизмат қилган.

Рабғузий ҳар бир туш лавҳасини Юсуф (а.с) бошига тушажак синов мотивларининг ибтидоси сифатида ишлатади. Гарчанд Юсуф (а.с) ва Зулайҳонинг самимий севгиси қиссада асосий планда турмаса-да, воқеалар ривожининг иккинчи босқичи ҳисобланади. Бунда “қаҳрамон қатор синов ва тўсиқлардан ўтади. Уни бартараф этишда хилма-хил саргузаштли воқеалар юз беради”¹. Деярли барча оғзаки ижод намуналарида учрайдиган, қаҳрамонни ҳам жисман, ҳам маънан тоблаб идеал образ даражасида олиб чиқадиган синов мотиви асарнинг ҳар бир қисасида, айниқса, Юсуф (а.с) ҳақидаги қиссада ўзига хос санъат даражасига кўтарилган. Шу сабабли бош қаҳрамоннинг турли тўсиқларга дуч келиши ва уларни мардонавор енгиб ўтиш босқичларини Е.М.Мелитенский тасниф қилган синов мотивлари асосида ўрганишни маъкул кўрдик. Унга кўра синов мотивлари уч туркумга ажратилади:

А. Дастлабки синов;

В. Асосий синов;

С. Қўшимча синов;²

Мелитенскийнинг мазкур таснифи ўринли бўлиб, барча эртак ва баъзан дostonларда бош қаҳрамон ўзига хос жиҳати (ўта ақлли ёки аҳмоқ бўли-

1 Эгамов. Х. Туркий халқлар эртакларининг жанр хусусиятлари ва классификацияси // Адабий мерос. – Тошкент, 1985- 3-сон (34). 84-бет.

2 Мелитенский Е.М. Поэтика Мифа. - М.: Наука. 1976, ст 268

ши) ҳамда атрофдагилардан ажралиб турадиган ҳаёт тарзи (ўғай ота ёки ўғай она кўлида қолиши, акаларининг унга нисбатан беписандлиги) билан тенгдошларидан фарқ қилади. Унинг ана шу шу кемтик ҳаёти синов босқичлари асносида яхшила-ниб, бунда турли пирлар ва аждодлар руҳи каби деталлар қаҳрамоннинг муваффақиятга эришувида асосий восита сифатида хизмат қилади.

Дастлабки синовда бош қаҳрамоннинг фавкулда юз берган ходисани бартараф этиши учун пир, чилтонлар, руҳлар, хайвонлар ва турли деталлардан бири ёрдамга келади ва бунинг оқибатида қаҳрамон тенгсиз баҳодирликлар намойиш этади. Бу билан асосий синовдан муваффақиятли ўтиш учун замин ҳозирлайди. Юсуф (а.с) қиссасини Е.М.Мелитенскийнинг мулоҳазалари асосида таҳлил қилганимизда унда анъанавий синов мотиви элементлари учрайди. Юсуф (а.с)нинг акалари томонидан кудукқа ташланиб, сўнг кул сифатида сотилиши илк синов бўлиб, қиссанинг бу чизиғи асосий синовга ўтиш учун восита, кўприк вазифасини ўтайди. Бунда унга Илоҳий кўмак асқотиб, унинг шарофати туфайли Юсуф (а.с)бошланғич синовдан ўтади. Дастлабки синов воқеалар ривожланишида ядро вазифасини ўтайди. Яъни айнан илк синов сабаб сюжетнинг асосий қисми бошланади.

Асосий синов сюжет чизиғида бош қаҳрамон ҳаёти учун кулминацион нуқтани белгилайди. Чунки бош қаҳрамоннинг воқеалар оқимида мақсадига эришиши ёки етиша олмаслиги айнан мана шу жангда-синовда, ҳал этилади. Бунда бош қаҳра-

моннинг «аввалги қиёфаси» буткул ўзгаради. Яъни эришган ютуқлари билан уни хафа қилганлардан ҳар жихатдан ўзиб кетади. Қисса мисолида таҳлил қилсак Юсуф (а.с)ни Зулайҳо туфайли зиндонбанд қилиниб, бир неча йил ҳибсда сақланди. Бу ерда у маънавий юксалди ва ёрқин келажакка элтувчи туш таъбиридан хабардор қилинди. Демак, Юсуф (а.с) нинг зиндондаги ҳаёти асосий синов даври бўлиб, бунда қахрамоннинг сабр-тоқати синалади ва мадҳ этилади. Тушларни тўғри таъбир қилиш иқтидори воситасида асосий синовдан муваффақиятли ўтди. Энди бош қахрамонга фақат маънавий етуклик етарли эмас. Тортган азоб-уқубатлари самарасида у моддий юксалишга ҳам эришиши керак. Бунда у қўшимча синов орқали тўқисликка эришиб, муродига етади.

Қўшимча синов пайғамбарнинг Миср халқини 7 йиллик қаҳатчиликдан қутқариш лавҳасида акс этган. Миср элини муқаррар ўлимдан қутқарган Юсуф (а.с) шоҳ назарига тушиб, халқ меҳрини қозониб, шоҳнинг вазири даражасига кўтарилди. Бошига тушган тухмат ва синовлар эвазига маънавий ҳамда моддий бойликка эга бўлди. Қисса сўнгида анъанавий яқун лавҳасини кўриш мумкин. Яъни Юсуф (а.с) Зулайҳога уйланади, акаларини кечиради, отаси Яъқуб (а.с) билан дийдорлашади ҳамда Миср элига шоҳ бўлади.

Демак, анъанавий синов мотиви қиссада Юсуф (а.с)нинг пайғамбарлик фазилатларини ва ўзига хос хислатларини ёрқин кўрсатишга хизмат қилиб, бунда синовлар асносида баркамолликка эришиб, ўқувчида сабр-матонат ҳиссини шакллантиради.

Шу ўринда яна бир ҳикоят хусусида тўхталиб, синов мотивини таҳлил қилишни лозим топдик. Бу ҳикоят Довуд (а.с) ва гўзал Битшониё ҳақидадир. Қиссада келтирилишича, кунларнинг бирида ҳам шох, ҳам пайғамбар Довуд (а.с) гўзал Битшониёни кўриб севиб қолади ва унга совчи юборади. Қиз эса аскар Урёнинг хотини бўлса-да, пайғамбарнинг сўзини ерда қолдиришни истамай унга турмушга чиқади. Бу орада Урё жангга кетиб, у ерда ҳалок бўлади. Ҳикоятнинг қисқача мазмуни шундан иборат. Баъзи адабиётшунослар Довуд (а.с) Битшониёни никоҳига олиш учун атайин кўл остидаги саркарда Урёни жангга юборган¹ деган фикрни илгари суришади. Ёзувчининг ўзи эса бу воқеага муносабат билдириб: «Тафсир»да тақи «Усмаъ ал-авлиё»да келтурмишлар, Довуд шариатинда бир ким эрса бир қизни қўлармен теса ўзга ким эрса ул қизни қўлмоқ раво йўқ эрди. Битшониёни Урё қўлдурғали киши измиш эрди. Довуд ани билмай, ким эрса қўлмайдур теб қўлди»², деб иккита манба орқали далил келтириб, ўзининг шахсий фикрини билдиради. Қуръони Каримнинг Сод сурасида ҳам икки фариштанинг Довуд (а.с)ни синаш учун берган саволи ҳақида изоҳ бор³. Лекин Довуд ва Битшониё воқеаси тилга олинмаган. Бу воқеага синов мотивидан фойдаланиб аниқлик киритмоқчимиз. Агар биз Довуд (а.с) бошидан кечирган синовларни Е.М.Мелитенскийнинг тасни-

1 Қаранг: Абдуллаев В., Абдуғафуров А., ва бошқ. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-т. – Тошкент: Фан, 1977. 182-б, Машарипова З. Ўзбек ёзма адабиётида фольклор аъёнлари. – Тошкент: ТДПУ, 2008. 39-б.

2 Ўша асар. 2-к. 30-б.

3 <http://www.muslimuzbek.narod.ru/books/quran-uzbek.eye>

фи бўйича таҳлил қилганимизда ноанъанавийлик кўзга ташланади. Яъни фольклор асарларидаги бош қахрамонлардан фарқли равишда пайғамбарнинг Аллоҳ Таолодан хохишига кўра бало сўраши унинг дастлабки синовга қўйган илк қадами дея баҳоланади. Хўш, у нега Аллоҳ Таолодан атайин ўзи учун бало сўради? Гап шундаки, Довуд (а.с) даврида халқ «Иброҳим изиси» деб дуо қилишар экан. Довуд (а.с) эса халойиқнинг қилаётган дуосида Иброҳим (а.с) нинг эмас, ўзининг исми зикр этилишини истайди. Бинобарин, у Аллоҳ Таолодан юборилажак синовдан муваффақиятли ўтишига ишонарди ва бу синовга қарши ўзича турли чораларни ҳам кўриб қўяди. Бироқ синов натижаси пайғамбар кутгандек ижобий яқун топмади. Яъни синов кунида Юсуф уруғидан бўлган Битшониёга кўзи тушгач, ўша заҳоти синовдалигини унутиб, пайғамбарлик либосдан воз кечиб бир нотавон ошиқ ридосини кияди ва ўз-ўзидан бош қахрамон асосий синов томонга қадам қўяди.

Асосий синовда Довуд (а.с) нафси билан курашган шахс сифатида синалади. Яъни пайғамбар ўз олдига қўйган мақсади ва Аллоҳ Таолодан сўраган ҳожатини унутиб, гўзал Битшониёни ўз никоҳига олади. (Гарчанд у Урёнинг хотини бўлса-да). Эртак ва дostonлардаги бош қахрамон бошидан кечирадиган синовлардан фарқли равишда Довуд(а.с) дастлабки ва асосий синовлардан ўтолмади. Шу ўринда савол туғилади. Нега пайғамбар бировнинг хасмини никоҳига олди? Ахир унинг учун номаъкул ишлар Аллоҳ Таоло томонидан ваҳий қилиниб маълум

қилинар эди-ку! Гап шундаки, Довуд (а.с) синовда бўлганлиги учун унинг хатолари маълум қилинмади. Шунингдек, вазир-вузаролар Битшониъ бировнинг хотини эканликларини билсалар-да, шоҳга ҳақиқатни айтишмаган бўлиши мумкин. Бундан ташқари агар инсон бошқа бир инсонни бор вужуди билан севса, унинг учун фақат маҳбубасининг висоли кифоя. Қолган нарсалар: тож-тахт, илми олимлик ва ҳатто пайғамбарлик мақоми ҳам унинг учун арзимас. Севган инсон ўзлигидан кечади ва кимлигини унутади. Нимаики қилса, ошиқлик балосига гирифтор бўлганидан қилади. Бунга ўхшаш воқеа Шайх Санъон ҳақидаги ривоятда ҳам келтирилган. Умуман олганда, Довуд (а.с)ни бировнинг хасми ҳалоллини тортиб олишда айблашда эҳтиёт бўлиш керак. Чунки пайғамбарлар ҳар қандай ёмонликдан, иллатлардан, ножоиз ҳатти-ҳаракатлардан муҳофаза этилиб, одамлар орасида Аллоҳ Таолонинг буйруқларини бажарувчи шахс, инсонийликнинг олий кўринишидаги фазилатлар сингдирилган элчидирлар.

Ҳар икки синовдан ўтолмаган Довуд (а.с) кўшимча синов воситасида гуноҳининг мағфиратига эришади. Яъни қанчалик оғир гуноҳга қўл урганлигини фаришталар орқали англаганда дала-даштга чиқиб кетиб қирқ кун тавба-тазарруъга машғул бўлади. Эътибор берилса, қаҳрамонлар бошидан кечирадиган анъанавий синов мотиви Довуд (а.с) қиссасида ўзгача тус олган. Яъни дастлабки икки синовдан ўтолмаган бош қаҳрамон учинчи синовда ўзлигини англайди ва ниҳоят тавбаси қабул бўлиб, халқ орасига кириб юрт бошқарувини давом эттиради. Хул-

лас, қиссада Довуд (а.с) синов асносида муваффакиятсизликка учраган бўлса-да, маънавий ва руҳий етукликка эришган шахс сифатида камол топади ва китобхонга ҳар жиҳатдан маънавий-маърифий тарбия бера олади.

Юсуф (а.с) қиссасида яна бир детал борки, китобхон бундай лавҳаларни шунчаки ўқимайди, аксинча ўзгача завқ ва ҳайрат назари ила мушоҳада қилади. Қисса воқеаларини ноанъанавий лавҳаларга бойитиш мақсадида ижодкор чақалоқ образидан фойдаланади. Чунки тўрт ойлик чақалоқнинг тилга кириб, гувоҳлик бериши ҳаётда камдан кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, у ҳар қандай ўқувчини ҳайратлантириши табиий.

Кампир қасрни безаш ишларини ниҳоясига етказгач, Зулайҳо қурдирган саройига Юсуф (а.с)ни олиб кириб, ундан коми дил ҳосил қилмоқчи бўлади. Бироқ Аллоҳнинг ғазабидан кўрқувчи, инсониятга хос бўлмаган ҳар қандай ҳаром-ҳариш ишлардан йироқ юрувчи бу покдомон Юсуф (а.с) Зулайҳонинг истагини рад этиб, ундан тезроқ қутулиши мақсадида ташқарига интилади. Ваҳоланки, сарой эшикларининг барчаси темир занжирлар билан беркитилган эди. Лекин Юсуф (а.с) эшикларга яқинлашиши билан Аллоҳнинг инояти билан занжирлар ўз-ўзидан узилиб кетади. Қочаётган Юсуф (а.с)ни тутиш илинжида етиб келган Зулайҳо ошиғининг кўйлагидан ушлаб тўхтатмоқчи бўлади ва шу топда кўйлакнинг орқа этаги йиртилади. Кутилмаганда воқеанинг гувоҳи бўлган Азизи Миср бу ҳолдан ҳам ҳайронлик денгизига чўмиб, ҳам жаҳл отига миниб

Юсуфнинг бу хатти-ҳаракатига изох сўрайди. Пайгамбарнинг тўғри сўзига қарамасдан Миср Азизи Зулайҳонинг тухматига ишонади. Шу пайт Аллоҳ таолонинг инояти билан кўз кўриб қулоқ эшитмаган ходиса: Талҳом номли қулнинг бешикда ётган тўрт ойлик чақалоғи тилга кириб: “Эй Азиз, Юсуфнинг кўнглакининг ўнги йиртуқ бўлса Зулайҳо кўни, Юсуф ёлғон. Агар кўнглакнинг орти йиртуқ бўлса Зулайҳо ёлғон ва Юсуф кўни”¹ деб ишорат беради. Тўрт ойлик чақалоқнинг тилга кириб гувоҳлик бериши ҳаётда деярли учрамайдиган воқеа-ҳодисадир. Бироқ Қуръони Каримнинг Алоуддин Мансур берган изоҳида мазкур «гувоҳлик берувчи Зулайҳонинг амакиваччаси бўлиб, бешикдаги чақалоқ эди»² дейилган ва унинг ҳақиқат эканлиги таъкидланган. Бу ҳодисага Е.М.Мелитенский куйидагича изох беради: «Энг қадимги фольклор намуналари афсонавий қахрамонларнинг яратилиши билан боғланади. Бош қахрамон ҳаётида кўплаб ноанъанавий ходисалар юз бериб, бунда унинг атрофида мўъжизавий туғилиш, она қорнидаёқ гапириши, сеҳрли куч-қудратга эга бўлиши каби лавҳалар юз беради»³. Демак, Юсуф (а.с) қиссасидаги лавҳаларга чуқурроқ қаралса, қадимий фольклор намуналари таъсири сезилган бу лавҳа аслида ҳаётий ҳақиқатга асосланган ва бадиий қайта ишланган камёб ҳодиса ҳисобланар экан.

Шуни айтиш керакки, чақалоқнинг тилга кириб, гувоҳлик бериши фақат Юсуф (а.с) қиссасида

1 Ўша асар. 1-т. 127-бет.

2 <http://www.muslimuzbek.narod.ru/books/quran-uzbek.eye>

3 Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976. с 227

эмас, балки бошқа пайгамбарлар хақидаги қиссаларда ҳам учрайди. Биз бунда Исо (а.с) қиссасини назарда тутяпмиз. Бу қиссада ҳам Аллоҳ Таолонинг марҳамати билан отасиз туғилган чақалоқнинг онаси шаънини ҳимоя қилиб гувоҳлик бериши лавҳаси мавжуд. Унга кўра қавмига олиб келган Марямга одамлар маломат тошини отишади. Шунда бешикда ётган чақалоқ (яъни Исо (а.с)) тилга кириб онаси Марямнинг покиза эканлиги ва у Аллоҳ Таолонинг лутфу карами билан яралганлигига гувоҳлик беради¹. Исо Масиҳнинг ҳаёти, ўлими ва қайта тирилиши ҳақидаги лавҳалар мантиқан қараганда мифологик ҳодиса ҳисобланган, аслида эса Инжилда қайд этилган улкан тарихий воқеадир, дея илмий асослаган Е.М.Мелитенский воқеанинг ҳақиқат эканлигини таъкидлайди². Ҳаттоки бу ҳақида Куръони Каримнинг Марям сурасида ҳам тасдиқланган³. Бундай ноодатий лавҳалар асосан сеҳрли эртақларда учраб, бош қаҳрамонга мушкул вазиятдан чиқиш, жумбоқли масалага ойдинлик киритиш учун восита сифатида сюжет таркибига киритилади. Умуман олганда, ижодкор баъзи лавҳаларни тасвирлашда ҳам ҳаёт ҳақиқатидан, ҳам оғзаки ижод анъаналаридан фойдаланган ҳолда воқеаларни ижодий қайта ишлаб реал ҳаётнинг ҳодисаларга асосланган адабий эртақларнинг гўзал намунасини яратади.

Фольклор асарларида учрайдиган ва бош қаҳрамонга мислсиз куч-қудрат бағишлаб, унинг ёрдами-

1 Қаранг: Ўша асар. 2-к. 83-б

2 Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976. с 225

3 <http://www.muslimuzbek.narod.ru/books/quran-uzbek.eye>

да кўп мўъжизалар содир бўладиган яна бир анъанавий эпик детал – “сеҳрли узук” бўлиб, одатда «қахрамонлар узукка ўз ниятини, хоҳишини баён этса, ўша захотиёқ унинг истаги руёбга чиқади»¹. Сеҳрли узук деталининг этиологияси ва оғзаки ижод намуналаридан ўрин олиш жараёни ҳақида илмий мушоҳада юритган Е.М.Мелитенский фикрича, антиқа нарсалар, эликсирлар, сеҳрли предметлар оғзаки ижодда маданийлашган қахрамонларнинг келиб чиқиш муносабати билан юзага келган². Сеҳрли узук ва маданийлашган қахрамон ўртасида ассоциатив яқинлик мавжудлиги ва унинг ёрдамида қахрамоннинг ғайритабиий кучга эга бўлиши оғзаки ижод намунасининг бош фабуласи ҳисобланади. Масалан, Сулаймон (а.с) ҳақидаги қиссада пайғамбарнинг ўзига хос улуғворлиги ва тенгсиз қудрат соҳиби эканлиги айнан сеҳрли узук детали воситасида очиб берилади. Қиссада сеҳрли узукнинг қудрати ҳақида «Қамуғ махлуқот анинг бирла мусаххар турурлар»³ дея таъриф берилади. Демак, Е.М.Мелитенский билдирган асосга кўра Сулаймон (а.с) ва сеҳрли узук бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, воқеалар жараёнида сеҳрли узук бош қахрамоннинг моддий ва маънавий юксалишида асосий узв вазифасини бажаради. Сеҳрли узук ўта қудратли куч манбаи бўлиб, унинг ёрдамида барча инс-жинслар, учар кушлардан тортиб судралиб юрувчиларгача ҳамда барча жонли ва жонсиз жисмлар пайғамбарга тобеъ қилдирилган. У

1 Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбек миллий кутубхонаси, 2006. 111-б.

2 Мелитенский Е.М. Поэтика Мифа. - М.: 1976, ст 263

3 Ўша асар. 2-к. 36-б

хар кимга ҳам насиб бўлавермайди, аксинча, қалбан ва руҳан пок, маънан баркамол, ўз мақсади йўлида собитқадам инсонларгагина берилувчи ноёб тухфадир. Шу сабабли Сулаймон (а.с) бир зум бўлса-да, қўйган олий мақсадидан чалғигани учун ҳам «Изи азза ва жалла Сулаймон ялавоч менгизин Хақиқ отлиғ девга берди. Сулаймондин бурун Оминага келди. Ич тўнин, юзукин олди. Бармоқиға сукти. Дев, пари анга мусаххар бўлди»¹. Шундан эътиборан узукнинг сеҳри Хақиқ девнинг қўлига ўтди, токи Сулаймон (а.с) ўз айбини тушуниб етмагунга қадар. Тавба-тазарруъси Аллоҳ хузурида қабул бўлгандагина узук унга қайтадан инъом этилади. Умуман олганда, бу деталнинг «достонлар таркибида ишлатилиши воқеалар ривожига фантастик руҳ бағишлаб, тингловчини сеҳрли олам сари етаклайди ҳамда асар бадиятининг юксак даражада ишланишини таъминлайди»².

Рабғузийнинг “Қисас ар-Рабғузий” асари нафақат диний, балки дунёвий руҳни ўзида акс эттирган но-дир ёдгорлик сифатида ҳам бебаҳодир. Унда, бир томондан, инсонни қизиқтирган ва бажариши лозим бўлган исломий қонун-қоидалар, фарз-у суннатлар ҳақида сўз борса, иккинчи томондан, ўтмиш воқеаларидан дарак берувчи оғзаки ижоднинг гўзал намуналари ўз ифодасини топган. Хусусан, асарнинг воқеалар силсиласида ўзига хос маъно англаувчи эртақнамо лавҳалар адиб ғоявий ниятини очишда муҳим ўрин тутди. Фольклор анъаналарини ўзида

1 Ўша асар. 2-к. 42-б

2 Собирова Н. Достонларда сеҳрли буюмлар талқини //Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2002- 1-сон. 44-б.

мужассам эттирган бадий деталлар асарда талайгина бўлиб, қиссалар таркибида келтирилган ҳар бир ҳикоят бир бадий асардек ўқилади. Улар ҳам ўзига хос сюжет чизигига, образлар тизимига эга. Шунинг учун ҳам бундай ҳикоятлар китобхон томонидан зўр иштиёқ билан қабул қилинади ва унга оламжаҳон завқ бағишлайди. “Қисас ар-Рабғузий”нинг бундай мукамал тарзда яратилиши, шубҳасиз, ёзувчининг юксак санъаткорлик маҳоратидан дарак бериб, буюк адиб, нозиктаъб шоир ҳамда нуктадон олим эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. Асарнинг асрлар оша барча туркий халқлар томонидан севиб ўқиб келинаётганининг сеҳри ҳам шунда бўлса керак. Ўтган замонлардаги бир киши ўқиб, кўпчилик тинглайдиган анъанавий қиссахонлик маҳфилларида «Қиссас ул-анбиё» ҳам муҳим ўрин эгаллаганлиги ҳақида кўплаб далиллар мавжуд. Ҳозирда ҳам юртимизнинг айрим туманларида, хусусан, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида қиссахонлик кечалари ўтказилиб, шу ва унга ўхшаш бадий асарлар севиб ўқилади.

3.1 ҚИССАЛАР ТАРКИБИДАГИ КИРИТМА-МИФОЛОГИК АФСОНАЛАР

Дунё яралибдики, инсонлар ўзларининг азалий ва абадий қизиқтирган саволларига жавоб топишга, уларнинг туб моҳиятини билишга, тушунишга интилган. Атрофни ўраб турган наботот ва ҳайвонот оламининг сўнмас сеҳри доимо уларни ҳайратга солиб келган. Инсонлар кўз ўнгида жилваланган табиат билан бир тан у бир жон бўлиб яшаш, уни ўрганиш, синовларига бардош бериш талаб этилган. Қадимги инсонлар учун марказий саволлардан бўлган атроф олам, нарса ходисаларнинг илк яралиши, келиб чиқиш сабабини билиш ва унинг моҳиятини англаш дастлаб содда ибтидоий қарашлар асосида турли мифлар шаклида яратилган. Носириддин Рабғузийнинг «Қисас ар Рабғузий» асари ҳам ўзида фольклор намуналарини акс эттирган ёдгорлик бўлиб, у пайғамбарлар ҳаёти мисолида халқнинг азалий эътиқод ва тушунчаларини мужассам эттирган ноёб сарчашмалар сирасига киради. Рабғузий асарда қаламга олган киритма мифологик афсоналар асарнинг деярли ҳар бир қисмларида ўз ифодасини топган. Шу сабабли биз тадқиқотимизда «Қисас ар Рабғузий» асарида келтирилган киритма мифологик афсоналарни йиғиб, тадқиқ қилишга уриндик. Ёдгорликда турли мавзудаги мифологик афсоналар мавжуд бўлиб, улар мавзусига кўра инсон, ҳайвонот, наботот ва атроф олам ҳақидаги барча саволларга жавоб беради. Шунга кўра биз «Қисас ар Рабғу-

зий» асаридаги киритма мифологик неъматларни тўплаб, куйидаги туркумларга ажратиб тахлил қилишни маъқул кўрдик:

Космогоник киритма мифологик афсоналар

«Қисас ар-Рабгузий» асаридаги киритма мифологик афсоналар ичида космогоник мифлар алоҳида ўрин тутди. Чунки қадимдан ҳозирги кунга қадар дунёнинг қай тарзда пайдо бўлгани кўпчилик олимларнинг диққат марказидаги саволлардан бири ва улар бу борада бир қанча изланишлар олиб бориб, талайгина натижаларга эришган. Ўрта Осиё аҳолисининг асосий қисми ислом динида бўлганлиги сабабли ёзувчи баъзи лавҳаларда Қуръони Каримдан иқтибослар келтириш орқали қиссанинг ҳаётийлигини, таъсирчанлигини таъминлайди. Асарда ер ва самонинг яралиши ҳақида шундай маълумот келтирилади. Унга кўра Аллоҳ Таоло йўқдан бор этиб, дастлаб «... гавҳар яратди, ул гавҳарга ҳайбат назари қилди эрса ул гавҳар эруди. Сув бўлди эрса анда кезин елни яратди. Сув уза тушти эрса кумурди кўпукланди. Ул кўпукдин тутун оғди, ул тутундин кўкни яратди. Ул сув Мавло ҳайбатиндин қайнаб қуюкланди. Ул кўпукдин Каъба ўрнунча ер яратди. Анда кезин кўкни яратғали тегди. Кўкни яратмишда кезин ул яратилган ерни машрикдин мағрибга теги ёзиб кенгу қуйрулқади. Бу ерлар ва кўклар бир қат эрди қудрати бирла кўкни ердин айирди, текма бирлари еттишар қат бўлди. Бу етти ер сув уза яратилди эрса турланмади, ирғану

бошлади. Ани турландурмоқ учун тоғларни анинг уза қозуқ қилиб яратди»¹. Рабғузий ер ва самонинг яралиши ҳақида муқаддас китобимиз Қуръони Каримдан парчалар келтирганлиги сабабли ҳар қандай китобхон қиссадаги лавҳаларга шубҳасиз ишонади. Бироқ ижодкор бу маълумотлар билан чекланмайди, халқ ишонч ва эътиқоди самараси маҳсули ерни сувнинг устида туради деган қарашлар асосида қиссани бадиий ҳақиқат даражасига етказди. Ҳақиқатан ҳам, XIII-XIV асрда ҳали инсонлар ернинг думалоқ шаклда эканлиги ва ўз ўқи атрофида айланишини тушунмаган бир пайтда қадимги одамлар онгида ерни қудратли куч кўтариб туради деган қараш етакчилик қилган. Бу қарашлар ифодаси қиссанинг бошқа бир ўрнида янада ёрқин ва аниқ тасвирларда акс этади. Кунларнинг бирида Сулаймон (а.с) Аллоҳ Таолодан жамики жонзотларга бир кунлик ризқ беришга изн сўрайди. Аллоҳ Таоло томонидан рухсат берилгач, девларга улкан қозонлар ясатиб, саккиз ойлик егулик тўплатади ва шу билан бутун инсониятни, ҳайвонлар, ҳашоратлар, учар қушлар – барчани тўйдирмоқчи бўлади. Шу пайт дарёдан улкан балиқ чиқиб қорни жуда очлигини, ҳамма тўплангунча сабри етмаслигини айтиб барча овқатларни бир лукмада еб қўяди ва шу куни бутун инсонлар, жониворлар оч қолишади. Келтирилган лавҳада ёзувчи ўқувчини ерни кўтарган афсонавий балиқ шу эканлигига «Аймишлар» киритмаси орқали ишонтирмоқчи бўлади: «Аймишлар, ул балиқ ерни кўтарган балиқ эрди. Мавло Таоло ул ҳолда

¹ Ўша асар. 1-т. 12-6

ерни балиқ оркасиндин кўтариб ўз қудрати бир-ла сақлади”¹. Бу тасвир нафақат ўзбек халқ оғзаки ижодида, балки бутун Ўрта Осиё халқлари орасида машҳур бўлиб, улар ерни худди ана шу ҳолатда тасаввур қилишган.

Ер тузилишини ибтидоий тасаввур этиш, уларни маълум бир ҳайвон гарданида деб билиш ҳаттоки яқин ўтган асрлар фольклор намуналарида ҳам сақланиб қолган. Фикримизни “Қисас ар-Рабғузий”нинг «Қисасул анбиё» номи остида котиб Эшон Солиххўжа Тоҳир томонидан кўчирилган Самарқанд нашри асосида далиллашга ҳаракат қиламиз. Ёзувчи асар бошланмасида дунёнинг яратилиши хусусида шундай лавҳани келтиради: «Аллоҳ Таоло Сарёни деган бир пора қум яратди. Етти қат ерни бу қумни устига қўйди. Бу қум фариштани гарданидадур. Ул фариштани оёғлари бир парча яшил ёқутни устидадур. Андин кейин бир хўкуз яратди. Ул хўкузга тўрт минг қўл ва пут берди. Мўнгузлари етти қат ердин юқоридур. Ул муаллақ тошни пешонасига яъни, икки шохини ўртасига олиб турди. Ул хўкузни қўл ва путлари ҳавода муаллақ қолди. Андин кейин бир балиқ яратди ул хўкузни пути ул балиқни гарданида қарор топди»². Оламнинг мураккаб тузилиши ҳақидаги кўплаб ўзбек халқ самовий асотирларида ерни кўтариб турган хўкиз улкан наҳанг балиқ устида туради, дейлади. Бу мифологик тасаввур қадимги турклар-

1 Ўша асар. 2-т. 35-б

2 Қисас ул-анбиё. Самарқанд нашри. Типо лит Демуров, 1904. 8-бет.

нинг афсонавий балиқ ҳақидаги асотирлар билан боғлиқ бўлиб, «қадимги турклар бу балиқларни Кербалиқ ёки Кёрпалиқ деб аташган. Агар Кербалиқлар сув тубига шўнғиса ёки бошини юқорига кўтаришса, зилзилалар ҳосил бўлиб, дарёлар тошиб кетар эмиш»¹. Мазкур афсонавий балиқ «Авесто»да Кара дейилади ва у Варукаша денгида сузиб, унинг ўртасида ўсадиган ҳаёт дарахтини кўриқлар экан². Қадимги одамларнинг дунё ҳақидаги ибтидоий тасавури натижасида юзага келган ушбу тасвир фольклор ва дин муносабатининг уйғунлашиб кетиши оқибатида бир бутун йўналиш ҳолига келиб қолган. Ер тузилиши ҳақидаги ибтидоий қарашлар халқимиз орасида бошқа кўринишларда ҳам учрайди. Унга кўра, балиқнинг устида тошбақа, унинг устида улкан хўкиз туриб, ерни бир шоҳида кўтарар эмиш. Агар хўкиз чарчаб ерни у шоҳидан бу шоҳига олганда, ерда зилзилалар ҳосил бўлар экан. Бундай қарашлар турли кўринишларда бўлиб, баъзилари ерни тошбақа кўтариб туради, деган қабалида учрайди. Профессор М.Жўраевнинг аниқлашича, «Ерни тошбақа кўтариб туради» деган эътиқод турк-муғул-бурят фольклоридаги кўпгина самовий мавзуларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнаган будда диний афсоналари ҳамда мифологияси таъсирида келиб чиққан»³. Шу сабабли баъзи

1 Басилов, В.Н. Тюркоязычных народов мифология//Мифы народов мира. Т.2. —М.: Советская энциклопедия, 1988. —с.539.

2 Қаранг: Авесто. Маҳкам А таржимаси. Тошкент: Шарқ, 2001. 357-б

3 Боболардан қолган нақллар, Т.: Фан.1998.18-б

олимлар «Фольклор ва дин мустақил ва тугалланган характерга эга эмас. Лекин улар негадир шу даражада ажралмаски, фанда баҳс кетяпти; бу ерда динми, фольклорми, санъатми, фалсафами ёки фан. Негадир мифологиянинг баъзилари динга, баъзилари фольклорга тааллуқли»¹ деган муаммоли масалани ўртага ташлашмоқда. Оғзаки адабиётда пайдо бўлиб, кенг тарқалган мифологик афсоналар ёзма адабиётнинг ривожланиши оқибатида аста-секинлик билан ёзма адабиётга кўчиб, ёзувчиларнинг эстетик талабларига мослаштириб янги қиёфа ва вариантларда асарлар таркибидан ўрин олди. Рабғузий «Қисас ар-Рабғузий» асарида оғзаки ижод намуналарига бадиий қайта ишлов бериб, янги тасвир ҳосил қилдирган. Сабаби қиссада «Сифати ас-самовоти» ва «Сифати ал-аразина» деб номланган ҳикоят берилган бўлиб, у мазмунига кўра тўлалигича мифологик афсона эканлигини кўрсатади. Қиссада тасвирланишича, осмон ва ер етти қаватдан иборат экан². Ижодкор уларнинг ҳар бирини ўзгача ном ва кўринишда тасвирлайди. Шунинг учун биз осмон ва ернинг еттита қаватини қуйидаги жадвалда кўрсатишни маъқул кўрдик:

1 Фрейденберг О.М Миф и литература древности. —М.: Наука, 1978. 11-стр

2 Ўша асар. 1-т. 13-б

№	Самонинг қаватлари	Самонинг ранги	Осмоннинг номлалиши	Фаришталарнинг қўрилиши	Фаришталарнинг улуғининг исми
1	1-қават	Яшил зумрад	Рафик	Ўз (ишбилармонлик, омадлилик)	Исмоил
2	2-қават	Кумуш	Руқъа	Бургут	Рақбоил
3	3-қават	Ёқут	Қайдам	Ўй (сигир)	Кўкбоил
4	4-қават	Урунг (оқ) йинжу	Моъун	От	Нубейил
5	5-қават	Олтин	Ратко	Хур	Сифтбоил
6	6-қават	Сариг ёқут	Захо	Вилдон (хизматкор)	Рағбоил
7	7-қават	Нур	Арибо	Одамий	Нурбоил

Эътибор қилинса, осмоннинг еттита қаватини ноанъанвий манзара ва қиёфа эгалари қўриклаши ўзига хос услубда тасвирланган бўлиб, у ҳар қандай ўқувчини қизиқтириши табиий. Чунки диний адабиётларда фаришталарнинг у ёки бу ҳайвон қиёфасида учраши кузатилмайди. Хусусан, «Қисас ар-Рабғузий» асарида Мухаммад (а.с) Жаброил (а.с) билан биргаликда бир кечада самони сайр қилиб, турли ғайб ажойиботларини кўрганлиги ҳамда самонинг етти қавати ҳақида ҳикоя қилиниб, ҳар бир қаватда маълум бир пайғамбарлар макон тутганлиги таъкидланади. Масалан, биринчи қаватни Одам (а.с), иккинчи қаватни Исо (а.с) ва Яхё (а.с), учинчи қаватни Юсуф (а.с), тўртинчи қаватни Идрис (а.с), бешинчи қаватни Ҳорун (а.с), олтинчи қаватни Мусо (а.с), еттинчи қаватни Иброҳим(а.с) қўриклаётганлиги ҳақида хабар берилади¹. Лавҳага кўра самонинг етти қавати маълум бир пайғамбарлар назоратида. Бироқ ижодкорнинг ўз фикрига қарама-қар-

1 Ўша асар 2-к, 147-б.

ши келтирган қисса муқаддимасида эса осмон турли ҳайвон суратидаги фаришталар измида дейилмоқда. Биз фаришталарнинг маълум бир рангдаги ҳайвонлар кўринишида тасвирланганини ва бу тасвир қандай маъно англатишини билиш мақсадида Ўрта Осиё аҳолисининг исломдан олдин амал қилган зардуштийлик дини эътиқодига назар солиш керак, деб ўйладик. Чунки XIII-XIV асрда халқ ислом динини тўлиқ қабул қилиб, унинг қонуниятларини ўзлаштирган бўлса-да, зардуштийлик динининг таъсири ҳали кетиб улгурмаган, бу диндаги баъзи образлар ва тимсолларга нисбатан эътиқод сақланиб, улар таъқиқлаган ёки тарғиб қилган у ёки бу одатларга қаттиқ амал қилишган. Рабғузийнинг қисса муқаддимасида осмоннинг етти қаватини ўзгача тасвирлаши XIII-XIV асргача сақланиб қолган ана шу зардуштийлик дини қолдиқларининг намунаси ҳисобланади. Масалан, самонинг иккинчи қавати бургут суратида тасвирланади. Ижодкорнинг иккинчи қават фариштасини бу қуш тимсолида ўхшатиши Варагн сиймосини эслатади. «Авесто»да Варагн илоҳ номи бўлиб, айрим адабиётшунослар унинг тимсолида бургут, қузғун, қирғий каби йиртқич қушлар назарда тутилишини тахмин қиладилар¹. Бу қушлар йиртқич қушлар саналса-да, мағрурлик тимсоли сифатида зардуштийликда хурмат қилинган. Минг йиллар амал қилинган зардуштийлик таълимотининг ана шу инонч-эътиқод қолдиғи Рабғузий қиссасида Рақбоил фаришта сиймосида қайта акс этади. Демак, Рабғузийнинг ўзи ҳам зардуштийлик

1 Авесто. Маҳкам А тарж. –Тошкент: Шарқ, 2001. 348-6

таълимотининг баъзи унсурларига ишонган ва улардан тасаввур доирасида ўз ижодида бевосита фойдаланган. Бу ҳолат учинчи қаватга масъул фаришта тимсолида ҳам акс этади. Ижодкор учинчи қаватга масъул фариштани сигир (бўқа) кўринишида тасвирлайди. Унинг бу тимсолида ҳам маълум маъно бор. Сигир образи «Авесто»нинг деярли ҳар бир ўрнида ўзгача ҳурмат ва улуғворлик билан тилга олиниб, хаттоки илоҳлик даражасида кўтарилади. «Авесто»нинг Асқар Маҳкам таржимасида куйидаги маълумот берилади: «Бундахишн»да ўқиймиз: «бешинчи жангни якка-ю ягона яратилган сигир олиб борди. Ўлганидан сўнг унинг аъзоларидан гиёҳлар яралди. Сигир уруғида бўлган ёруғлик ва қудрат ойга берилди»¹. Матнда сигир буюк куч-қудрат соҳиби даражасида кўтарилиб, ойнанинг ёруғлик манбаи бўлишида айнан у сабаб бўлганлиги таъкидланган. Сигирга нисбатан олий мавжудот сифатида қараш ва унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш «Авесто»нинг кўплаб ўринларида тилга олинади. Тилаб Маҳмудовнинг аниқлашича, зардуштийлар сигирларни парвариш қилишни сиғиниш даражасида муқаддас санаган эканлар². Шунингдек, олим «Авесто ҳақида» номли рисоласида Аҳура Мазданинг олтига буюк қасамини келтириб, унинг тўртинчи қасами – «сигир қасами» деб юритилишини аниқлаган³. Бундан кўринадики, сигир образи Аҳура Мазда эътибори ва эҳтиромидаги илоҳий мавжудот бўлиб, инсоният ривожига,

1 Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. –Тошкент: Шарқ, 2001. 351-б.

2 Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. –Т.: Шарқ, 2000. 45-б.

3 Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. –Т.: Шарқ, 2000. 19-б.

жамият тааққиётида муҳим ўрин тутадиган илоҳ сифатида қаралган. Унинг тенгсиз кучи ва ёруғлиги ойдан-да устун кўйилган. Демак, қисса воситасида неча асрлар амал қилинган ва эътиқод кўйилган бу ҳайвонга нисбатан ижобий қараш Рабғузий даврига-ча сақланган экан.

Рабғузий самонинг тўртинчи қаватини оқ от кўринишдаги Нубёйил фаришта кўриқлашини келтиради. Оқ от тимсолининг генезисига назар солсак, Тиштар номли ёмғир илоҳини учрата-миз. «Авесто»да Тиштар оқ тусли, дурахшон ва олисдан кўзга ташланувчи юлдуз бўлиб; эрлар, отлар, сигирлар жасади устида намоён бўлади дейилади¹. Иван Рак эса Тиштарни ҳар йил бошининг тўртинчи ойида пайдо бўлиб, биринчи ўн кунликда ўн беш ёшли гўзал ўспирин, иккинчи ўн кўнликда олтин мўгузли бўқа ва учинчи ўн кунликда ажойиб, қулоғи олтинрангли, оқ от шаклида ерга тушиши ҳақидаги маълумотни келтиради². Ёмғир илоҳи Тиштар ҳақидаги ҳар икки маълумотни бирлаштирсак, зардуштийлик таълимотида от образига алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан қаралганини фаҳмлаш мумкин. Ана шу қарашлар Рабғузий даврига қадар етиб келиб, қиссада оқ от шаклидаги фаришта тимсолида тасвирланган. Оқ от «Авесто»да тинчлик, фаровонлик, мўл-кўллик ва хотиржамлик рамзи саналиб, от ва сигир (бўқа) Ахура Мазда хурма-

1 Авесто, Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. 316-б

2 Рак И. Мифы древнего Ирана. – Екатеринбург: У-Фактория, 2006. с-67

тига сазовор бўлган такводорларнинг рамзи ҳисобланган¹.

Қаватлар юқорига чиққани сайин уларнинг ранги ҳам тиниқлашиб боради. Фаришталарнинг кўриниши эса сўнгги қаватда одам суратида тасвирланган. Мазкур лавхада маълум маъно-мазмун тажассум топиб, ижодкор Аллоҳ васлига етишиш йўлида еттинчи қават охирги босқич сифатида инсонни Ҳаққа яқинлаштиради. Шунингдек, уни улуғлаб, ҳар бир жонзотдан юқори даражада кўяди. Яъни инсон дунёдаги ҳар нарсадан азиз ва мукаррам эканлигини осмон қаватларидаги масъуллар мисолида кўрсатади. Умуман олганда, инсон зардуштийлик таълимотида ҳам, ислом динида ҳам улуғланиб, яратилган мавжудотларнинг олий ҳилқати сифатида мадҳ этилади. Қиссада осмоннинг етти қаватини тасвирлашда бош манбаа сифатида зардуштийлик таълимотидаги баъзи тимсолларга таяниши ва уларни қайта ишлаб, диний руҳ бериши ёзувчи дунёқарашида ҳам ана шу таълимотнинг чуқур из қолдирганлигини кўрсатади. Бу эса минг йиллар давомида инсонлар амал қилган зардуштийлик таълимотининг ислом дини кириб келгандан сўнг ҳам халқ ҳаётида сақланиб қолганлигини исботлайди. Наинки ўша даврда, ҳаттоки ҳозирги кунга қадар баъзи халқ ва миллат анъаналарида зардуштийлик дини маданияти ва урф-одати чуқур сингиб, халқ ҳаётида ажралмас ҳолга келганлигини кўриш мумкин.

Осмоннинг етти қават бўлгани каби ер ҳам

¹ Рак И. Мифы древнего Ирана. – Екатеринбург: У-Фактория, 2006. с-70

шунча қаватдан иборат бўлади, деган ижодкор ернинг тузилиши ҳақида ҳам қимматли лавҳалар беради. Яъниким, ернинг тузилиши осмон қаватларидан бирмунча фарқ қилади. Биз ернинг ўзига хос тузилишини қуйидагича тасвирлашга ҳаракат қилдик:

№	Ернинг қавати	Ер қаватларининг номланиши	Ернинг қаватларида нималар жойлашгани
1	1-қават	Рамко, Ақим	Етмиш минг бурундук (Ҳар бир бурундук етмиш минг фаришталар қўлида)
2	2-қават	Жулза	Дўзах чаёнлари (Катталиги туяга ўхшаш, думи найзадек)
3	3-қават	Арка	Дўзах урумлари (Катталиги Қоф тоғидан улуг)
4	4-қават	Харна	Дўзах илонлари (Ҳар бир тишининг тагида олма катталигида заҳар бор)
5	5-қават	Малсо	Дўзах тошлари
6	6-қават	Сижжин	Дўзахийларнинг жони бор
7	7-қават	Ажибо	Иблисининг макони

Диққат қилинса, ер қаватларининг номланиши ва у ердан жой олган зараркунандаларнинг тартибини келтиришда ҳам Рабғузий зардуштийлик таълимоти таъсирига кўра ёндашган. Чунки чаён, урум, илон каби зараркунандалар инсонларга қирон келтирувчи мавжудот бўлиб, улар Аҳримон томонидан яратилган. Ер қаватлари пастлаб борган сари ундаги зарарли мавжудотлар зарар келтириш даражасига кўра катталашади. Масалан, Иван Рак асардаги Сирвар номли улкан илон ҳақида гапириб, уни инсонларга зарар келтирувчи, уларни домига

тортиб ялмамай ютадиган, ҳар бир тиши одамнинг қўлидаек, кўзлари араванинг ғилдирагидек, шохи шохлаган дарахтдек келадиган махлуқ эканлигини таъкидлайди¹. Рабғузий таърифидаги илон ҳам шунга яқин. Яъни илоннинг ҳар бир тиши тагида олманинг катталигидаги заҳар жойлашган. Тиш остида жойлашган заҳар миқдори одатдаги заҳар миқдоридан шунча кўп экан, унинг нақадар катта ва баҳайбатлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу эса Рабғузий тасвиридаги илон «Авесто»да келтирилган Сирвар номли улкан илон билан ташқи қиёфасига кўра ўхшашлигини тасдиқлайди. Ернинг еттинчи қавати, яъни энг чуқур, энг қоронғу, охириги туб қисмида Иблис (а.л) жойлашган. У ўзидан олдинги қаватлардаги мавжудотларга ҳукмрон ва фармонбардор. Демак, ернинг олтита қаватида ҳар не инсонга зарар етказувчилар Иблиснинг измида. Айниқса, ҳаёт даврида нафсига қул бўлиб, ёвуз ишларни қилган инсонлар ўлгандан сўнг, дўзахга олиб кетилиш учун Иблиснинг ихтиёрига топширилган экан. Ёзувчи юқоридаги лавҳаларни келтирар экан, уларда юксак ғоя яъни, инсон муаммосини марказий ўринда кўяди.

Хулоса қилиб айтганда, ижодкор гарчанд қиссани анбиёлар ҳақидаги диний асар деб ҳисобласа-да, унда исломдан олдин халқ эътиқод кўйган таълимот – зардуштийлик таълимоти таъсири анча кучли. Айниқса, осмон ва ер сифати таърифида ижодкорнинг образларни яратишда баъзи тимсолларга таяниб, шу асосда бадиий яратма

¹ Рак И. Мифы древнего Ирана. – Екатеринбург: У-Фактория, 2006. с-162

яратиши Рабғузийнинг онги ва дунёқарашида ҳам бевосита бу дин таълимоти таъсири сақланиб қолганлигини кўрсатади. Умуман олганда, афсоналар хоҳ у Қуръон Каримдан олинган воқеалар асосида бўлсин, хоҳ у зардуштийлик таълимоти таъсирида образларнинг бадиий қайта ишланган шакли бўлсин, хоҳ у халқ оғзаки ижоди маҳсули ёхуд ижодкорлик маҳоратига кўра яратилган бадиий яратма бўлсин ҳеч бири шунчаки эстетик завқ олиш учун келтирилмайди. Аксинча, уларнинг туб замирида улкан мазмун-мақсад ётади. Энг асосийси, қиссада инсон муаммоси бош планда қўйилиб, улар афсоналар воситасида турли ёвузликлардан қайтарилиб, эзгу амаллар қилишга ундалган.

Календар киритма мифологик афсоналар

Носириддин Рабғузий қиссада календар мифологик афсоналарга ҳам эътибор қаратган. Чунки фасллар кетма-кетлиги, унда юз берадиган табиат инжиқликлари инсон учун ҳар доим сирли ҳодиса ҳисобланган. Натижада йил фаслларидаги ўзгаришлар инсон тасаввурида эзгулик ва ёвузлик кучлари пайдо бўлишига туртки бўлиб, кўпинча ҳомий кучлар ёрдамида эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси тасвирланган. Календар афсоналар дунё халқлари оғзаки ижод намуналарида ҳам кенг учрайди. Масалан, «полинезия халқ афсоналарида Маун номли қахрамон тез югураётган қуёшни тутиб, уни секин юрадиган қилади ва бу билан фасллар кетма-кетлигини таъминлайди, шамолни қўлга

ўргатади ва осмоний жисмларни яратади»¹. Юқоридаги лавҳада афсонавий қаҳрамон Маун фасллар кетма-кетлигини таъминлаган бўлса, Рабғузий халқ орасида тарқалган календар афсоналарнинг бошқа бир намунасини келтиради. Унга кўра Худ (а.с) ўта кучли ва баҳайбат Од қабиласини иймонга даъват этади. Одатдаги одамлардан ўзининг куч-қудрати ва бўй-бастига кўра кескин фарқланувчи бу қабила араб давлатларида исломга қадар яратилган оғзаки ижод намуналарида Ады, Адиты тарзда, тожик халқ афсоналарида Од, Ад, Ат, Адж, Одж номларда учраб, «улкан» деган маънони англатган. Бу номнинг келиб чиқиши афсонавий Нух қабиласига тақалиб, шаккоклик қилганлиги учун Аллоҳ Таоло кучли куюн билан ҳалок қилганлиги ҳақида хабар берилди. Баъзи афсоналарда келтирилишича, Юқори Зарафшон томонда От исмли бутпараст бўлиб, унинг Унук (От ибни Унук) номли ўғли бўлган экан. Улар ўта кучли бўлиб, тоғнинг тепасидан улкан тошларни «фалахбон» ёрдамида пастга ташлар экан. Шунингдек, қозок халқ афсоналарида ҳам Адж номли образ бўлиб, у мисли кўрилмаган даражада баҳайбат, ташки қиёфаси, хусусиятлари кўпроқ грек афсоналаридаги циклонлар ва титанларга ўхшаш образ сифатида сақланиб қолган². Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, Од ўзининг улкан ва баҳайбатлиги билан кўпчилик халқ оғзаки ижоди намуналарида учрайдиган образ. Айнан шу образ «Қисас

1 Қаранг: Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976. с 184

2 Қаранг: Фольклор и этнография. Ленинград.: Наука. 1977. с 94-95.

ар-Рабғузий»да ҳам бир неча ўринларда: Нух (а.с), Мусо (а.с) қиссаларида тилга олинади. Унга кўра пайғамбарнинг сўзларига беписандлик билан қараган Од қабиласига Аллоҳ Таоло томонидан кучли шамол юборилиб, уларни ҳалок этиши башорат қилинади. Белгиланган азоб кунни етиб келгач, етмиш минг фаришта етмиш минг бурундукни Ҳазрамавт деган жойга олиб келишади. Уларни биринчи бўлиб Миз номли кампир кўради. Шу сабаб шамол эсган етти-саккиз кун «Айёми ажуз» деб аталган экан¹. Беруний ўз асарида қуйидаги маълумотларни келтиради, «Кампир кунлари»нинг боши 26-шуботдир (яъни 26 февраль). У кетма-кет етти кун бўлади. Арабларда бу кунларнинг номи бор: биринчиси ас-син, иккинчиси ас-синнабр, учинчиси ал-вабр, тўртинчиси Омир, бешинчиси ал-муътамир, олтинчиси ал-муаллил, еттинчиси мутфи ал-жанр (кампир кунларининг энг кучлиси). Бу куннинг шу ном билан аталишининг яна бир сабаби Од қавми узра эсган даҳшатли шамолда ёлғиз бир кампир омон қолади ва у ҳалок бўлган ватандошларига атаб марсия айтиб йиғлаган. Шунинг учун бу кунлар «Кампир кунлари» деб аталган экан. Баъзилар гумонича, «Кампир кунлари» деб аталишига сабаб шуки, бир кампир ҳавонинг исиганини кўриб, пахталик кийimini ечган ва шу кунларининг совуғида ўлган экан. Баъзи араблар гумонича, «Кампир кунлари»нинг бундай аталишига сабаб, бу кунлар қишнинг «кампири» яъни охиридир². Профессор М.Жўраевнинг

1 Ўша асар. 1-т. 50-б

2 Беруний. Танланган асарлар. Т.: Фан. 298-300-бетлар.

тадқиқ қилишича, Айёми азиз – анъанавий вақт ҳисобига кўра қиш фасли тугаб, кўклам бошланадиган пайтдаги олти-етти кунлик муддат совуқ ҳамда иссиқ ҳаво оқимларининг тўкнашуви натижасида содир бўладиган турли табиий ўзгаришлар, ёғин-сочин, шамол ва аёзи билан ажралиб туради. Об-ҳаво кескин ўзгаришлар содир бўладиган бу кунлар халқ орасида Аямажуз, Айём, Азиз, Аямадиз, Шаша каби номлар билан аталади¹. Юқорида берилган маълумотларга таянсақ, Од қабиласига келган шамол айнан қиш билан баҳор фаслининг алмашинуви вақтида содир бўлган табиат ҳодисаси. Шамолнинг одатдагидан бир неча баробар кучли эсиши натижасида бутун қабила йўқ бўлиб кетган ва бу ҳодиса ибтидосини биринчи бўлиб кампир кўрганлиги учун фасллар алмашинувидаги бу ҳодиса Аёми ажуз (айём-кун, ажуз-кампир, қари) деб аталган экан.

Демак, табиатда ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмаган экан. Унинг келиб чиқиши ва халқ тилида мангуга муҳрланиши учун жамият ҳаётида содир бўлган қандайдир жиддий ва унутилмас воқеа-ҳодиса, десак янглишмаган бўламиз. Халқ орасида Аямажузни кампир образи билан боғлаш ҳам ўз-ўзидан содир бўлмаган афсонавий ҳақиқатдир.

¹ Боболардан қолган нақллар, Т.: Фан.1998.123-6

3. Наботот олами этиологияси ва ўзига хос хусусияти

Рабғузий «Қисас ар Рабғузий» асарида наботот олами ҳақида ҳам бир биридан қизиқарли ва ранг баранг маълумотлар келтирадики, уларнинг барчаси бевосита Одам Ато ва Момо Ҳавво яшаган давр билан чамбарчас боғлиқ. Чунончи, уларнинг жаннатдан қувилишида ҳам таъқиқланган мева буғдой сабабчи¹. Афсоналарда маън қилинган меванинг олма, анжир, беҳи дея турлича талқин қилинишидан фарқли равишда ижодкор нега айнан буғдойнинг таъқиқланганини у асосий егулик бўлиб, уни ейиш учун кўп меҳнат талаб этилиши билан изоҳлайди. Демак, ноннинг инсон ҳаётида нечоғлиғ зарурлиги ва қадрли эканлигида ана шу ҳикмат мужассам экан. Дунё халқлари афсоналарида ҳам ярим худолар, афсонавий қаҳрамонлар одамларга маҳсулотларни совукда ўлмаслик учун осмондан олиб тушишганлиги ҳақида хабар берилади. Хусусан, африка халқлари афсоналарида айтилишича, илоҳийлаштирилган темирчи қаҳрамон осмондан ерга тушиб одамларга ёрдам бериш мақсадида пиёз, дон дун маҳсулотлари, найза ва кетмонга ўхшаш асбобни олиб тушади². Полинезия халқ афсоналарида ҳам қаҳрамон Маун батата (жануб ўсимлигининг бир тури ва унинг картошка таъмли илдизмеvasи) ва кокос ёнғоғини кашф этган³. Одам Ато ва Момо

1 Ўша асар. 1-т. 22-б

2 Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976.с 185

3 Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976.с 184

Ҳавво ерга туширилгач, уларга егулик сифатида дастлаб буғдой Жаброил (а.с) орқали юборилади. Шунингдек, уларга ёрдам бўлиши учун жаннатдан икки сигир ҳам ерга туширилади. Жаннатдан кетаётганлигидан хафа бўлиб йиғлаган икки сигирнинг кўз ёшидан нўхат ва ясмиқ (дуккакли ўсимлик) унади. Шунингдек, Жаброил олиб келган буғдой экиш учун Одам Ато ва Момо Ҳаввога берилганда Момо Ҳавво эккан буғдойдан арпа ўсади¹. Халқ орасида сақлаб қолинган нўхат, ясмиқ ва арпанинг пайдо бўлиши Одам Ато ва Момо Ҳавво билан боғланса, дунё халқлари оғзаки ижоди намуналарида бу ҳолат ўзгача талқин қилинади. Улар орасида кенг тарқалган қадимги намуналарига кўра дунёдаги барча ҳайвонот ва наботот, осмон жисмлари ҳамда турли табиий жисмлар ўлдирилган жасаддан пайдо бўлган. Олим Е.М.Мелитенскийнинг аниқлашича, аккад халқ афсоналарида Энлиль (баъзи вариантларда Мардук) номли шахс илоҳа Тиаматни ўлдириб, унинг жасадини бўлақларга ажратади. Танасининг юқори қисмидан осмон жисмларини, қуйи қисмидан ер, ўсимлик ва ҳайвонларни яратади. Шунингдек, хитой халқ афсоналарида ҳам биринчи яратилган антропоморф Пань-гунинг ўлиmidан сўнг суягидан тош ва олтин, баданидаги тукларидан ўсимликлар, сочидан юлдузлар, дона-дона терисидан ёмғир, кўз ёшидан анҳор, дарё, кўзидан ой ва қуёш, нафасидан шамол ва ҳ.к кабилар пайдо бўлиши ҳақида турли оғзаки ижод намуналари яратилганини келтиради².

1 Ўша асар. 1-т. 27-б

2 Қаранг: Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976.с 203

Демак, ҳар икки афсонада ўсимликлар ўлдирилган биринчи одамнинг тана аъзоларидан пайдо бўлган деган қараш мавжуд.

Юқоридаги ҳикоятлардан фарқли равишда қиссада ўсимликларнинг пайдо бўлиши ўзгача изоҳланади. Одам Ато ва Момо Ҳавво ерга туширилгач, айбдорлик, гуноҳкорлик ҳисси билан тавба қилиб кўп кўз ёш тўкишади. Натижада «Одамнинг ёши томган ерда ўт-ем, ачиғ-сучук дорулар бўлди. Ҳаввонинг кўзи ёши томган ерда уд, каранфул (калампирмунчоқ), сунбул, ҳино, ўсма унди»¹. Демак, ижодкор ўсимлик дунёсининг кўпайишини Одам Ато ва Момо Ҳавво-ларнинг тавба ва кўз ёшлари маҳсули дея келтиради. Чин дилдан тавба-тазарруъ қилганликлари учун Аллоҳ Таоло томонидан фойдали ўсимликлар берилиб, ерда яшаши учун шароит яратилган.

Рабғузий қиссада ўсимликлар билан бир қаторда баъзи дарахтлар хусусида ҳам қизиқарли маълумот келтиради. Асарда тасвирланишича, Одам Ато ва Момо Ҳавво жаннатда таъқиқланган мевани еб, шарманда бўлгач, таналари яланғочлигини кўриб барглар билан бекитмоқчи бўлишади. Бироқ ҳеч бир дарахт осий бандаларга ёрдам беришни хоҳламайди. Шунда «Одам югуриб боруда йигданинг йиғочи сунуб Одамнинг сочин тутди, «Қанда борурсен?» теди. «Кўзмасмен», теди. «Кўзсам мавлоға осий бўлурмен», теди. Ул сабабдин Одам ўғлонлари йиғочлари тикканда йигда йиғочини сувдин айроқ тикдилар, сувсиз қолсун теб»². Жийданинг сувсиз

1 Ўша асар. 1-т. 26-б

2 Ўша асар. 1-т. 25-б

ерда экилиши сабабини изохлашда ёзувчи бевосита халқ орасида юрган ҳикоятлардан ташқари Қуръони Каримда берилган маълумотларга таяниб лавҳани бадиий ҳақиқат даражасига кўтаради.

Мазкур дарахт ҳақида юртимизнинг баъзи вилоятларида ўзгача вариантлар учрайди ва улар генезисига кўра Рабғузий келтирган ҳикоятлардан нисбатан кейинроқ пайдо бўлган. Шунга кўра бу афсоналарни илмий жиҳатдан ўрганиш ғоят қимматли эканлигини эътироф этиш лозим. Халқ орасида жийда дарахти ҳақидаги қараш ва тушунчалар икки хил талқин қилинади:

1. Эзгулик тимсоли;

2. Ёвузлик тимсоли.

Эзгулик тимсоли. Жийданинг эзгулик тимсоли сифатидаги халқ қарашлари юртимизнинг баъзи воҳаларида ханузгача сақланади. Жумладан, жийда ўзбек дехқонларининг қадимий ишончларида ҳосилдорлик рамзи бўлиб келади. Хоразмликларда келин тушган аравага жийда шохини боғлаб қўйишган. Ана шу шохлар келин-куёв оиласидаги биринчи фарзанд туғилгунга қадар келин уйида сақланиб қўйилган. Шундай қилинса, келин-куёв серфарзанд бўлар экан. Жийда гули меваси ёки ёғочидан ёш болаларга тумор қилишда ҳам фойдаланишган¹. Демак, жийда халқ қарашларида ҳосилдорлик, турли зарарли назарлардан сақлаш воситаси сифатида қаралган.

Ёвузлик тимсоли. Жийда дарахтининг халқ тасавуридаги ёвузлик тимсоли ҳақида ҳам баъзи қа-

¹ Қаранг: Боболардан қолган нақълар. Т.: Фан. 1998. 109-6

рашлар сақланган. Уларнинг бирида «жийда-одамни телба ва урушқоқ қилгувчи кучга эга ёки соясида «мартув» (шайтоннинг урғочиси) ухлайдиган дарахт»¹ дея нақл этилади. Шунингдек, бу дарахт соясида дев ва ажиналар дам олиб, кўнгилхушликлар қилишар, борди-ю бунинсон зотидан биров кўриб қолгудек бўлса, албатта, тузалмас дардга чалинара экан. Жийда дарахтининг Одам Атога қилган хатти-ҳаракати қиссада салбий баҳоланса-да, у Аллоҳнинг амрига буйсунган холис предмет. Инсон зотининг жийда дарахтига нисбатан қилган қарори эса (уни сувсиз жойда экиши) унинг ақлга эмас, кўнгил амрига бўйсуниб қилган қасд олиш туйғусини эслатади.

Аллоҳ Таоло хузурида шарманда бўлган Одам Ато ва Момо Ҳавволарга япроқ берган анжир дарахти ҳақида қиссада шундай дейилади: «Анжир йиғочи Одам ва Ҳаввога беш ябурғоқ берди, андомларин ўртуб чиқтилар. Тонг отмишда кезин ул беш ябурғоқдан бирин кийик еди йипор бўлди, бирин сиғир еди анбар бўлди, бирин ару еди асал бўлди, бирин қурт еди ипак бўлди, бирин Одам ерга тикди юнг бўлди. Қиёматга теги ўғлонларина кафан бўлди»². Демак, осий бандаларга ҳам яхшилик қилиш, уларга ёрдам бериш қиссада анжир дарахтининг ҳаракати мисолида кўрсатиб берилган. Шунинг учун ҳам анжирнинг баргларини еган тўрт ҳайвон бошқа жонзотларга қараганда инсон учун сеvimли, фойдали, ҳамманинг эъзозидаги ҳайвонга айланди. Одам

1 Боболардан қолган нақллар. Т.: Фан. 1998.65-6

2 Ўша асар. 1-т. 26-б

Ато ва Момо Ҳаввога берган ёрдами туфайли Аллоҳ Таоло бу дарахтни жазоламади, аксинча унга раҳмат назари билан боқди. Мевалар ичида энг севикли ва ширин қилди. Баъзи меваларнинг усти ёйилиб данаги ейилмайди (олма, ўрик сингари), баъзиларининг усти ейилмай ичи ейилади анор, тарвуз каби). Анжирнинг эса ҳам усти, ҳам ичи ейиладиган мевалар шоҳига айланганди. Демак, Рабғузий яшаган даврда баъзи дарахтлар хусусидаги турли тотемик қарашлар сақлаб қолинган бўлиб, инсонлар уларга бевосита ишонишган. Умуман олганда, «Қисас ар-Рабғузий»да берилган наботот дунёсининг келиб чиқиши, ўзига хос хусусияти, инсонларнинг унга бўлган муносабати ҳақидаги афсоналар қадимги инсонларнинг табиатни билишга бўлган эҳтиёжининг дастлабки маҳсулидир. Афсоналар бир томондан, қадимги аждодлар тасавурида сақлаб қолинган халқ оғзаки ижодига бориб тақалса, иккинчи томондан, қиссанинг Куръони Каримда берилган сура ва оятлар асосида қурилгани маълум бўлади. Шунинг учун бўлса керак, ижодкор тасвирлаган объект гоят ишончли, аниқ ва ҳақиқатга яқин туради.

4. Ҳайвонот дунёсининг пайдо бўлиши ва ўзига хос хусусияти ҳақидаги киритма мифологик афсоналар

Инсонларнинг ҳайвонларни ўрганишга бўлган қизиқиши ўта кучли бўлганлиги ва унинг хусусиятини етарлича билмаганликлари сабабли бу борада ўз дунёқарашича фикр юритишган. Бу хулосалар кейинчалик оғзаки ижод неъматларининг турли кўринишларида ўз ифодасини топиб, асосан ҳайвонларнинг келиб чиқиш генезиси, ташқи қиёфаси, бошқа ҳайвонлардан ажратиб турадиган ўзига хос жиҳати, турмуш тарзи ва ерда пайдо бўлиш сабаби каби этиологик ва мифологик функцияларни бажарган. «Қисас ар-Рабғузий» асарида ҳам ҳайвонлар ҳақидаги бир нечта киритма мифологик афсоналар берилган бўлиб улар юқорида тилга олинган этиологик ва мифологик хусусиятга эга. Бу жиҳатдан Нух (а.с) тўфони алоҳида аҳамиятга моликдир. Тарихда ўзининг чуқур илдизини қолдирган бу ходиса ҳақида қадимги Шарқ афсоналарида айтилишича, Ману деган шахс эрталаб юзини юваётганда кўзадан миттигина балиқ тушиб, уни бўлажак тўфондан, унинг қачон ва қай вақтда содир бўлишидан огоҳлантиради ва Ману балиқчани боқиб катта қилса, уни бу тўфондан кутқаражагини маълум қилади¹. «Қисас ар-Рабғузий» асарида Нух тўфони халқнинг залолатга берилиб, яратувчи Аллоҳни инкор қилганликларидан юборилган офат дейилади². Бутун

1 Поэзия и проза Древнего Востока. М.: Художественная литература. 1973. с 399

2 Ўша асар. 1-т. 39-45-бетлар

дунё халқлари оғзаки ижод намуналарида машхур бўлган Нух тўфони ҳақидаги қарашлар республика-мизнинг баъзи туманларида ҳам учрайди. Унга кўра Фарғона вилоятида Лангар деган жой бўлиб, унинг бу ном билан аталиши Нух (а.с) кемасининг лангари шу ерда тушиб қолганлигида деб изоҳлашади ва ҳозирги кунда бу жой зиёратгоҳ маскан сифатида халқ эътиқод ва ишончидан жой олган¹.

Қиссада аждодларнинг фикр доираси, тасаввур дунёси, яшаш тарзи ҳақида маълумот берувчи кўплаб мифологик афсоналар келтирилган бўлиб, улар ўтмиш инсонларнинг табиат ва одам ҳақидаги илк ибтидоий қарашлари маҳсуллари сифатида қимматлидир. Масалан, қиссада сичқон, тўнғиз ва мушукнинг пайдо бўлиши ҳақида шундай дейилади: «Хабарда андоғ келтурмишлар, уч нарса йўқ эрди. Кемада, дарё ичинда бўлди. Бири мушук, иккинчи сичқон, учунчи тўнғуз. Сичқон пайдо бўлди, кемини талашлади. Ёрлиғ бўлди, Нух илкин арслон бошинга сифади. Бурниндин икки мушук чикди. Ул сичқонни едилар. Одамийларнинг, йилқи қораларнинг нажосатлари кемида телим бўлинди. Ғоят эмгатди эрса ёрлиғ бўлди: «Нух алайҳис-салом инганнинг орқасинга илик сифасун». Сифади эрса инган (туя) куйрукин тебратди, сўнгундин тўнғуз чикди. Нажосатларни қамуғ еди. «Бу кун тўнғузнинг эти ҳаром бўлган сабаб ул турур»². Эътибор қилинса, ёзувчи мушук, сичқон ҳамда тўнғизнинг пайдо бўлишини Нух тўфони билан боғлайди ва буни «Хабарда

1 Боболардан қолган нақллар. Т.: Фан. 1998. 50-б

2 Ўша асар. 1-т. 43-44-б

андоғ келур» анъанавий зачини билан бошлайди. Ижодкорнинг бу лавҳалари этиологик хусусиятга эга бўлганлиги сабабли уни ўқиганда сичқон аввал бошдан кемирувчи зараркунанда бўлган экан деган тасаввур пайдо бўлади.

Дунё халқлари фольклор намуналарида маълум бир ҳодисанинг этиологиясини келтиришда ўзига хос ёндашув ҳайвонлар этиологияси ва хусусиятининг вариантлилигини таъминлайди. Хусусан, сахалин халқлари орасида бу зараркунанда ҳақида «Қурбақа ва каламуш» афсонаси борки, у халқ орасида «Удала и атиь» номи билан машҳур. Унга кўра кунларнинг бирида кўп фарзандли қурбақа ва кўп фарзандли каламуш қайиққа ўтириб бироз шумурт (дарахт тури) териб келгани йўлга чиқишади. Каламуш қайиқни бошқаради, қурбақа эса эшқакни бошқаради. Узоқ денгиз кезиб бир соҳилда тўхташади. Каламуш югуриб соҳилга чиқиб бир талай олма териб келади. Қурбақа эса соҳил тик бўлгани учун қайиқдан ташқарига чиқолмайди. Шунда қурбақа болаларини каламушникига жўнатиб олмасидан озгина бериб туришини сўрайди. Бирок каламуш унинг болаларини уриб ҳайдаб юборади. Орадан бироз вақт ўтиб қурбақа болалари билан буғу ҳайвонини ўлдириб еяётганда, каламуш ҳам улардан бироз гўшт сўрайди. У ҳам рад жавобини олади. Шунда каламуш гўштни ўғирламоқчи бўлиб борганда, уни пойлаб турган қурбақа таёқ билан орқасига зарб билан уради. Шундан бери каламуш букри ва чийиллаган овоз чиқариб юрадиган бўлган экан¹. Эътибор

1 Фольклор и этнография. Л.: Наука. 1970. с 39

берилса, ҳар икки ҳикоятда сичқон ва унинг турдоши каламуш зараркунанда, хасис, ўғри, худбин кемирувчи ҳайвон сифатида тасвирланади ва бу қараш инсонлар орасида ҳозиргача сақланиб қолган. Ҳикоят билан танишган китобхон шу сабабли мушук азалдан сичқонни ейиш учун яратилган экан ёки сичқон ва каламушларнинг чийиллаб овоз чиқариб юришида унинг очкўзлиги сабаб бўлган экан, деган хулосага келади ва оламжаҳон завқ олади.

Ёзувчи ислом дунёсида чўчка гўштининг ҳаром қилинганлигининг сабабини ҳам Нух тўфони билан боғлайди. Унга кўра бу ҳайвон аслида кемада йўқ бўлиб, нажосатлар кўпайиб кетганлиги сабабли пайдо бўлган. Кемани у турли нажосатлардан тоза-лаб берган бўлса-да, еган озуқаси ҳаром эди. Шу туфайли инсонлар унинг гўштини еб соғлиғига зарар етмаслиги учун гўштини ейиш маън қилинган дея изоҳ берилиши ҳам ўринли саволга ўринли жавоб сифатида ўқувчи қалбида чуқур из қолдиради.

Нух кемасида йўқ ҳайвонлардан яна бири мушук. У ҳам асарда маълум сабаб билан, яъни кемада сичқон пайдо бўлиб бутун жонзотни ғарқ қилиш кўрқинчи пайдо бўлгандан кейин арслоннинг бўрнидан чиққан ҳайвон сифатида тилга олинади. Демак, мушук ҳақидаги бу мифологик афсона этиологик хусусиятга эга. Хўш, бу мифлар қачон пайдо бўлган ва унинг илдизи қайси халққа тақалади? Агар араб халқлари оғзаки ижод намуналарини кўздан кечирсак, унда исломга қадар яратилган кўплаб фантастик фольклор намуналари изларини учратишимиз мумкин. Масалан, араб давлатларидаги суа-

хили халқ афсоналарида «Мушукнинг тарихи» номли эртақда мушукнинг қандай қилиб уй ҳайвонига айланганлиги ҳақида хабар берилади¹. Нух (а.с) қиссасидаги мушукнинг пайдо бўлиши ва суахили халқ афсоналаридаги мушукнинг уй ҳайвонига айланиши тўғрисидаги мифологик афсоналар солиштирилганда Рабғузий келтирган лавҳалар нисбатан қадимий ва бу мифологик афсоналар дастлаб туркий халқлар оғзаки ижод намуналарида пайдо бўлганлиги маълум бўлади. Бу эса туркий халқларнинг келиб чиқиши узоқ мозийга тақалиб, илк инсонлар яшаган манзил бўлганлигини тасдиқлайди. Нух тўфонидида пайдо бўлган мушук афсонасининг мантикий давоми сифатида араб халқлари оғзаки ижод намуналаридаги мушукнинг уй ҳайвонига айланиши лавҳасида халқлараро ўзаро ҳам фикрий боғлиқлик борлиги тасвирланади.

Куйидаги ҳикоятда ҳам мушукнинг яна бир хислати очиб берилади. Тўфон вақтида Нух (а.с) барча инсон ва жониворларга: «Жуфтларингиз билан қовушманг, кўпайишсангиз кемада сиғмаймиз», - деб таъкидлайди. Бироқ ит буйруққа итоатсизлик қилиб жуфти билан қовушади. Итнинг бу ҳолатини кўрган мушук воқеадан пайғамбарни хабардор қилади. Ит эса бу айбловни очик рад этади. Шунда мушук Аллоҳ Таолога ёлбориб: «Илохий, бу ит сенинг ялавочингга ялғон сўзлаюр, яна тонар. Қудратинг била мунини бир ҳол уза тутгил, мен бориб Нухға хабар қилайин, ўзи келиб кўрсун», теди. Мавло анинг дуъосини ижобат қилди. Ит ул ҳол уза қолди. Нух келиб

¹ Фольклор и этнография. Л.: Наука. 1970. с 232

кўргинча....., ит ғоят уётлиғ бўлди. Бу кунга теги итга ул иш мерос қолди. Ит ема дуо қилди: «Мани Нухға фасихат қилди. Изиё, анима расво қилғил», теди. Мавло азза ва жалла итнинг тилакин раво қилмади. Качон мушуклар жуфтига ҳожатлиғ бўлса онча янглиғ ун чўғи қилур. Қамуғи халқлар билур»¹. Итнинг айбини очган мушукка яна бир ҳолат мерос қолди. Яъни у жуфтига ҳожатлиғ бўлганда овозини борича увиллар ва бу овозни ҳамма эшитар ва билар экан. Ёзувчи шу ўринда мақол ҳам келтиради: «Кимнунг айбин очса ул яна ул айбга мубтало бўлур»². Демак, ёзувчи мушукнинг пайдо бўлишидан тортиб ўзига хос табиатига ишора қилувчи маълумотларни халқ орасидан ёзиб олган бўлиб, бундай мифологик афсоналарнинг XIII асрга қадар халқ орасида сақланганлиги ва бизгача етиб келганлиги дунёнинг моҳияти ва тузилишини тушунишда фольклор «илк бешик» вазифасини ўтаган деган қатъий хулосага келишимизга асос бўлади.

Рабғузийнинг ўзига хос ютуғи шундаки, воқеа-ходисаларни тасвирлашда турли мифологик афсоналардан фойдаланиб, уларни бир сюжет атрофида бирлаштирганидир. Эътибор қилинса, юқоридаги лавҳада ит ва мушукнинг азалий адовати ҳақида ҳикоя қилинади. Киритма мифологик афсоналар воситасида одамларнинг нега ит доим мушукни ёмон кўради, нега уни кўрганда тинимсиз ҳуриб қувлайди, нега мушук ундан доим қочиб юради каби саволларига жавоб бергандек бўлади. Демак, қадимги ин-

1 Ўша асар. 1-т. 44-б

2 Ўша асар. 1-т. 44-б

сонлар тасаввурида бу адоватнинг ибтидоси мушук итнинг айбини очишида ва энг ачинарлиси, ит пайгамбар олдида уятли бўлганлигида деб изоҳланган. Натижада итнинг жуфтига қовушганда маълум муддат шу алфозда туриши ва бундан барчанинг хабар топиши унинг авлодига мерос қолди. Шу сабабли ҳам ит авлоди мушукни ёмон кўради. Мушукнинг чақимчилиги учун доим ундан ўч олмоқчи бўлади. Мушукнинг ҳам бу иши гарчанд тўғрига ўхшаса-да, бироқ ёзувчи унинг бу ишини маъқулламайди. Буни эса «Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан» мазмундаги «Кимнунг айбини очса ул яна ул айбга мубтало бўлур» мақоли билан фикрини тасдиқлайди. Ҳақиқатда ҳам, азалдан бировга ёмонлик иташ, уни ўзгалар олдида шарманда қилиш, иззат-нафсига тегиш, ҳақорат қилиш халқимизда қаттиқ қораланган. Мушукнинг иши ҳар қанча тўғри бўлса-да, лекин ит ҳақида эзгу дуо қилмаганлиги учун ўзи ҳам, ит ҳам уятли бўлади. Е.М.Мелитенскийнинг «Поэтика мифа» асарида итни «полинезиялик қаҳрамон Маун пайдо қилганлиги ҳақида хабар берилади»¹. Қадимги инсонларнинг анъанага айланган одатларини ўзларича тушуниши ва унга асосли ҳикоятлар келтириши, дунёни билишидаги илк содда илмий тасаввурлари маҳсули дейиш мумкин. Қиссада ит ҳақидаги бошқа бир ҳикоятда итнинг инсонга вафодорлиги тасвирланади. Одам Ато ва Момо Ҳавво ер юзига тушгач, Шайтон (а.л) ер юзидаги барча жонзотларга: «Ер юзига туширилажак одамлар сизни ва авлодларингизни қириб ташлайди», - дея васвасага

¹ Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976. с 184

солади. Шунда барча жонзотлар Одамни ўлдиргани борганда Одам (а.с)га ёрлиғ келди: «Эй Одам, буларда бирин узургил илкингни бошинга сиқағил». Одам итни узурди... Ул кундин беру ит Одам ўғлонлари бирла қолди»¹. Лавҳада итнинг қандай қилиб инсоннинг энг яқин дўсти бўлганлигининг сабаби берилади. Барча ҳайвонлар инсонга қарши чиққанда итнинг Одамга вафодорлик қилиши, ундан меҳрини аямаслиги Одам томонидан унинг бошини биргина силаш орқали амалга ошади.

Рабғузийнинг таъкидлашича, уй ҳайвонларининг инсонлар билан қолишида ҳам маълум сабаб бор. Хусусан, қиссада хўрознинг қай тарзда уй паррандасига айлангани ҳақида лавҳа келтиради. Унга кўра тўфон тугаб, кема Жади тоғи бошида қўнади. Шунда пайғамбар «Ерда сувнинг не миқдор қолганлигини билиш учун ким боради» деганда қора қарға ундан бу вазифани бажариш учун изн сўрайди. Нух (а.с) унга рухсат бериш олдидан бирор нарсани қайтиб келиши учун кафил қилиб қолдиришини айтади. Шунда эркак товук (хўроз) қарға учун кафил бўлди. «Қарға борди, ўлуклар телим бўлди. Ани егуга бўлуб кеч қолди. Қарға хўрознинг кутаётганлигини билса-да, қайтиб бормайди. Ваъдасига вафо қилмаганлиги учун Аллоҳ Таоло қаргани ўлимтихўрга айлантириб, доим кўрқинч ва ҳадикда юриши учун узоқ умр беради. Шу сабабли ҳам қора қарға «... қўнмишда ўнгунда, сўнгунда боқар темишлар»². Табиатнинг, ҳайвонотнинг энг нозик, энг кичик де-

1 Ўша асар. 1-т. 26-б

2 Ўша асар. 1-т. 45-б

талигача эътибор қилган, унинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилган, қадимги инсонларнинг бу изоҳини ҳозир ҳам амалиётда синаш мумкин. Агар китобхон эътибор қилса, ҳақиқатда ҳам қора қарға ерга қўнганганда аввал ўнга ва чап томонга қараб, сўнгра ўз ишига машғул бўлади.

Рабғузий шу ўринда кўл, денгиз, дарёларнинг хусусияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Яъниким, сув ҳавзалари ҳар хил бўлиб, бирининг суви аччиқ, бириники шўр, бириники эса бадбўй. Бунга сабаб тўфонда бутун жонзотнинг ўлиб, сув ҳавзаларининг тубида қолиб кетганида эмиш¹. Бундай мавзудаги асотирлар Ўрта Осиёда ислом таълимоти кириб келса-да, Рабғузий давригача янги шакл ва мазмунда қайта ишланган. Ижодкор талқинида сув ҳавзаларининг ўзига хос хусусиятини илмий мушоҳада қилишда тўфонининг асос қилиниши табиатни ўрганишдаги илк назариялардан бири сифатида қимматлидир.

Қарғанинг бевафолигидан хўрознинг аҳволи не кечди? Қиссада лавҳа шундай давом этади: «Эркак товук ўғға кирмиш учун кемига кириб, кеми томинға ошиб қанит тўкиб чорлаю бошлади. Қарға андин ёнмади. Нуҳ алайҳис-салом товукни олиб қолди. Ул сабабдин товук учмас бўлуб одамийлар бирла қолди»². Хўрознинг содда ва ғўрлиги туфайли қарғанинг номидан сўз бериб кафил бўлганлиги унга қимматга тушди. Бунинг бадалига у ва унинг авлодлари бир умр одамлар билан яшашга маҳкум этилди. Лавҳада

1 Ўша асар. 1-т. 44-б

2 Ўша асар. 1-т. 45-б

ижодкор нафақат хўрознинг уй паррандасига айланаши, балки унинг ҳар тонгда баланд шох ёки уйнинг томига чиқиб қанот қоқиб қичқиришининг ҳам изоҳини келтирган. Унга кўра хўроз ҳали ҳануз дўсти қарғанинг қайтиб келишини кутар экан. Бундай асотирлар гарчанд қадимги инсонларнинг тажрибага асосланган илк илмий қарашлари маҳсули бўлса-да, уни ўқиганда киши олам-олам завқ олади, шу билан бирга ҳайрат дарёсига чўмади. Хўрознинг уй паррандасига айланиши сабаби араб давлатининг суахили халқ афсоналарида ҳам учрайди. Бироқ у Рабғузий келтирган лавҳадан бирмунча фарқ қилиб, генезисига кўра исломдан олдин яратилган оғзаки ижоди намуналарига тақалади. «Товуқ ва цесарка» (цесарка-товуқсимонлар туркумидаги парранда) эртагида берилишича, товуқ, хўроз ва цесарка ўрмонда бирга яшаган экан. Кунларнинг бирида ўрмонда қаттиқ совуқ туриб, учала куш совқота бошлайди. Шунда товуқ инсонларнинг олдига бориб улардан озгина олов бериб туришларини сўрайди. Бироқ инсонлар унга олов беришини хоҳламайди, балки уни атайин тўкин дастурхон устида меҳмон қилишади «товуқ биз билан қолсин» деб. Узоқ қолиб кетганидан товуқдан хавотир олган хўроз инсонларникига бориб у ҳам қолиб кетади. Ўрмонда совуқда ёлғиз қолган цесарка товуқ ва хўрознинг дом-дараксиз қолиб кетганидан хавотир олиб, одамларнинг уйига бориб деразасидан пойлаб кузатиб турса, улар товуқни сўйиб овқат қилаётганлигини кўради. Буни кўрган цесарка кўрқиб ўрмонда яшашга аҳд қилди. Ўшандан буён товуқ ва хўроз инсонлар билан, це-

сарка эса ўрмонда яшайдиган бўлибди¹. Юқорида берилган товук ва хўрознинг уй паррандасига айланиши ҳақидаги ҳар икки афсона бир хил мавзуда бўлса-да, воқеа-ҳодиса икки хил талқин қилинади. Яъни хўрознинг одамлар билан қолишида туркий халқларнинг афсоналарига кўра қарғанинг ваъдасида турмагани бўлса, араб давлатларининг фольклор намуналарига кўра инсонларнинг олов бермаганлигида деб изоҳланади. Эътибор қилинса, мазкур мифологик афсоналар ислом дини таъсирида яратилмаган, аксинча туркий ва араб халқларнинг энг қадимги фольклор намунаси ҳисобланади. Рабғузий яшаган даврда ислом маданияти халқимиз орасида кенг тарқалган бўлса-да, туркий халқларнинг илк ижод маҳсуллари ўша давргача сақланганини, Рабғузий бу лавҳаларни авлодларга қолдириш учун атайин келтирганини фаҳмлаш қийин эмас.

Куруқ ер хабарини келтирмаган қора қарғадан сўнг Нух (а.с) кабутарга бу вазифани топширади. Буйрукни бажону дил қабул қилган кабутар «Борди сой ер бўлди, суви сингмиш. Ул ерда кўнди-азоқи балчиқ бўлди. Ул соат-ўқ ёниб келди. Азоқиндақи балчикни кўргузди. Ул балчиқ аёқи уза туйлук бўлди. Бу кун азоқи туйлуқлар анинг уруғи турурлар. Тақи бир ривоятда: Кўнгарчкун келиб сув қурмиш ерда кўнди. Азоб суви сассиқ учун азоқи қизил бўлди»². Демак, кабутарларнинг баъзи турларида учрайдиган оёқлари орасидаги қизил парда Нух тўфонидан мерос

1 Фольклор и этнография. Л.: Наука. 1970. с 232

2 Ўша асар. 1-т. 45-б

қолган. Бошқа лавҳада нақл этилишича, кабутар оёғига азоб суви текканлиги сабаб, у қизил тусга кирган. Кабутарлардаги бу хусусият Нух тўфонидан мерос дея изоҳлаган ёзувчи унинг инсонлар томонидан эъозланишининг сабабини ҳам тушунтиради. Қора қаргадан фарқли ўларок ваъдасига вафо қилиб, ишончни оқлаган кабутар пайғамбарнинг эзгу дуосига сазовор бўлди. Шу сабаб ҳам инсонлар уни севиб, уйларида жой беришади. Уни эзгулик, шодлик, бахт, тинчлик тимсоли деб билишади.

Айнан шу қарашларни қалдирғочга нисбатан ҳам бериш мумкин. Бу қуш ҳам қиссада кабутардек безор инсонларни севувчи ва эъозловчи, вафодор, оқил, доно қуш сифатида гавдаланади. Унга мувофиқ сичқон тешган кемани илон ёпгач, ваъдага кўра дунёдаги энг тотли жонзот унга тақдим этилиши керак эди. Тўфон балоси тугаб, ҳамма қуруқликка чиққач, Нух (а.с) сингакка барча жонзотни чақиб кўриб, уларнинг ичида энг ширинини аниқлаб беришни сўрайди. Сингак ҳам топшириққа кўра ҳамма жонзотни бирма-бир чақади. Ҳадеганда қайтмаган сингакдан хавотир олган Нух (а.с) қалдирғочни унинг орқасидан юборади. Йўлда сингакни учратган қалдирғоч шундай дейди: «Этларни тотдингму? Қаю эт тотлиғ турур?» Сингак айди: «Қамуғ этлардин одамий эти тотлиғ турур». Қарлуғоч айди: «Ул этнинг тотлиғи оғзингда бор бўлғай. Оғзингни очғил йизлайин», теди. Сингак оғзини очди, қарлуғоч сингак оғзин йизлаюр бўлуб тумшуқи бирла сингак тилин кесиб солди. Ул кундин беру сингак тилсиз

колди»¹. Қалдирғоч сингак билан бирга илон ва Нух пайғамбарнинг олдига келиб, дунёдаги энг ширин эт сув бақасининг гўшти эканлигини айтади. Халқ орасида маълум ва машҳур бўлган бу афсонанинг давоми ҳам бўлиб, негадир мифологик афсонанинг кейинги воқеаларини ёзувчи келтирмайди. Ҳанузгача сақланган мазкур асотирнинг кейинги лавҳалари куйидагича кечади: Сингакнинг ҳадеб гўнғиллашига кўра қалдирғоч илонга «Сингак сув бақасининг эти ширин» демоқчи деб айтганида илон қалдирғочнинг бу сўзида ёлғон аралашганини сезади ва тўсатдан қалдирғочга ташланади. Қалдирғоч илонга чап бериб қочади, бироқ илон ҳамла қилганда қалдирғоч думини тишлаб олади. Шундан бери қалдирғоч думининг ораси очик экан. Қалдирғоч ҳам бўш келмай илоннинг тилини чўқиб олади ва шундан бери илоннинг тили ҳам қалдирғочнинг думига ўхшаб ораси очик эмиш. Лавҳадан кўринадики, ҳайвонот олами этиологияси ва генезиси энг қадимги даврлардан яратилган бир бутун шаклдан иборат, воқеалар бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Қалдирғочнинг халқ қарашларида эзгулик, тинчлик, яшариш тимсоли эканлиги қиссанинг бошқа ўринларида ҳам учрайди. Иброҳим (а.с) Намруднинг шартига кўнмагач, уни ёқиш учун оловга отади. Қалдирғоч эса Иброҳим (а.с)нинг ўтда куйишини истамай гулханни ўчириш ниятида тумшуғида сув ташийди². Гарчанд қалдирғочнинг кичкина тумшуғида ташиган суви гулханнинг ўчишида ҳеч

1 Ўша асар. 1-т. 43-б

2 Қаранг: Ўша асар. 1-т. 67-б

қандай ёрдам бермаса-да, унинг чин дилдан қилган эзгулиги таҳсинга сазовор. Шу сабабли ҳам инсонлар уни эъзозлаб, уйининг тўридан жой беришади.

Учинчи ҳикоятда ҳам қалдирғочнинг поклик куйчиси эканлиги мадҳ этилади. Унга кўра «Расул алайҳис салом айди: Олти қушни ўлтурманг, бири кўк қарға, Одам қуловуз учун. Иккинч қўринжа Сулаймонга ўгут бермиш учун (Қуръонда ва «Қисас ар-Рабғузий» асарида чумоли Сулаймонга ўгут берган кумурска деб келтирилса, ҳашвияликлардан бирининг келтиришича, Сулаймон шамолга буюрди, шамол уни кўтариб кетди, бир қалдирғоч унга рўпару чиқиб: «Эй подшоҳ! Уямда бир мунча тухум бор, уларни босиб кетма, нарироқдан ўт», - деди. Сулаймон наридан ўтди ва у ерга тушгач, ҳалиги қалдирғоч тумшуғида сув олиб келиб, унга сепди ва унга чигиртканинг бир оёғини совға қилди¹. Бу маълумот бошқа манбаларда учрамайдиган ҳақиқатдан йироқ маълумот бўлса-да, ваҳшийларнинг қалдирғочга бўлган эзгу муносабати ифодасини англатади), Учунч қарлуғоч «Суратул-ҳашр» охирини ўқур учун, баъзилар аймишлар «байт ал-Муқаддас»² ҳарб бўлмишда бўлмишига³ йиғламиш учун. Анинг учун корни урунг бўлди. Тўртунч худхуд Сулаймонга элчи бўлмиш учун. Бешинч сув бақаси Намурд ўтинга су келтурмиш учун. Олтинч

1 Беруний. Танланган асарлар. 254-6

2 Қаранг: Ўша асар. 2-т. 27-6 Фаластиндаги машҳур шаҳар Уршалим ва Қуддуси Шариф деб ҳам аталган.

3 Шу ўринда хатолик бор. Бўлмишида ва бўлмишига бир хил маъно англатиб, матнда уларнинг бири ишлатилиши керак эди. Қаранг: Ўша асар. 1-т. 27-6

асал араси. Андин одамийга шифо бўлур учун»¹. Бу лавҳада ҳам ўлдирилиши таъқиқланган олти куш қаторида қалдирғоч бор. У Қуръондаги Ҳашр сурасининг охирги оятларини ўқиган, шунингдек Байт ул-Муқаддаснинг босқинчилар томонидан бузилишида йиғлаган. Шу сабабли унинг қорни оқарди. Юқоридаги лавҳаларга эътибор берилса, қалдирғочнинг эзгулик, софлик, дўстлик, ёшлик кўйчиси эканлиги бир эмас тўртта лавҳа воситасида асослаб берилган. Бу эса қадимда ҳам қушнинг бу турига айрича ҳурмат ва эҳтиром ила қаралганлигини исботлайди. Шунингдек, бошқа бешта қуш ҳам (улардан бири хашарот) табулаштирилган. Яъни кўк қарға Одам (а.с)га қуловуз (йўл кўрсатувчи) бўлгани учун, чумоли Сулаймон (а.с)га ўғит бергани учун, тўртинчи худхуд Сулаймонга элчи бўлгани учун, бешинчи сувбақаси Намруд Иброҳим (а.с)ни ўтда куйдирмокчи бўлганида сув келтирган. Олтинчи асалари асали билан инсонга фойда берганлиги учун. Лавҳа орқали ўтмишда пайғамбарлар ҳаётида у ёки бу даражада таъсир этиб, уларнинг меҳрини қозониб, эзгу дуосига сабаб бўлган ҳайвонларнинг эзгулиги қиёматгача уларга мерос бўлиб қолганлиги тасвирланган. Ҳаттоки ҳозирги кунда ҳам мазкур тотемик қарашлар халқ орасида сақланиб қолган.

Куйида берилган лавҳада ёзувчи эзгуликка эмас, қарғишга учраган жониворлар ҳақида маълумот беради. Намруд Иброҳим (а.с)ни ўтда куйдириш учун ҳаммага ўтин ташитади. Ўтинни от, туя, эшакка ортишганда пайғамбарни ўтда куйишини истамай бу

¹ Қаранг: Ўша асар. 1-т. 27-б

хайвонлар ётиб олишади. Хачир эса ўтин ортилганда индамай ташийди. Буни кўриб турган пайғамбар хачирни лаънатлайди. Шу сабабли у уруғламас бўлди. Шунингдек, унга бирор юк ортишса, уриб, сўкмагунча жойидан жилмас эмиш¹. Демак, хачирнинг ҳар доим калтакланишида ҳикмат бор экан. У ўйламай-нетмай қилган айби туфайли авлодлари билан бадалини тўлашга мажбур.

Бу каби салбий характердаги хайвонот туркуми қиссада талайгина. Иброҳим (а.с)ни ўтда ёқишмоқчи бўлганда баъзи хайвон ва қушлар оловни ёқишга кўмаклашади. Яъни «Сичак чўп ташиди – камуғ ўғлонлар ани тутуб юнгин юлуб ўтга сўклуб еюрлар. Калаз ўтни урди, бўлган ерда ўлтурурлар»². Демак, калаз³ ва сичак келиб ўтни алангалатмоқчи бўлганда Иброҳим (а.с) уларни лаънатлади. Шундан бери одам фарзандлари калазни кўрган ерларида ўлдирадиган бўлишди. Сичак (чумчук)нинг эса Одам фарзандлари тутиб ейиши мерос қолди⁴. Шунга ўхшаш бошқа ҳикоятда Одам (а.с) ерга туширилгач, шайтоннинг найранги билан турли хайвонлар унга ҳамла қилмоқчи бўлишади. Шунда энг аввал сича (чумчук) унинг бошини чўқийди. Шундан бери Одам авлодлари уни сўйиб ейишади⁵. Эътибор берилса, шу ўринда қиссани табдил қилувчилар томонидан хатолик ўтгандек. Юқорида сича, калаз ҳамда сичак

1 Ўша асар. 1-т. 64-6

2 Ўша асар. 1-т. 67-6

3 Қаранг: Калаз – чумчук, сичак сўзи билан маънодош. Ўша асар. 1-т. 221- 226-б

4 Ўша асар. 1-т. 67-6

5 Ўша асар. 1-т. 26-6

ҳақида уч хил лавҳа келтирдик. Лавҳанинг мазмунига қаралса, сича ва сичак бир қушнинг икки хил номи. Уларга қилинган дуо ҳам бир. Яъни қилган гуноҳлари учун одам фарзандлари тутиб, патини юлиб пишириб ейишади. Калазни эса кўрган ерларида ўлдиришади. Қисса сўнгида берилган луғатда бу сўзларга қуйидагича изоҳ берилган: Калаз- чумчук, сича – қуш номи, сичак- чумчук¹. Дикқат билан ўйлаб қаралса, дастлабки лавҳада бир қуш ҳақида бир вақтда калаз ва сичак номи остида икки хил талқин берилиши мумкинми? Агар шундай бўлганда ижодкор уларнинг бирини «Аймишлар», «Хабарда андоғ келурким», «Ривоят қилибдурларким» каби турли зачинлар воситасида бермасмиди? Бу ерда ёзувчи эмас, қиссанинг ўзбек тилига табдил қилиш жараёнида хатолик кетган. Чунки сичак ва калазнинг бир вақтда икки хил ҳаракат қилиши ва уларга Иброҳим (а.с) икки хил дуо қилиши уларнинг икки хил ҳайвон эканлигини тасдиқлайди. Шунингдек, Рабғузийдек буюк ижодкор асарда оддий китобхон кўра оладиган даражадаги хатога йўл қўйиши мантиққа зид. Иккинчидан, қиссани табдил қилиш жараёнида матндаги сўзларга бир томонлама фақат юзаки маъносига эътибор қилингани чалқашликни юзага чиқарган. Бизнингча, қиссанинг 26- ва 67- бетларида берилган сича ва сичак аслида битта сўз бўлиб, ҳар иккиси қушнинг тури чумчуқ эканлигини кўрсатади. Калаз эса гарчанд тарихийлик принципига кўра чумчуқ дея келтирилса-да, матн мазмунидан унинг бошқа ҳайвон турига кирганлигини кўрсатади. Ка-

¹ Ўша асар. 1-т. луғат қисми

лаз сўзи ҳозирги кунда ҳам баъзи жойларда, хусусан Қашқадарё вилоятининг айрим туманларида халқ тилида истеъмолда бўлиб калтакесак сўзининг маънодошидир. Шунингдек, мазкур туманнинг баъзи жойларида калтакесакнинг пайдо бўлиши ҳақидаги асотир келтирилган бўлиб, унга кўра бир келин ҳар доим қайнонасининг гапларини девор ортидан пойлаб юрар экан. Кунларнинг бирида келинининг бу қилиқларидан тоқати тоқ бўлган қайнона унинг яна гап пойлаётганлигини кўриб, «Хей, деворга ёпишиб қол», дея қарғайди. Шунда ҳалиги келин калтакесакка айланиб, бир умр деворга ёпишиб юришга маҳкум этилган эмиш.

Ёзувчи қиссада судралиб юрувчилар туркумидаги илонлар ҳақида ҳам қизиқарли мифологик афсона келтирган. Маълум бўлишича, Одам Ато ва Момо Ҳавволар жаннатда тинч ва бахтли яшаб юрганларида лаънатланган Иблис нима қилиб бўлса-да бу икки инсон билан учрашиш учун имкон қидиради ва ўйлаб-ўйлаб илоннинг оғзига бекиниб жаннатга киради. Инсон туфайли малъун бўлганлиги сабаб Иблис ўч олиш, ўзига ўхшаб уларга ҳам малъун деган тамға бостириш учун Одам Ато ва Момо Ҳавво ни гуноҳга бошлайди ва бунга эришади. Инсон ҳаётидаги бу даҳшатли эврилишга асосий сабабчилардан бири бўлган илон жаннатдан қувилади. «... йилоннинг қўрклик суврати айнади, бу янглиғ бағрин юриюр бўлди, ачиғ туброк егучи бўлди»¹. Демак, илон аслида ўта чиройли ҳайвон бўлиб, унинг қўрки ҳар қандай инсонни маҳлиё қиладиган даража-

¹ Ўша асар. 1-т. 26-б

да гўзал бўлган. Бироқ қилган хатоси сабаб яъни, малъунга ёрдам берганлиги туфайли жазо сифатида дунёдаги энг жирканч, кўл-оёқдан мосуво, судралиб юрувчи ҳайвонга айланди. Шу қилган хатоси учун у ва унинг авлодларга бир умр-қиёматгача бағрини ерга бериб, тупроқ ялаб юриш мерос қолди. Демак, ҳар қандай ишни бошлашдан аввал яхшилаб ўйлаб, унинг натижасини бир қадар олдиндан мушоҳда қилиш кераклиги, ишнинг оқибати қандай яқунланишидан қатъий назар уни ўзгартириб бўлмаслигини ёзувчи илоннинг тақдири мисолида кўрсатиб беради.

Рабғузий халқ орасида кенг ёйилган, эртак ва дostonларда мадҳ этилган, қахрамонга мислсиз даражада кўп ёрдам бера оладиган учар отлар ҳақида Сулаймон (а.с) қиссасида тўхталиб ўтади. Унга кўра Сулаймон (а.с) Ковон номли тоғда бир уюр учар отларни кўради. Шу отларга иштиёқманд бўлиб, Самдун дев орқали уларни кўлга киритади. Бироқ отга маҳлиё бўлиб намози қазо бўлганлигини билгач, жаҳл устида ҳаммасини ўлдиртиради. Сулаймон (а.с) отларнинг барини қирдириб ташлаган бўлса-да, уларнинг ўндан бирини Сулаймоннинг вазири Осаф ибн Барҳиё бекитган эди. Кейинчалик бу отлар бошқа отлар билан чатишиб, кўпайиб, улардан тубучоқ отлар пайдо бўлган экан. Демак, ёзувчи тубучоқ отнинг генезиси ҳақида маълумот бериб, гўёки тубучоқ отлар учар отнинг кейинги авлоди эканлигига ишонтирмоқчи бўлади. Қанотли отлар ҳақидаги афсоналар турли халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам учрайди. Айниқса, ислом дини кириб келгандан сўнг, бу таълимотнинг мазмун-моҳияти

«қадимги грек, қадимги турк ва айниқса Яқин Шарқ халқларининг дастлабки яратилган оғзаки ижод намуналарида янги шакл ва мазмунда кенг ёйилган»¹.

Рабғузий сувда яшовчи ҳайвонлар, хусусан, балиқлар ҳақида тўхталиб, халқ орасида учраб турадиган саволлардан бири балиқнинг бўғизланмасдан ейилиш сабабини қуйидагича изоҳлайди. Маълум бўлишича, Намруд Иброҳим (а.с) таъриф қилган Худони ўлдириш учун махсус қути ясадиб, қушлар ёрдамида осмонга кўтарилади. Қушлар уни баландликка олиб чиққач Намруд ўқ олиб осмонга отади. (гўеки отган ўқи осмон Худосига тегди деган ишонч билан) «Ёрлиғ бўлди Жаброилга, ўкин олиб балиққа санчиб, қонға булғаб сандукқа сола бергил. Анинг учун балиқ бўғизланмас темишлар»². Афсонада кўпчилик инсонларнинг саволига жавоб тариқасида берилган, балиқнинг нега бошқа ҳайвонлар каби бўғизламасдан ўлик ҳолда тановул қилиниш сабабини шу воқеа билан изоҳлайди.

«Қисас ар-Рабғузий» асарида ҳайвонларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилади ва унга изоҳ берилади. Бироқ қиссада шундай лавҳа борки, у бошдан-оёқ киритма мифологик афсона билан тўйинтирилган. Солиҳ (а.с) қиссасида Солиҳ (а.с)нинг онаси ва қузғун қуш диалоги берилган: «Заум айди: «Сен не қуш турурсан?» Заум айди: «Мен қузғунман». Сўрди: «Бошинг налук оқарди?» Айди: «Қобил Ҳобилни ўлтурмакинга ман сабаб эрдим. Мавло Таоло манга не жазо бергу-

1 Фольклор и этнография. Л.: Наука. 1970. с 97

2 Ўша асар. 1-т. 68-б

си, андин кўркуб бошим оқарди». Айди: «Тумшуқинг налук сариғ турур?» Айди: «Ужмоҳдаги заъфарондин едим», теди. Яна айди: «Аёқларинг налук яшил турур?» Айди: «Минг йил Тубо йиғочинда кўндум». Яна айди: «Қорнинг налук қора турур?» Айди: «Бир кун тамуғ узасиндин кечар эрдим, ўт иссиғи мундоғ қилди»¹. Лавҳада қузғуннинг ташқи қиёфаси бошдан оёқ мифология асосида қурилган. Унинг танасидаги ҳар бир ранг ўзига хос изоҳланади. Диний мазмун-моҳиятга йўғрилган бу ҳикоятда ислом таълимотининг таъсири анча кучли. Чунки қузғуннинг ҳар бир тана аъзосининг ранги диний тушунча ва қарашлар асосида изоҳланиб, гуноҳкорлик ҳисси Аллоҳ Таолодан қандай жазо берилиши бошини оқартириш даражасида кўрқинчли, шунингдек, жаннат ва дўзахнинг ўзига хос чиройи ва даҳшати ҳақида тумшуғидаги заъфарон ва қорнининг қоралиги билан изоҳ беради. Хуллас, ижодкор ҳайвонларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ташқи қиёфаси, бошқа ҳайвонлардан ажралиб турадиган фарқли жиҳатлари ҳақида сўзлар экан, уларнинг баъзиларини халқ орасида юрган маълум бир тотемик қарашлар маҳсули дейиш мумкин. Ёзувчи оғзаки ижод намуналарини тўплаб, қисса бадиийлигини ошириш мақсадида баъзи лавҳаларга ўзгартириш киритган бўлиши мумкин.

Умуман олганда, қиссадаги мифологик афсоналар тарихан узоқ мозийга бориб тақалиб (олиmlарнинг фикрича, бу давр «Олтин давр» деб атала-

¹ Ўша асар. 1-т. 53-б

ди) ҳайвонларнинг генезиси, ўзига хос характери, ташқи қиёфаси ҳақида илк ибтидоий илмий тушунчалар хусусида маълумот беради. Ўрта Осиёга ислом таълимоти кириб келгандан сўнг неча минг йиллик тарихга эга бу афсоналарга ислом дини таълимоти сингдирилиб янги мазмун-моҳият касб эта бошлади. «Қисас ар-Рабғузий» асарида ҳам ана шу қараш етакчилик қилиб, ҳайвонот дунёсининг пайдо бўлиши ва ўзига хос табиати пайғамбарларнинг фаолияти тасвири жараёнида уларнинг ўзига хос қирралари очиб берилади.

5. Инсон ва унинг фаолият жараёни ҳақидаги киритма мифологик афсоналар

«Қисас ар Рабғузий» асарида зухур этган киритма мифологик афсоналарнинг анчагина қисмини инсон ва унинг фаолияти билан боғлиқ мифологик афсоналар ташкил этади. Чунки инсоннинг ўзига бўлган қизиқиши, ўзини тушунишга бўлган интилиши қадимги одамларнинг энг қизиқарли ва жумбоқли саволларидан бўлган бўлса ажаб эмас. Е.М.Мелитенский қадимги одамларнинг дунёни билишга бўлган қизиқишини қуйидагича баҳолайди: «Анъанага айланган одатларнинг илк кўриниш даври ва тажрибага асосланган даврга биргаликда «энг асосий давр» сифатида қараш керак. Чунки инсонларнинг дунёни билишга бўлган илмий қизиқиши натижасида реал ҳаётни англаб, турли мавзудаги афсоналарнинг яратилиши яқун топа бошлади»¹. Ҳақиқатан ҳам, инсонларнинг «Асосий давр»да яратган мифлари ҳозирги кунда ҳам турли халқ оғзаки ижоди намуналарида сақлаб қолинган бўлиб, унинг излари «Қисас ар Рабғузий»да талайгина. Бу борада Одам Ато ҳақидаги қисса диққатга моликдир. Қиссада эркаклар ҳақида шундай лавҳа берилади: қачонки Момо Ҳавво жаннатдан маън қилинган мевани олиб чиқиб, Одам Атога бергач, унинг таъқиқланганлиги эсидан чиқиб «оғзинга солди, чайнади, бўғзинга тикилмишда ул аҳдни анғди. Ичкару киргали измади, ташқарума чиқару билмади. Кирмасун теб илки бирла бўғузин тутти. Ул увун бўғзинда юмғоқ қол

¹ Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976. с 173

ди. Ул сабабдин эранлар бўғузинда ул юмғоқ бор»¹. Эътибор қилинса, ёзувчи эркак кишининг бўғзидаги юмғоқни таъқиқланган мева - буғдойни еганлигида деб изоҳлайди. Адибнинг бу лавҳаси XIII асргача етиб келган оғзаки ижод намунаси бўлиб, Ўрта Осиёда ислом динининг таъсири наижасида юзага келган. Таъқиқланган меванинг ейилиши эркакларда белги қолдиргани каби аёлларда ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Яъниким, Момо Ҳавво буғдойни егач, ҳайз кўради² ва бу ҳолат қиёматга қадар аёлларда давом этиши ҳукм қилинди. Кўринганидек, инсоннинг ўзини билишга бўлган интилиши турли қараш ва тушунчалар пайдо бўлишига сабаб бўлган ва инсонлар ўзларида юз бераётган биологик ўзгаришларга дин нуқтаи назаридан жавоб топишган. Таъқиқланган меванинг ейилиши оқибатида инсон ўзини англай бошлади ҳамда улар жаннатдан ҳайдалди. Бу воқеа кўпчилик халқ афсоналарида учрайдиган «Йўқотилган жаннат» ҳақидаги турли афсоналарни эслатади. «Шумер халқ афсоналарида бу жой Дильмун номли бахт шаҳри деб келтирилади. Шунингдек, Библия, Куръон, ҳинд, эрон, қадимги Америка афсоналарида ҳам жаннатдан қувилган Одам Ато ва Момо Ҳавво ҳақида ҳикоятлар сақланган»³. Таъқиқланган меванинг ейилиши уларнинг ташқи кўринишида ҳам, ички дунёсида ҳам кескин бурилиш ясади. Яъни Одам Ато ва Момо Ҳавво жаннатда юрган пайтларида терилари ўта чиройли бўлиб,

1 Ўша асар. 1-т. 24-б

2 Ўша асар. 1-т. 25-б

3 Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976.с 223

улар гуноҳ қилиб қувилгач, ҳозирги инсон териси пайдо бўлган экан. Аввалги гўзал терилари эса суюлиб, бармоқлар учида қотиб қолибди. Бу бизнинг тирноқларимиз экан. Қадимий тасаввурлар маҳсули бўлган мазкур лавҳа ҳам бевосита Одам Ато ва Момо Ҳавво воқеаси билан боғланади¹.

Иброҳим (а.с) Аллоҳ Таолога дуо қилдики, мени ажалим келишидан бир йил олдин вокиф қилгин. Унинг дуоסי ижобат бўлди. Кунларнинг бирида Азроил унинг жонини олишга келганда пайғамбар (а.с) қаршилиқ кўрсатиб, ҳали бу ҳақида огоҳлангирилмаганини билдиради. Шунда хитоб келди: «Эй Иброҳим, сақолингга урунг қачон кирди?» Айтиди: «Илоҳий, бир йил бўлди». «Эй Иброҳим, ул сақол урунглуғи ўлум элчиси турур». Иброҳимдин бурун ким эрсанинг сақолингга урунг кирмиши йўқ эрди². Юқоридаги лавҳада ҳам инсонлардаги биологик ўзгаришлар диний воқеа-ҳодисалар билан боғланган. Рабғузий бу каби лавҳаларни ўз-ўзидан келтирмаган, аксинча мифологик афсоналар воситасида ҳар бир инсон доим зийрак, тили ва дили пок бўлишини, Аллоҳга тоат-ибодат қилишни айниқса, инсоннинг ёши улғайиб, соч-соқолига оқ тушганда вақтсиз, аммо белгили муддатда келадиган ўлимига ўзини ҳам руҳан, ҳам жисман тайёрлаб, эзгу амалларни ҳар дамда бажаришга ундайди. Демак, ҳар бир асотирий лавҳалар асарда инсонни маънавий ва руҳий етукликка олиб чиқиш учун берилган. Ҳикоят орқали ёзувчи бир томондан, қадимги аجدодларимизнинг

1 Ўша асар. 1-т. 25-б.

2 Ўша асар. 1-т. 86-б

ибтидодий қараш ва тушунчаларини тасвирласа, иккинчи томондан, ислом динининг мазмун-моҳиятини киритма мифологик афсоналар воситасида бойитиб, инсонларни турли гуноҳ ишлардан тийишга ундайди.

«Қисас ар-Рабғузий»да инсон ва унда содир бўладиган биологик ўзгаришлар ҳақидаги лавҳаларда одамларнинг анъанага айланган одатлари ва тажрибага асосланган қарашлари самараси етакчилик қилади. Ривоятларга кўра Азроил Аллоҳ Таолонинг ҳукми билан ердан бир ҳовуч тупроқ олиб Дахно деб номланган жойга қўяди. «Қирк йил ул тупроқ уза ёғмур ёғди, ўттуз тўккуз йил қазғу ёғмури ёғди, бир йил севинч ёғмури ёғди. Ул йўлдин Одамға севинчдин қазғу ортуқроқ бўлди»¹. Ёзувчи инсон умрида тортадиган азоб-уқубатлари ва лаҳзалик бахти ҳақида мушоҳада қиларкан, буни Аллоҳ Таоло инсонларни яратишдан аввал тупроқ устида 39 йил ёққан кайғу ёмғири ва бир йил ёққан севинч ёмғирида деб изоҳлайди. Демак, инсоннинг бошидан ўтажак турли синовлар барчаси тақдир азал ҳукми билан юритилади. Зотан, инсон асли синов учун туғилган бўлиб, бу синовлар чақалоқнинг дунёга келишидан умрининг сўнгги нафасигача давом этади.

Аёл ва эркак ўртасидаги муносабат тасвири ҳам Рабғузий қаламидан четда қолмаган. Яъни никоҳ риштасини боғлашда эркак кишининг жонбозлик кўрсатишини ижодкор шундай изоҳлайди: Одам Ато Момо Ҳаввони кўргач, унга қизиқиб қолади ва

¹ Ўша асар. 1-т. 16-б

«Манга ёвукроқ келгил», теб ундайди. Ҳавво айди: «Мани тилар эрсанг сан келгил» теди. Одам қўбти Ҳаввоға келди. Агар бир соат сабр қилса эрди Ҳавво келур эрди. Ул йўлдин эр хотинларга бормоқ суннат қолди»¹. Демак, эр кишининг биринчи бўлиб аёлларга хушомад қилиши ва совчиликка бориши Одам Ато ва Момо Ҳавволардан қолган ва бутун дунё халқларига бу одат мерос бўлган экан. Шундай бўлса-да, ёзувчи эркакларни аёллардан хар жихатдан устун қўяди. Буни қуйидаги мисолда кўрамиз. «Одам туфрокдин яратилди. Туфрок турмушинча кўрклик бўлур. Яна Ҳавво этдин яратилди. Эт турмушинча сасир. Анинг учун хотун қариса кўрксиз бўлур»². Ёзувчининг келтиришича, фақат Одам Атогина туфрокдан яратилган, Момо Ҳавво эса гўштдан яралган. Тупрок вақт силсиласида аслигини сақлайди. Шунинг учун тупрокдан ясалган Одам Ато қариганда ҳам гўзал. Гўштнинг эса маълум муддатда шакли ва сифати бузилади. Этдан яралган Момо Ҳавво ва умуман аёллар шу сабабли ҳам қариганда хунук ва кўрксиз бўлиб қолар экан. Бироқ мазкур қиссанинг ўзида инсонларнинг бари тупрокдан яралганлиги ва Момо Ҳавво Одам Атонинг чап қовурғасидан яралганлиги ҳақидаги лавҳа берилган³. Демакки, Момо Ҳавво ҳам тупрокдан яралган. Уни ўқиган китобхон фавқулотда чалғиб ўйга толади. Лекин чуқурроқ ўйлаб қаралса, Рабгузий маълум бир лавҳа ҳақида гапиришда ўқувчини

1 Ўша асар. 1-т. 19-6

2 Ўша асар. 1-т. 19-6

3 Ўша асар. 1-т. 16-, 18--6

Ўзининг фикрига ишонтирмайди. Ёзувчи мазкур ҳикоятни келтиришда вариантликка алоҳида эътибор қаратган. Шунингдек воқеани ўрганиб, ундан керакли хулоса чиқаришни ўқувчи ҳукмига ҳавола этади. Айни лавҳанинг икки хил вариантыни келтиришда ижодкор ўзига маълум ва ҳақиқатга яқин лавҳаларни бериб, ундан сўнг халқ орасида тарқалган бошқа талқинларини ҳам «Баъзилар аймишлар» зачини воситасида изоҳлайди. Демак, ижодкорнинг ўзига хос жиҳати маълум воқеа-ҳодиса ҳақидаги лавҳаларнинг вариантлилигини таъминлаганлигидадир.

Эр кишининг аёллардан бир поғона устунлиги куйидаги лавҳада ҳам берилади: Одам Ато ва Момо Ҳавво жаннатдан қувилиб ерга туширилгач, уларга бугдойни экиб ундан кўмоч (чуғда пиширилган нон) пишириш буюрилади. Нонни пишириб ейишмоқчи бўлганда Жаброил келиб, уни учга бўлади ва икки улушини Одамга, бир улушини Момо Ҳаввога беради. Шу сабабли эрга икки улуш, хотунга бир улуш тегди¹. Мазкур лавҳада аёлларнинг эркакларга нисбатан бир поғона паст туриши тасвирланган бўлиб, ўша даврда ва, умуман, ислом оламида жамиятда эркакларнинг мавқеи аёлларникидан анча баландлигини кўрсатади. Демак, ушбу тушунча Рабғузий даврида аёл ва эркаклар муносабатида маълум чекловлар бўлганлигини ва бунга барча амал қилганлигини кўрсатади.

Куйидаги лавҳада аёлларнинг эрининг ёқасидан тутиб жанжаллашиши Сорадан қолганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Сора Иброҳим (а.с.)нинг биринчи

¹ Ўша асар. 1-т. 27-6

хотини бўлса-да, Ҳожарнинг Иброҳим (а.с) учун севикли бўлиши ва бу ўз ҳосиласини берганлиги Соранинг ҳамиятига тегади ва жаҳл устида эрининг ёқасидан тутади. Шу одат аёлларга Сорадан мерос қолган экан¹. Умуман олганда, аёл зоти қиссада мураккаб ва сирли мавжудот сифатида тасвирланади. Буни биз ёзувчининг «Тишисиз тириклик йўқ, тиши бирла тинчлик ҳам йўқ» берган мақоли орқали ҳам фаҳмлашимиз мумкин. Қиссанинг баъзи ўринларида ижобий шахс сифатида тасвирланган аёл образи, бошқа ўринда оқибатини ўйламай иш қиладиган ва бундан кейин афсус чекадиган мураккаб образ кифолида афсоналарда акс этади. Буни биз Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг жаннатдан ҳайдалишини, қаҳатчиликнинг келиб чиқиши, аёлларнинг эркакларга қилган ҳурматсизлиги, хиёлати ҳақидаги лавҳаларни келтиришимиз мумкин.

Рабғузий қиссада келтирган киритма-мифологик афсоналарнинг ҳеч бирини бадиий тўқима асосида яратмаган. Улар халқ оғзаки ижоди намуналарининг бадиий қайта ишланган шаклидир. Ижодкор бирор объект ёки субъект ҳақида гапираркан, олимларнинг «Олтин давр» дея эътироф этган дастлабки инсонлар яшаган давр ва бу вақтда яратилган афсоналарни назарда тутди. Масалан, Қобил ва Ҳобил ҳақидаги афсонада нафс учун қилинган нотўғри йўл бутун инсониятга зарар келтирганлиги таъкидланган. Қиссада берилишича, Одам Ато ўғиллари Қобил ва Ҳобилни уларнинг қарши эгизакларига: Қобилга

¹ Ўша асар. 1-т. 74-б

Ҳобилнинг эгизаги Абудони, Ҳобилга Қобилнинг эгизаги Иқлимони унаштирмакчи бўлади. Аммо Абудо хунуклиги сабаб Қобил ўзининг эгизаги Иқлимога уйланиш истагини билдиради. Шунда Одам Ато уларга Аллоҳ Таоло йўлида қурбонлик қилишларини ва кимнинг қурбонлигини ўт кўйдурса, ўша Иқлимони олишини маълум қилади. Бу шартда Ҳобилнинг қурбонлиги ўтда куяди. Аламига чидай олмаган Қобил ўз укаси Ҳобилни ўлдиради. Бизга маълумки, ўша даврда экзогамик никоҳ тури мавжуд бўлиб, ўта яқин қариндошлар бемалол бир-бири билан алоқада бўлган ва дастлабки даврда одамлар кўпайиши учун ҳеч ким экзогамик никоҳни таъқиқламаган.

Халқлараро ассоциатив яқинлик бутун дунё фольклор намуналарининг бир илдизга бориб тақалишини олимлар тадқиқ этишган. Дунё халқлари фольклорида машҳур бўлган бу афсона ҳақида олим Э.Стеннернинг тадқиқ этишича, қадимги қонун-қоидага мувофиқ ўта яқин бўлган ички қариндошлар никоҳ тузишда қурбонлик келтиришган¹. Демак, экзогамик никоҳ бутун дунё халқлари орасида тарқалган бўлиб, қаҳрамонларнинг бу йўлда қурбонлик келтириши узоқ вақт сақланиб қолган. «Коряк ва ительмен халқ афсоналарида келтирилишича, Ворона номли шахснинг Эмемкут ва Йинианаут, Кылю ва Илла номли эгизак фарзандлари бўлиб, уларнинг бўйи етганда ўта яқин қариндошлар орасидаги никоҳ турига кўра Эмемкут билан Кылюни (Эмемкут эгизаги Йинианаутни севса-да), Йинианаут билан

¹ Мелигенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976. с 228

Иллани бир-бирига никохлаб кўяди»¹. Қобил ва Ҳобил ҳақидаги афсоналар билан Эмемкут ва Кылю ҳақидаги афсона бир илдизга тақалиб, улар сюжети-га кўра айнаи бир воқеанинг такроридир. Бир илдизга бориб тақалувчи Қобил ва Ҳобил ҳақидаги қиссада ижодкор Қобилни дунёда қотиллик ва жамият учун зарарли одатларнинг асосчиси сифатида кўрсатади². Шунингдек, инсон қонининг ерга сингмаслигида ҳам Қобилнинг ноҳақ қилган қотиллиги сабабчи³. Айнан шу воқеа Одам фарзандларига ибрат бўлсин учун қоннинг ерга сингмаслиги мерос қолдирилди. Энг муҳими, китобхон бу воқеалардан зерикмайди, аксинча улардан эстетик завқ олиб керакли тарбиявий хулоса чиқаради.

Рабғузий дунёдаги барча урф-одатлар, хатоликлар ибтидоси Одам Ато ва Момо Ҳавводан бошланган деган қарашдан буткул йироқ. Шу сабабли баъзи одат ва анъаналарни тасвирлашда бошқа пайғамбарларни ҳам тилга олади. Қиссада берилишича, Яъқуб (а.с) ўғри суратида келган фаришта билан курашга тушади ва енгилиб оғир дардга чалинади. Дарди ҳадеганда тузалавермагач, «Назр қилди, агар Мавло Таоло бу оғриғдин шифо берса қаю ем ичим манга севук турур ани ўзумга ҳаром қилдим. Мавло Таоло шифо берди. Яъқуб емларда тева эти севук эрди, ичимларда тева сути. Бу иккини ўзунга ҳаром қилди»⁴. Яхудийларга туянинг гўшти ва сути

1 Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976.с 200

2 Ўша асар. 1-т. 30-31-б

3 Ўша асар. 1-т. 31-б

4 Ўша асар. 1-т. 94-б

ҳаром. Бу одат уларга аждоди Яъқуб (а.с)дан мерос қолган ва ҳозиргача бу одатга амал қилишади. Демак, Рабғузий истеъдодли этнограф ҳамдир. Чунки XIII-XIV асрларда миллатлараро алоқалар ҳозиргидек ривожланмаган бир пайтда ижодкорнинг турли халқ анъана ва одатларини билиши унинг серқирра ижод соҳиби эканлигини кўрсатади.

Маълум бир воқеа-ҳодиса сабаб ҳайвон ёки ўсимликнинг баъзи турларига нисбатан тотемик қараш маҳсули бошқа халқ фольклорида ҳам учрайди. Масалан, «Чамна республикасида буйвол (буқалар кенжа оиласига мансуб ҳайвон)нинг гўштини тановул қилиш маън қилинган. Сабаби қадимги афсоналарга кўра, Чамна шаҳзодаси чақалоқлигида буйволнинг сутини эмиб катта бўлган. Бу каби одам ва ҳайвон ўртасидаги чуқур илдизга бориб тақалувчи тотемик қарашлар маҳсули бошқа халқ афсоналарида ҳам учрайди. Қайси бир қироллик подшоси кемада саёҳат қилиб юрган пайтида кемаси ҳалокатга учраб ёрдамга муҳтож қолади. Алу-алу номли балиқнинг шарофати билан тирик қолган шох гандаули номли гулга тирмашиб, соҳилга чиқади. Ўша воқеа сабаб ҳозирги кунга қадар баъзи қиролликда алу-алу балиқнинг гўштини ейиш ва гандаули гули билан маросимларни безаш ва бошқа эҳтиёжлар учун узиш қатъиян таъқиқланган экан»⁵.

Демак, Рабғузий қиссада пайғамбарлар ҳаёти ва фаолияти тасвирида киритма мифологик афсоналарни сингдиришда, аввало, халқлараро адабий алоқаларга жиддий эътибор билан қараган, оғзаки ижод намуналарини синчковлик билан ўрганган.

⁵ Фольклор и этнография. Л.: Наука. 1970 с 96

Анъанага айланган урф-одатларнинг генезисини олим сифатида ўрганиб, ижодкор сифатида уни бадиий қайта ишлаб, асар мағзига сингдирган. Инсон муаммоси ва тақдири бош планда қўйилган мазкур асарда ҳар бир нарсани, воқеа-ҳодисанинг сабабчиси Инсон эканлигини қиссанинг ҳар бир лавҳасида эслатган.

Этнографик характердаги киритма мифологик афсоналар

«Қисас ар-Рабғузий»даги қиссалар орасида этнографик моҳиятдаги мифологик афсоналар ҳам учрайди. Чунки ёзувчи ҳар бир халқнинг келиб чиқиши, ўзига хос маданияти, урф-одати, табиати, бошқа халқ ва элатлар билан ўхшаш ҳамда фарқли жихатларни ўз даврининг олими сифатида изоҳлайди. Этнографик мифологик афсоналарни тасниф қилишда, энг аввало, ижодкор Нух (а.с)нинг уч ўғлидан бошлайди ва дунёдаги барча миллат, ирк эгалари Нух (а.с) ўғилларидан бошланган деган ҳақли назарияни илгари суради. Қиссада шундай парча берилади: тўфон тугаб, сув ерга сингиб, Нух ва унинг фарзандлари кемадан ерга тушишди. Кемада юриб ҳолдан тойган Нух (а.с) ухлаб ётганда шамол эсиб Нухнинг уят-андоми очилиб қолади. Шунда ўғилларидан «Ҳом ани кўруб кулди. Сом Ҳомға маломат қилди. Ёфас ани кўруб тўни бирла ўртди»¹. Лавҳада Нухнинг уч ўғли одоби, ўзини тутиш маданияти ва отасига бўлган муносабатига кўра уч хил характер-

¹ Ўша асар. 1-т. 45-6

да. Ижодкор уларнинг хатти-ҳаракатини баҳолар экан, бу ишларининг натижасини кейинги сатрларда кўрсатиб беради. «Мавло Таоло анинг шумлуқиндин Ҳомнинг ўнгурқасиндаки нутфани қора қилди. Ўғлонлари қора бўлди..... Андағуқ уруғлари ҳиндулар, ҳабашийлар, зангилар қамуғи анинг уруғи турурлар. Аммо араб ва ажамнинг отаси Сом турур, Ҳом Ҳиндустонга изди. Сомни араб ва ажам вилоятинга изди. Ёфасни Туркистон вилоятинга изди. Қамуғ турклар Ёфас уруғи турур. Ул йўлдин турклар азиз ва мукаррам бўлдилар»¹. Ёзувчи дунёдаги халқларни гуруҳлаганда халқларнинг этник келиб чиқиши, ташқи қиёфасига, кийиниш маданияти, яшаш тарзини инобатга олган. Ҳом отасининг ҳолатидан кулгани туфайли Аллоҳ Таоло ўзи ва барча авлодининг юзи ва бутун танасини қора қилди. Ҳом ўзининг бу ҳолатидан уялиб хотини билан узоқларга кетади ва қамишларни йиғиб, улардан уй ясайди. Шу сабабли уларга омонат уй қуриш мерос қолди. Ҳом ва унинг хотинидан ҳиндлар, ҳабашийлар ва зангиларнинг авлоди тарқалди. Эътибор қилинса, уларнинг барчаси ранги қора ва умумий маданиятига кўра жуда ўхшаш.

Нухнинг иккинчи ўғли Сом отасининг ҳолатидан кулмади. Аксинча, Ҳомнинг бу ҳаракатидан хафа бўлиб, унга таъна-дашном берди. Сом ҳақиқатда ҳам Ҳомнинг қилиғидан жаҳли чиққан бўлса-да, амалда отаси учун ҳеч нарса қилмади. Сомнинг бу хатти-ҳаракатига кўра Аллоҳ Таоло уларни Араб ва Ажам халқининг отаси қилди.

¹ Ўша асар. 1-т. 45-6

Яъни Араб ва Ажам халқлари Сомдан тарқалган деб келтиради ёзувчи.

Нухнинг учинчи ўғли Ёфас икки акасидан фарқли иш тутди. Яъни у отасининг шамолда уят-андоми очилишидан кулмади, уялмади, акаларига дашном бермади. Билъакс бу ҳолатда бориб отасининг очилиб қолган жойини бекитди. Унинг бу иши таҳсинга лойиқлиги сабаб Аллоҳ Таоло уни азиз ва мукаррам қилиб, ҳам ташқи қиёфа борасида, ҳам яшаш тарзи, ҳам маданияти, ҳам урф-одати хусусида устун қилган экан. Ижодкор Нухнинг биринчи ўғли Ҳом Ҳиндистонга, иккинчи ўғли Сом араб ва ажам давлатларига, учинчи ўғли Ёфасни Туркистонга юборилиши ҳақида гапираркан, бевосита ёзувчининг ўзи ҳам Ёфаснинг авлоди эканлигидан фахрланиш туйғуси сезилади. Ижодкор юқоридаги лавҳани келтирар экан, сўзининг ҳаётий далилга асосланганлигини билдириш мақсадида «Бу сўзлар Абу Исҳоқ Нишопурий жамъ қилган «Қиссаси ал-анбиё» ичинда битиклик турур»¹ дея келтиради. Бироқ Рабғузий одамларни уч ирққа бўлишда Абу Исҳоқ Нишопурийнинг маълумотига тўғридан-тўғри қўшилганлиги сабаб ноқислик борга ўхшайди. Яъни у халқларни ирққа бўлишда еврей халқлари ҳақида ҳеч нарса демайди. Е.М.Мелитенский француз, немис ва савой халқларининг генезиси ҳақида гапираркан, уларнинг денгиз тубида сувли тугунча ва кумурсқадан пайдо бўлган, деган маълумотни тақдим этади². Еврей халқлари ҳақида гап кетганда голланд халқи-

1 Ўша асар. 1-т. 45-б

2 Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. М.: Наука. 1976.с 173

нинг ўзига хос генезиси ҳам тилга олинмоғи керак. Маълум бўлишича, «бир давлатнинг кироли юқумли тери касалига дучор бўлади. Давоси ҳадеганда топилмагандан сўнг халқи унинг сеvimли ити билан соҳил бўйига ташлаб кетади. У ерда шоҳ ўзининг итига яқинлашади ва бунинг оқибатида ит иккита кўзлари мовий ва сочлари оппоқ бўлган ўғил ва қиз бола туғади. Ана шулар голланд халқининг биринчи авлоди экан»¹. Демак, голланд халқи ўзига хос инсон ва ҳайвоннинг кўшилишидан пайдо бўлган экан. Бу қараш ва тушунчалар бошқа халқ оғзаки ижод намуналарида ҳам учрайди. Жумладан, айик ва қизчанинг эр ва хотин бўлиб яшаши ва ҳ.к. Умуман олганда, асар Рабғузийнинг турли халқларнинг ўзига хос хусусияти ва табиати, урф-одат ва анъаналарини яхши билган нодир истеъдод эгаси сифатида элга танитади.

Инсонларнинг кашфиёти ҳақидаги мифологик афсоналар

Инсон яратилибдики, ҳаёт қийинчиликлари, оғир турмуш тарзи, кутилмаган табиат ўзгаришларидан, ваҳший ҳайвонларнинг ҳужумидан сақланиш учун доимо изланишда бўлган. Нима қилиб бўлса-да, табиатнинг қаҳри қаттиқлигидан, баҳайбат махлуқларнинг мудом ғолиб келишидан зада бўлган қадимги инсонлар ўзларига кўшимча куч берадиган нимадир яратишга ҳаракат қилишган. Бунинг натижасида улар турли тошлардан, ёғочлардан қурол-яроғ ясаб,

¹ Фольклор и этнография. Л.: Наука. 1970. с 447

душманларга қарши ишлатган. Инсоният цивилизациясида кескин бурилиш ясаган бу каби кашфиётлар бутун дунё халқлари фольклорида ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Масалан, оловнинг пайдо бўлиши, биринчи қурол-яроғларнинг кашф этилиши ва ҳ.к. Рабғузий қиссада юкорида саналган предметлар ҳақида гапирмаса-да, халқ ҳаётидаги қадимги изланишлар самараси турли кашфиётлар ҳақида фикр юритади. Қиссада келтирилишича, Намруд Иброҳим (а.с)ни оловга отиб ўтда кўйдирмокчи бўлганда ҳеч ким оловнинг тафтига чидаб, унга яқин боролмайди. Шунда Шайтон (а.л) келиб, манжаниқ қилишни ўргатади. Иброҳим (а.с) давригача ҳеч бир халқ манжаниқ нима эканлигини билмасди. Манжаниқ уруш пайтида душман томонга тош отадиган қурол бўлиб, унинг пайдо бўлиши Иброҳим (а.с) билан боғлаб берилляпти.

Инсоният кашфиёти ҳақида гап кетганда Рабғузий халқ меъморчилигига оид кашфиётларни ҳам келтирадики, бунда биз одамларнинг анча маданийлашиб, уй-жой қуришда мукаммаллашган иш услубини кўрамиз. Қиссада берилишича, Фиръавн биринчи марта пишиқ ғишт ва оҳакка асос солган экан¹. Ундан аввал ҳеч ким бу нарсалар нималигини билмаган эмиш. Демак, Фиръавн пишиқ ғишт ва оҳакнинг асосчиси. Китобхон бу лавҳаларни ўқиб ажабланмайди. Чунки Фиръавн тарихда кўплаб осмонўпар биноларни мукаммал режа асосида қурдирган. Қиссанинг Мусо (а.с)дан кейин яшаган Сулаймон (а.с) қиссасида ҳам шундай лавҳа берилган:

¹ Ўша асар. 1-т. 172-б

«Девлар дунёда етти нарса тасниф қилди. Сулаймон пайғамбар вақтинда, андин бурун йўқ эрди. Ҳаммом, сув тегирмони, оҳак, наққошлик, сурат қилмоқ, тошни бу тоғдин ул тоғга элтмак»¹. Мазкур парчада эса оҳакнинг асосчиси девлар дея эътироф этилган. Маълум бир нарса-предметнинг пайдо бўлиши, асос солинишини турли даврларда яшаган икки пайғамбар воқеаси билан боғлаш мантиққа зид. Ижодкор бу вазиятда бир-бирини такрорлайдиган бу икки ҳолатга изоҳ беришни истамайди. Аксинча, халқ орасида эшитган ва ўқиганларини бирма-бир келтиради ва хулоса чиқаришни ўқувчи ҳукмига ҳавола қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Рабғузийнинг «Қисас ар-Рабғузий» асари пайғамбарлар ҳаёти ва фаолияти асосида китобхонга ҳам ахлоқий, ҳам маънавий озуқа берувчи асардир. Ижодкор қаламга олган анбиёлар фаолияти ҳар жиҳатдан ибратли бўлиб, қиссалар воситасида XIII-XIV асрлар Работи Ўғузнинг тараққий этиши, табиати, ўзига хос маданияти, анъана ва удумлари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиш мумкин. Гарчанд «Қисас ар-Рабғузий» диний мазмундаги асар бўлса-да, ундаги барча воқеаларни айна ҳақиқат дея олмаймиз. Шу сабабли биз қиссадаги оғзаки ижод намуналарини имкон қадар холисона таҳлил қилишга ҳаракат қилдик ва қуйидаги хулосаларга келдик:

1. «Қисас ар-Рабғузий» асаридаги киритма-мифологик афсоналар таҳлил қилинганда, дунё халқлари афсоналари билан бир илдизга бориб тақалиши маълум бўлди.

¹ Ўша асар. 2-т. 34-б

2. Дунё халқлари фольклор намуналари билан Рабғузий келтирган мифологик афсоналар таққосланганда Рабғузий тақдим этган мифологик афсоналар нисбатан қадимий эканлиги аниқланди (бунга мушук, жийда ҳақидаги афсоналарни киритиш мумкин). Бу эса туркий халқларнинг келиб чиқиши узоқ мозийга бориб тақалишини кўрсатади.

3. Асар диний моҳиятда бўлганлиги учун ижодкор ҳар бир киритма- мифологик афсоналарни бирор пайғамбар фаолиятидаги воқеа-ҳодиса билан боғлайди. Натижада асар янада ўқишли бўлиб, китобхонга оламжаҳон эстетик завқ бағишлаган.

Умуман олганда, Рабғузийнинг «Қисас ар-Рабғузий» асари пайғамбарлар фаолияти ҳақида қизиқарли ва қимматли маълумот берувчи адабий манбаа бўлиб, унда келтирилган баъзи лавҳалар келиб чиқишига кўра мифологик афсоналарга бориб тақалади. Бироқ бу ҳолат ёдгорликнинг бадиий қимматига путур етказмади, аксинча унинг халқ орасида шухрат қозонишига сабаб бўлди. Энг муҳими, қиссадаги киритма-мифологик афсоналар ҳар бир халқ тарихини ўрганишда, этник келиб чиқишини таҳлил қилишда, маданияти, урф-одати билан яқиндан танишишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ҳам шоир, ҳам ёзувчи сифатида шуҳрат қозонган Носириддин Бурҳониддин Рабғузийнинг «Қисас ар-Рабғузий» асари XIII-XIV асрда яратилган нодир ёдгорлик сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Қозилик фаолияти давомида диний манбаларни кўп ўқиган, тарихий воқеаларни тадқиқ қилган, халқ оғзаки ижод анъаналаридан бевосита ва билвосита фойдаланган ҳолда ижодий завқ олган ижодкор ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб, наслнинг гўзал намунасини яратди.

«Қисас ар-Рабғузий» ни ўрганиш ва уни илмий таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, ҳозирги кунгача бу асарнинг халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ томонлари ва Рабғузий шеърятининг ўзига хос жиҳатлари махсус ўрганилмаган эди. Тадқиқотда ана шу муаммо илк бор монографик планда тадқиқ этилди ва куйидаги хулосаларга келинди:

1. Энг аввало, Рабғузийнинг «Қисас ар - Рабғузий» асари пайғамбарлар фаолияти ҳақидаги қиссалардан ташкил топган диний асар. Унда дунёнинг яралиши ва биринчи инсон Одам Атодан охирги пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) фаолиятигача бўлган пайғамбарлар фаолиятига оид турли ҳико-

ятлар ва ривоятлар келтирилган ва уларнинг барчаси қисса туркуми остида бирлаштирилади. Шу сабабли қиссадаги воқеаларнинг кўпчилиги Қуръон ва ҳадис каби бирламчи диний манбалар, баъзи бир тарихчи, исломшуносларнинг асарларидан берилган маълумотлар, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) даврларида ва ундан кейинги даврда яшаган саҳобалардан ёзиб олинган маълумотлар, шунингдек, халқ орасида оғиздан—оғизга ўтиб келаётган турли диний ҳикоят ва ривоятлар асосида қурилган.

2. Қисса диний асар бўлиш билан бирга кўп асрлик шарқ халқлари насри ва оғзаки ижоди анъаналарини ўзида акс эттирган адабий манбаа ҳамдир. Тадқиқотда асар таркибидаги халқ оғзаки ижодига хос лавҳалар қуйидагиларда ўрганилди.

а) «Қисас ар-Рабғузий» асаридаги ҳикоятлар асосини дунёни билишдаги илк илмий қарашлар маҳсули бўлган мифологик афсоналар ташкил этади. Бу киритма мифологик афсоналар мавзу ва мазмунига кўра ранг-баранг бўлиб, унда дунёни билишдаги илк илмий қарашлар маҳсули етакчилик қилган бадиий лавҳалар акс эттирилади. Вундай асотирий тасвирлар турлича бўлиб, ижодкор уларни қиссада бир мақсад остида бирлаштирилган тугал ҳикоятлар кўринишида келтиради.

б) Халқ оғзаки ижодида учрайдиган ноанъанавий дев ва пари образлари тадқиқ этилди. Ўзувчи қиссада бундай мураккаб образлардан ўз ижодий ниятини ёрқинроқ ифодалашда, бош қахрамоннинг шахсий, маънавий—маърифий қиёфаси, унга

хос хусусиятлари ҳамда фазилатларини акс эттиришда фойдаланган. Шунингдек, қиссада кампир, чақалок, бўри каби эпизодик - анъанавий образлар ҳақида ҳам тўхталиниб, уларнинг қисса бадииятида тутган ўрни ва дунё фольклорида бу образларнинг ўзига хос табиати тасвири асар билан қиёсий типологик таҳлил этилди.

с) Оғзаки ижод намуналарида такрорланадиган анъанавий мотивлар қиссалар мисолида ҳам тадқиқ этилди. Жумладан, фольклор асарларида бош қаҳрамоннинг куч-қуввати, сабр-тоқати, ақл-фаросати, иродасини чархловчи синов мотиви тадқиқотда Юсуф (а.с) ҳамда Довуд (а.с) қиссалари таҳлилида ўрганилган. Чунки бу қиссаларда шахс тарбиясида ижобий самара берувчи лавҳалар бўлиб, пайғамбарлар тимсолида сабр-матонат ва нафсни енгиш ғояси илгари сурилади.

Эртак ва дostonларда фаол учровчи туш мотиви ҳам қиссада турли функцияларни бажарган. Улар қиссада пайғамбарлар фаолияти мисолида турфа таъбирдаги тушларни келтириб, улар етакчи қаҳрамоннинг мақсадига етишувида асосий узв вазифасини бажарган. Қиссаларда туш мотивининг (айниқса, Юсуф (а.с) қиссасида) асосий планда кўтарилиши, ёзувчининг Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган туш билан боғлиқ ҳодисаларга айрича ишонч ва ҳурмат ила ёндашганини кўрсатади.

3. Мазкур тадқиқотда “Қисас ар-Рабғузий”-нинг фольклор билан боғлиқ жиҳатлари текширилар экан, манбаа сифатида ёдгорликнинг 1990-

1991 йилларда «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган Тошкент нашри, котиб Эшон Солиххўжа Тохир томонидан кўчирилиб, 1904 йилда Самарқандда чикқан нашрий нусха ҳамда бу нашрий нусхаларга кўшимча сифатида “Қисас ар- Рабғузий”нинг Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг тадқиқот марказида сақланаётган №10252, №7397, №1834, №6227, №11537, №6346, №6685, №6122, №11202 кўлёзма нусхаларидан фойдаланилди ва улар бир-бири билан қиёсий тадқиқ этилди. Бу нашрлар ҳар хил даврда турли котиблар томонидан кўчирилганлиги сабабли сюжети, тил услуби, шеърляти-да бир мунча тафовутлар аниқланди ва улар тадқиқотда кўрсатилди.

4. Ижодкор қиссани халқона руҳда ёзганлиги сабабли асар китобхонлар орасида жуда машҳур бўлган. Шунингдек, асар мукамаллигининг асосий сабабларидан бири қиссада кўплаб бадий санъатлардан фойдаланганлигидир.

а) Бадий асарда сажълардан фойдаланиш ёзувчи, бахши ёки оқин учун доимо ижобий натижа берган ва асарнинг янада ўқишли, таъсирчан бўлишини таъминлаган. Шу жиҳатдан Носриддин Рабғузий ўзбек ёзув адабиётида илк бор сажълар воситасида наслнинг гўзал намунасини яратганлиги билан диққатга моликдир. Сажълар қиссада адибнинг фикрини поэтик тарзда ифода этиб, тасвир оқимини махсус оҳангга солган. Шу билан бирга у ёзувчининг эстетик диди, тафаккур оламининг қай даражада бойлигини белгилашда ҳам муҳим омилларидан бири саналади.

б) Қиссада шахс, предмет, воқеа-ҳодисаларга хос хусусиятларни бўрттириб, образлар феъл-атворини ёрқин тасвирлашда муболағаларнинг ўрни бекиёсдир. Ижодкор мазмун талабига кўра ижодий ғоясини аниқ ва жонли чиқаришда муболағанинг ҳар тўртала туридан фойдаланади ҳамда кўп ҳолларда улар тасвирланаётган объект билан ажралмас қисмни ҳосил қилган бир бутунликни ташкил этади. Булар тадқиқотда Худ (а.с), Юсуф (а.с) қиссалари мисолида кўрсатилган.

5. Тадқиқотда кўп асрлик тарихга эга бўлган ва эл орасида шуҳрат топган латифалар ўрганилди ва XIV асрдаги латифа жанрининг ўзига хос табиати билан ҳозирги даврдаги латифаларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари киёсланди. Тадқиқотда 3та латифа таҳлил қилиниб (асарда атиги учта латифа берилган бўлиб, бари Юсуф (а.с) қиссаси таркибидадир), уларда қисса таркибида ёзувчининг ижодий ғоясини очиб беришдаги аҳамияти, бажарган вазифаси ҳамда тарбиявий аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Демак, ижодкорнинг «Қисас ар-Рабғузий» аса-рида диний моҳиятдаги ривоят ва ҳикоятларда оғзаки ижод неъматлари излари сингдирилган ва улар қисса таркибида кенг кўламда ишлатилиши унинг асар устида жиддий ишлаганини, бадий тасвирда ўта синчковлик билан ёндашганини кўрсатади. Ёзувчи қиссада афсонавий, диний ва тарихий лавҳалар асос қилиб олинган ҳикоятларни ҳаётийлик билан туташтиради, афсона билан реал турмушни бир бутун бадий ҳақиқатга айланти-

ришга муваффақ бўлади. Бу асар адабий–маърифий жиҳатдан китобхонга эстетик завқ бериб, унинг дунёқарашини кенгайтиради, асарга бўлган муҳаббатини оширади. Ёдгорлик, бир томондан, ёзувчининг қозилик фаолиятида пайғамбарлар ҳаёти ҳамда оғзаки ижод намуналарига ўта қизиққанлигини кўрсатса, иккинчи томондан, уни забардаст истеъдод соҳиби ва олим сифатида намоён қилади. Қисса тили содда, равон, ихчам, халқчил бўлгани сабаб аҳолининг барча табақаси учун тушунарли бўлган ҳаттоки шу кунга қадар барчага бирдек азиз бўлиб келмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, Рабғузий ижодига бўлган қизиқиш кучли бўлса-да, унинг ҳаёти ва фаолияти хусусида ҳали етарлича изланиш олиб борилмаган. Хусусан, «Қисас ар-Рабғузий»даги лирик шеърларнинг қиссадаги ўрни, жанрий таснифи, бадий санъатларни қўллашда ёзувчилик маҳорати каби масалаларни алоҳида илмий иш сифатида ўрганиш галдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Асарнинг поэтик тили ва услуби муаммоси махсус тадқиқот объекти бўла олиши мумкин.

XIII аср охири – XIV аср бошларида яшаб ижод этган Носириддин Рабғузийнинг “Қисас ар - Рабғузий” асари эл орасида “Қисас ул- анбиё” номи билан маълум ва машҳур бўлиб, шу кунга қадар бир нечта қўлёзма ва нашрий нусхаларда турли жойларда кўчирилган. Ижодкорнинг мазкур асари кўплаб олимларнинг эътибор марказида бўлиб, бу йўналишда улар муайян илмий хулосалар

билдиришган. Бироқ қисса диний асар бўлса-да, унинг халқ оғзаки ижоди билан ҳамоҳанглиги жиҳатлари ҳанузгача махсус ўрганилмаган. Шу сабабли ёдгорликнинг халқ оғзаки ижоди билан ўзаро боғлиқ жиҳатларини аниқлаш ижодкор қиссаси ҳақида тўғри хулоса чиқаришда асосий таянч вазифасини ўтайди.

Мазкур монография ана шу Рабғузий ва фольклор муаммосининг илк бор жамоатчилик эътиборига ҳавола этилаётганлиги билан қимматлидир ва у китобхонлар кўнглидан жой олади деган умиддамиз.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб	
Рабғузийнинг ҳаёти ва ижодий меросининг ўрганилиш йўли	7
«Қисас ар-Рабғузий»нинг таркиби, қўлёзма ва нашрий нусхалари таснифи	14
2.1. Қисса ва ҳикоятлардаги образларнинг халқ оғзаки ижоди билан муштараклиги	53
2.2. «Қисас ар-Рабғузий» тузилиши ва сюжетида анъанавий мотивлар	106
3.1 Қиссалар таркибидаги киритма-мифологик афсоналар	128
Космогоник киритма мифологик афсоналар	129
Календар киритма мифологик афсоналар	141
3. Наботот олами этиологияси ва ўзига хос хусусияти	145
4. Ҳайвонот дунёсининг пайдо бўлиши ва ўзига хос хусусияти ҳақидаги киритма мифологик афсоналар	151
5. Инсон ва унинг фаолият жараёни ҳақидаги киритма мифологик афсоналар	173
Этнографик характердаги киритма мифологик афсоналар	183
Инсонларнинг кашфиёти ҳақидаги мифологик афсоналар	186
Хулоса	190

Зилола Шукурова

РАБҒУЗИЙ ВА ФОЛЬКЛОР

монография

Мухаррир: О. Давлатов
Мусаххих: Н. Абдукаримова
Саҳифаловчи: У. Саидов

Лицензия АИ №247. 02.10.2013 й.

Босишга 15.03.2015 йилда рухсат этилди. Формат 84x108 1/32.

«TimesNewRoman» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Нашр ҳисоб табоғи 12,5. Тираж 200. Баҳоси шартнома асосида,

Буюртма № 10

«Turon matbaa» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Талабалар кўчаси 2-уй.

Зилола Шукурова

РАБҒУЗИЙ ВА
ФОЛКЛОР



ISBN 978-9943-4480-7-0

